

80  
130

# ИЗЛАНИШ

Ёш тадқиқотчиларнинг илмий  
мақолалари тўплами

№1



FF0000011022

ТОШКЕНТ

80  
ИЗО

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

НИЗОМИЙ НОМИДАГИ ТОШКЕНТ ДАВЛАТ  
ПЕДАГОГИКА УНИВЕРСИТЕТИ

# ИЗЛАНИШ

Ёш тадқиқотчиларнинг илмий мақолалари тўплами

№1



AL-MAVOIY-NOMIDAGI  
Tosh 18404 U  
AXBOROT-RESURS MARKAZI

ТОШКЕНТ -2008

2/2008/10

**АННОТАЦИЯ**

Ушбу тўпламда Ўзбек тили ва адабиёти факультетининг ёш ўқитувчилари, аспирант, магистрант ва икtidорли талабаларининг илмий мақолалари жамланган. Тўпламга киритилган мақолалар муаллифларнинг илмий тадқиқот мавзусига алоқадор бўлганлиги учун тадқиқотчиларнинг илмий раҳбарлари тақризига асосан қабул қилинди.

**Ҳамкоримиз: Низомий номидаги ТДПУ «Ёш олимлар» кенгаши**

**Эдитор:**

доцент Иномжон Азимов

**Мухаррир:**

доцент Маъруфжон Йўлдошев

**Ижодий гуруҳ:**

филол.ф.н. Муяссар Сапарниязова

филол.ф.н. Мухайё Ҳакимова

катта ўқитувчи: Давлатёр Жумашев

катта ўқитувчи: Қодиржон Мўйдинов

ўқитувчи: Вазира Аҳмедова

ўқитувчи: Ақромжон Узоқов

ўқитувчи: Наргиза Аҳмедова

ўқитувчи: Комилжон Дўсанов

ўқитувчи: Азизбек Холмонов

**Музаҳх:**

Муаззам Дедахонова.

**Техник муҳаррир:**

Нурилдин Ўктамов

Тўплам ҳақидаги фикр-мулоҳазаларингизни [izlanish\\_ytk@rambler.ru](mailto:izlanish_ytk@rambler.ru) электрон почтасига юборишингиз мумкин.

Тўплам Низомий номидаги ТДПУ Илмий Кенгашининг 2008 йил 27 мартдаги 8- сонли қарори билан нашрга тавсия қилинди.

~~Nizomiy nomli  
kutubxonasi~~

01/04/06/6

## Изланишдан толманг, ёшлар!

Изланиш мунтазам фаолият демак, туну кун шуурли бўлмок, бир нави югурик умрни уйғок ўтказмок дегани. Маънисиз онларга мазмун бахш этиш истаги билан бедор яшамок дегани. Қаердадир ўқигандим: «Қалбинг нимадандир безовта бўлиб тунлари кўзингдан уйқуни олса, иссиқ гўша ва кучокдан ҳам ширин, тилакларингдан ҳам мафтункор, ўйларингдан ҳам бепоён бир нарсани излашга ва яратишга ундаса, билки, рухнинг мангуликка муносиб яшашга сени даъват этмокда.»

Изланаётган одам вужудида улкан дарахтга айланиш жараёнини, инкишоф дақиқаларини интиқ кутаётган данак мисоли эътибор ва эътирофдан узокда яшайди. Бирок, муаззам дарахтга айланиш, сара-сарҳил мевалари билан атрофдагиларни мамнун қилишдек эзгу тилак уни мунтазам фаолиятга чорлайди, чорлайверади.

Тўплагма ном танлашда ижодий гуруҳнинг масалага том маънода ижодкорона ёндашганликларини илғамаслик мумкин эмас.

Авалло таъкидлашни истардимки, ушбу мўъжазгина тўплагма сизга фавкулбашар кашфиётларни тақдим қилмокчи эмас. Тилшунослик ёки адабиётшунослик илмидаги муаммоларни буткул ҳал этишни мақсад ҳам қилган эмас. Зеро ундаги мақолалар илмий жиҳатдан мукамалликка даъвогар ҳам эмас. Бирок, бир нарсани комил ишонч билан айтишимиз мумкинки, мақола муаллифлари ёшларга хос ғайрат ва самимият билан янгилик яратиш ишқиде кечаларни кундузга улаб китоб титишган. Уларнинг ғайрат ва шижоатини бемаъни, бесамар ёхуд бутунлай номаъкул ишларга эмас, айнан, илм йўлида сарф этаётганликларининг ўзиёқ эътирофга сазовор эмасми? Энг ками, устозларнинг чин дилдан «баракалла, яхши иш қилибсан» деган оддийгина, лекин излаётган шогирдни янада илҳомлантирадиган сўзлар билан алқашни жоиз эмасми? Донолар айтганидек, «Муваффақиятсизликдан кўрқиб ҳисси муваффақиятсизликдан кўра кўпрок зарар беради.» Шу маънода, шогирдларни шижоатга келтириш учун кўп нарса керак эмас, бирозгина эътибор, бирозгина эътироф бўлса бас. Мен бу тўплагма факультетимиз ёшларининг «2008 йил – Ёшлар йили»га бағишланган муносиб совғаси сифатида қабул қилинишини истардим.

Тўплагманинг «Адабиёт сарҳадларида» деб аталган дастлабки бўлямида сиз ўқитувчи Вазира Аҳмедованинг драмадаги бадийят хусусидаги фикрлари билан танишасиз. Муаллиф «ҳақиқий санъаткор асар ёзаётганда, воқеаларни танлаётганида қаҳрамонларнинг характерли томонларини кўрсатаётганда, у ҳеч қачон ситуация ва ҳодисаларнинг ташқи аломатларига, кўзга ташланган белгиларига қараб қалам тебратмайди» дейди. Унинг фикрларига эътирозингиз бўлса, марҳамат аввал мақола билан тўлиқ танишиб чиқинг. Тадқиқотчи Сайёра Раҳмонова эса янги аср ўзбек сонетлари ҳақида фикр юритади. «Ўзимнинг умримни мен оз яшадим, Ўзгалар ҳаётин яшадим кўпрок» деган ўтли сатрлар ва уларнинг теран таҳлили билан мақолада танишишингиз мумкин. Магистрантларимиздан Наргиза Мингулова: «Олтин

ёрук» адабий ёдгорлигидан таълим жараёнида қанчалик фойдаланиш мумкинлиги ҳақида ўз мулоҳазаларини ёзади. Шунингдек, мазкур бўлимда Акмалжон Тўлаганов, Шерали Турғунов, Садоқат Ходжаева, Шерзод Ақромов, Азиза Халимбетова, Ойжамол Бобоқулова, Лутфия Жайнақова, Бахтиёр Розиков ва Нуриддин Ўктамовларнинг ранг-баранг мавзудаги, ҳали устоз нигоҳи билан сайқал топиб улгурмаган мақолалари билан танишасиз.

«Тилга эътибор» деб номланган бўлимда ҳам сизга назаримизда қизиқарли туюлган мақолаларни тақлиф қиламиз. Жумладан, Маъруфжон Йўлдошев, Мухайё Ҳақимова, Наргиза Аҳмедова каби зийрак тадқиқотчилардан тилшуносликнинг турли масалаларига бағишланган фикр-мулоҳазаларни ўқийсиз. Ўқитувчи С.Баратова шогирди Л.Мусаева билан бирга миллий менталитетнинг мақолларда намоён бўлиш тарзини ёритишга ҳаракат қилишган. Аспирант Дилноза Жамолиддинова парантез конструкцияларда хусусий-яширин маънонинг ифодаланишига эътиборимизни қаратади. Зукко магистрантларимиздан Муаззам Дедахонова эса «Киссаси Рабғузий»даги ундалмаларнинг ўзига хосликларини кўрсатишга ҳаракат қилган. Тўпламнинг бу бўлимида эътиборимни тортган яна бир мақола 1-курс талабаси Жасур Бақиевнинг «Бадий матнда коррекция» номи мақоласи бўлди. Бу мақолани ўқиш жараёнида янгилик сари интилаётган, илмий муаммоларни теран англаётган иқтидорни кашф этгандай бўлдим. Яна, Зулайхо Каримова, Нилуфар Абдурахмонова, Гулжамол Эшмирзаева, Ҳилола Абдужабборова, Наргиза Махмудова, Азиза Алимова, Фаррух Бобоқулов, Лобар Рафиева, Мархабо Самадова, Зухра Тожиева, Камола Бердиерова, Зебо Матюсупова, Насиба Жўраева, Шоира Шағнаҳмедова, Хосият Кутлямуродова, Дилноза Эшонқулова каби илм майдонида ўз сўзи ва ўз овозини эшиттиришга интилаётган фазилатли ёшларга миннатдорчилигимни изҳор этмоқчиман. Зеро, беликдан қабргача илм излаш ҳақидаги мангу муқаддас чорловга итоат бу йўлдаги ҳар қандай қийинчиликни ҳечлашгиришга қодирдир. Тилагим, изланишдан толмасангиз, чарчамасангиз бас.

*Иномжон Азимов*  
*филология фанлари номзоди, доцент*  
*Ўзбек тили ва адабиёти факультети декани*

# Адабиёт сарҳадларида



Сўз санъатининг охори кетмайдиган нодир хусусиятларини ўйлаганда, унинг кишиларни ҳаяжонга солувчи, тўлқинлантирувчи, китобхон ҳиссиётини кўзга тиб, завқ-шавққа солувчи, самимий ва гўзал томонлари ёдга тушади. Ҳақиқий санъаткор асар ёзаётганда, воқеаларни танлаётганда қаҳрамонларнинг характерли томонларини кўрсатаётганда, у ҳеч қачон ситуация ва ҳодисаларнинг ташқи аломатларига, кўзга ташланган белгиларига қараб қалам тебратмайди. Унинг диққат марказида асарнинг бош ғоясини кенг ва чуқур гавдалантиришга хизмат қила оладиган шахслар, вазиятлар, зиддиятлар туради. Қайси жанрнинг эстетик ғоявий талабларига мувофиқ равишда ижод қилинган бўлмасин, ҳақиқий санъат асарига мансуб бундай хусусиятлар унинг ғоявий мазмуни билан бадийликнинг ажралмас яхлитлиги, бирлиги натижасида юзага чиқади.

Бадийлик — кенг маънода санъатнинг асосий хусусияти бўлиб, бу хусусият санъатни ҳаётни акс эттириш ва билишнинг бошқа формаларидан фарқ қилдиради. Ҳаётни бадий акс эттириш воқеликни образлар орқали акс эттиришдан иборат бўлиб, бадийликнинг асосидир. Шу маънода бадийлик образлилик тушунчасига мос келади.

Тор маънода бадийлик сўзи адабиёт ва санъат асарининг ижтимоий-эстетик аҳамиятини белгиловчи сифати ва даражасига нисбатан қўлланилади. Бадийлик асарда ҳаётнинг ҳаққоний акс эттирилиши, характерларнинг типиклиги, санъаткор талқин этган ижтимоий идеалнинг муҳимлиги, асарнинг аҳамияти, халқчиллиги, ёзувчининг шакл ва мазмун бирлигига эришишдаги маҳорати, асар ижтимоий-тарбиявий таъсирининг кучли ва барқали бўлиши билан белгиланади.<sup>1</sup>

Айнан шундай хусусиятларни биз Шароф Бошбеков драмаларида кузатишимиз мумкин. Пьесаларда ғоявий мазмун ва бадийликнинг уйғунлашиб кетганини кўрамиз. Драматург пьесаларининг ўзига хослиги шундан иборатки, у воқеликни ўзига хос тарзда идрок этиб, уларни бадий талқин қилади. Унинг пьесаларидаги мажоз ва киноя асарларнинг бадий жиҳатдан мукамал бўлишини таъминлайди. Маълумки, мажоз — ўз маъносидан бошқа, кўчма маъно аниқлашувчи иборадир, унга истиора, киноя, кесатиш, муболаға, кичрайтириш каби тушунчалар киради. Шароф Бошбековнинг айрим пьесаларидаги иштирокчилар рўйхатида берган изоҳлари ҳам ағъанавий эмас. У кинояли изоҳ беради. Фикрларнинг исботи сифатида драматургнинг «Эшик қокқан ким бўлди?» пьесасидаги муаллиф изоҳини келтириш мумкин.

<sup>1</sup> Адабиётшунослик терминлари луғати: (Ҳомидий Х. ва бошқалар). Т.: Ўқитувчи. 1970.

**Пирмат** - унинг али қоматини кўриб, гулдурос овозини эшитган одам бу чолнинг саксондан ошиб кетганига ишонини қийин.

**Кулмат** - Пирматнинг ўғли. Ярим асрдан кўпроқ умр кўрган бўлсаям отаси учун ҳали ҳам бола.

**Олим** - исми ҳам шу, касби ҳам.

**Нафиса** - ўқитувчи. Лекин ўзи ҳали кўп ўқини керак.

**Шоир:** исмини оқлаш учунгина шеър ёзди. Мабодо уни Ўроқвой деб аташганларида, сўзсиз, деҳқон бўларди.

**Нозик:** ҳали ёш бўлишига қарамасдан пешонасидаги бир тутам сочи оқариб кетган: модадан эмас, қисматдан.

Ушбу кинояли таърифлардан, китобхон драма иштирокчилари ҳақида тасаввурга эга бўлади. Бу ҳам драматургнинг ўзига хос маҳорати.

Пьеса қахрамонлари нутқида баъзан ҳаммага маълум қўйма иборалар, ҳикматли сўзлар ёки мақоллар ўзгартирилиб, шароит руҳига қараб киноявий маънода берилади. «Занжирбанд шер, енгаман дер» мажози кинояга айлантирилади.

**Шоир:** *Ие.. Меҳмонлар борми дейман. Ассалому алайкум.*

**Олим:** *Ҳа, шоир бола, кўринмайдилар.*

**Шоир:** *Ҳа, энди...*

**Олим:** *Дасхатингиз ёзилган китобингизни олмаганимизга анча бўлди, шоир бола, ҳ.. ё ёзганингиз ўзингизга ёқмай бир четдан йиртиб ётибсизми? Тушунамиз, тушунамиз. «Занжирбанд шер, йиртаман дер».*

Бундаги киноя руҳи талантсиз кишининг номини оқлаш учун шеър ёзаётганлигидан кулувчи киноя орқали ўз ифодасини топган.

Пьесадаги 85 ёшни урган чорвадор чол Пирмат отанинг шаҳарга кам келганлиги, келганида ҳам шаҳардаги ўзгаришларни ўзича фахмлаганлиги оригинал киноявий гаплар билан берилган.

**Пирмат:** *Ҳа, ишонавер, имон топгур. Шу, биринчи марта шаҳар тушганимда қизу жувонлар тўтиқдан кўйлак кийишарди. Барака топишсин. Шаҳар деганлариям ўзимизнинг Гулбулоқдай гап экан, деб келувдим. Иккинчи гап пронтдан кейин шаҳар тушдим. Мундо-о-оқ разм солсам, хотин-қизлар тиззадан кўйлак киядиган бўлишибди. Шу қишлоққа кўнглим га-а-ш қайтдим... Учинчи марта тушганимда, сенларга ёлгон, худога чин, кўйлак деган беодоб тиззадан юқори чиқиб кетибди! А тўртинчи марта шаҳар тушгани кўрқдимда, имон топгурлар, ахир.*

Драматург халқимизнинг кекса авлодига мансуб отахонларимиздаги мусулмонча одоб ҳақидаги тасаввур билан Оврўпа таъсирига берилиб, замонавийлашган кийиниш одоби устидан кулади, айни замонда ишонarli образ яратади.

Хулоса қилиб айтганда, Шароф Бошбеков “Эшик қокқан ким бўлди?” драмасида бадиий рамълардан, кино ва мажоздан мохирона фойдаланган. Бу



еса шубҳасиз драманинг бадий жиҳатдан мукамал бўлишлигини таъминлаган.

## Ўзбек болалар фольклорида жанрлараро муносабат

Шерали Тургунов  
тадқиқотчи

Ўзбек халқ оғзаки ижодида жанрлараро муносабат эртақлар ва халқ кўшиқлари ўртасида яққол кўзга ташланади. Кўшиқларнинг эртақ матнида тугган ўрни, вазифаси ва «халқ оғзаки поэтик ижодининг икки кенг тарқалган сеvimли жанрларининг ўзаро муносабатлари, алоқаларини ёритиш лозим»<sup>2</sup>

Кўшиқларнинг мазмун-моҳияти ўзи қўлланган эртақ сюжетидан келиб чиқади. «Кўшиқлар эртақлар сюжетида... эмоционал хусусиятларини кучайтириш, бадий тасвир кучини ошириш, характерлар ва ҳаракатлар ҳолатини атрофлича, юксак бадий воситаларда ифодалаш... учун қўлланилади»<sup>3</sup>. Масалан, «Тулки, хўроз ва эчки»<sup>4</sup> эртаги ва бу эртақ таркибидаги кўшиқ намуналарига эътиборни қаратайлик. Тулки, хўроз ва эчки дўстлашиб қолишади ва буни нишонлаш мақсадида ош қилиб ўтиришмоқчи бўлишади. Тўпланишиб, энди ошни дамлаб қўйишган вақтда эшик тақиллаб қолади. Хўроз чиқиб қараса, йўлбарс экан. Уни иззат-ҳурмат билан кутиб олишади. Бу табиий, чунки йўлбарс ўрмон подшоҳи эканлигини биз биламиз. Мана шу жиҳатдан эртақда манتيқийлик сақланган. Эртақнинг уч қаҳрамони ошни бергилари келмай, қизғонган тақдирларида ҳам йўлбарсга қарши бора олмайдилар, яъни уйга қиритмаслиқни иложи йўқ. Энди нима қилиб бўлса-да, йўлбарсга ош едирмай кетказиб юбориш керак. Мана шу ўринда айёрлик ва муғомбирликда тенг келиб бўлмайдиган тулки тимсоли ёрдамга келади.

Демак, эртақдаги тулки тимсоли ҳам тасодифан танланмаган. Чунки эртақдаги тулки бажарган ҳаракатни хўроз ёки эчки бажара олмайди. Бажарган тақдирда ҳам, уларнинг характер-хусусиятига мос келмайди.

Ноилож йўлбарсни уйга таклиф этишди, лекин ҳали ошни пишишига вақт бор. Шунда тулки эчкига:

- Эчкивой, чилдирмангни кизитиб меҳмонга бер, ош пишгунча бир ашула айтиб ўтирайлик,- дебди. Эчки чилдирмани қиздириб, йўлбарсга берибди. Йўлбарс чилдирмани чалиб:

*Чилдирмани чаламан,*

*Бўлиб хушвақт, ўргилай.*

*Эчки хўроз ош қилар,*

<sup>2</sup> Жиллолов Ф. Ўзбек фольклорида жанрлараро муносабат. Тошкент: «Фан», 1979, 133-бет.

<sup>3</sup> Ушбаев

<sup>4</sup> Ғозиев Т., Собиров А. Наманган халқ оғзаки бадий ижоди намуналари. Наманган: 1993, 71-бет.

*Бўлгай оёқат, ўргилай*, - деб ашула қилибди. Кейин навбат тулкига келибди. Тулки ҳам вазиятдан фойдаланиб қолиш мағсадида ичидаги асл муддаосини қўшиққа солиб:

*Йўлбарсдек меҳмонимиз,*

*Ўткир товуш, ўргилай.*

*Териси Болтабойга,*

*Бўлар ковуш, ўргилай*

- деб куйлабди. Йўлбарс ўйлабди, булар айтган Болтабой зўрмикан, менинг терим унга ковуш бўлса, деб уйдан чиқиб қочиб кетибди. Хўроз унинг орқасидан қичқирганича қолибди.

Бу ўринда, тулки «қоса тагида ним қоса» тарзида иш юритган, яъни фикрини қўшиқ матнига қистириб юборган. Агар қўшиқ матнида ифодалаб кетмаганда, йўлбарсга тўғридан-тўғри «Сен Болтабойга ковуш бўласин» деб айта олармиди? Албатта, йўқ. Қўшиқ мисраларига эътиборни қаратсак, тулки биринчи ва иккинчи мисраларда йўлбарснинг овози кучли, ўткир эканини айтиб, унинг кўнглини кўтариб олади ва учинчи, тўртинчи мисраларда беихтиёр ўз дардини тулкига хос маккорона усулда қўшиб кетади.

Тулки айтган қўшиқ мазмунига синчиклаб назар ташлайдиган бўлсак, қўшиқдаги айрим сўзлар маъно нозиклиги жиҳатдан икки хил мазмун ифодалаганини англаш мумкин. Яъни, биринчи маъноси: «Йўлбарс агар шу ерда ошнинг пишишини кутиб ўтираверса, Болтабойга айтамин, у йўлбарсни ов қилиб терисини ковуш қилиб қияди», бўлса, иккинчи маъноси: «Йўлбарс кучли хайвон, унинг овози ҳам ўткир, териси ҳам бақувват. Шунинг учун, хаттоки, кучли Болтабой ҳам уни қийиб йиртолмайди», - деганидир.

Агар йўлбарс қўшиқдан норози бўлиб, тулкига ташланган вақтда ҳам, у қўшиқни иккинчи маъносини айтиб бериб, вазиятдан чиқиб кетиши мумкин.

Тулки хайвонлар ичидаги айёр, муғомбир ва шу билан бирга энг тадбирлиси ҳисобланади. Шу сабаб ҳам мазкур эртақда хўроз ва эчки тимсоллари билан бир қаторда тулки тимсоли ҳам киритилган.

Икки томондан қараганда, икки хил маъно ифодалай оладиган қўшиқни эса фақатгина тулки толиб айта олиши мумкин. Бундан келиб чиқиб шуни айтиш мумкинки, тулки куйлаган қўшиқда сўз ўйинидан ҳам усталик билан фойдаланилган.

Тулки қўшиқда ифодаламоқчи бўлган фикридан беҳабардек, йўлбарснинг ортидан яна куйидагича қўшиқ куйлаб қолади:

*Йўлбарсдай меҳмонимиз,*

*қилди араз, ўргилай.*

*Орқасидан қичқириб,*

*қолди хўроз, ўргилай.*

«Ақлли эчки»<sup>1</sup> номли эртақда ҳам худди юқоридаги каби ишнинг кўзини билиш ва устамонлик туфайли оғир вазиятдан осон чиқиб кетиш ҳолат кузатилади.

<sup>1</sup>Ғозиев Т., Собиров А. Ушв асар, 75-76-бетлар

Эртақларни айтиш жараёнида уста санъаткор, профессионал эртақчилар ижроси жонли, таъсирчан бўлади. Улар образлар тимсолига кириб, воқеаларга берилиб, турли-туман ҳаракатлар билан эртақ мазмунини баён этишлари бизга маълум. Мана шу ижро жараёнида эртақ сюжетида халқ кўшиқлари мавжуд бўлса, улар бу кўшиқларни куйга солиб, таъсирли қилиб айтадилар. Натижада эртақнинг эшитувчиларига таъсир кучи, тарбиявий аҳамияти ва хотирада қолиши таъминланади.

## Ёр-ёрлар поэтикасига доир айрим мулоҳазалар

*Хулқар Алиқулова  
тадқиқотчи*

Ёр-ёрларнинг ўзбек қавмлари орасидаги тарқалишини ўрганиш уларнинг турли хил шева хусусиятлари билан тўйиниб боришини кўрсатади. Шулардан айримлари ҳақида алоҳида тўхтаб ўтиш зарурати бор.

Улардан **биринчиси** алоҳида регионлар билан боғлиқ бўлган сўз қўллашдаги хусусиятлар.

**Иккинчиси**, эса мазкур бўлакнинг бошқа қисмлар орасидаги ўрни ва тартиби масаласи.

**Учинчиси** эса ижрочи ва ижро пайтидаги нутқ йўналиши билан боғлиқ ҳолатлар.

Биз битта мотив – бодом экиш билан алоқадор намуналарни кузатайлик. Бу тип ёр-ёрларда бир қатор ўзига хосликлар кўзга ташланади. Уларнинг энг асосийлари сифатида қуйидагиларни кўрсатиш мумкин:

1. Тақдир талқини. Бу кўпроқ биринчи мисра билан боғлиқ. Унда кизнинг келгуси тақдири отанинг қўлида эканлиги, кўпинча унинг ҳал этилиши кизга мутлақо боғлиқ бўлмаган шароитлардан келиб чиқаётганлиги кўрсатилади. Унинг яна бир талқини турмушнинг ҳар қандай мураккабликларида ҳам асло хато қилмайдигин одам – отанинг қутилмаганда тасодифий ноқулайлик билан юзма-юз келиб қолганлигига ишора мавжуд. Бу ерда «юлдузни отган» ифодаси, назаримизда «солдузни бенарвон урадиган» иборасининг эквиваленти сифатида намойён бўлмоқда.

«Осмондаги юлдуз» ифодасининг ўзи ҳам эътибордан четда қолмаслиги керак. У, бизнингча, отанинг қўнғлидаги яхши ниятлар билан алоқадор ҳолда юзага келган. Бу ерда ҳар жиҳатдан юксак бўлган «нарғи томон», бўлғуси қудалар хонадони эътиборда тутилган бўлиши мумкин. Демак, бу ҳолатда қудалар хонадони бу оилга нисбатан «осмондаги юлдуз» рутбасини олади. Бунда ижтимоий мавқе, иқтисодий фаровонлик, маънавий баркамоллик назарда тутилган бўлиши ҳам мумкин;

2. Отанинг кизга бўлган муносабати ифодаси. У кўпроқ «ўз қизини ёт қилиб сотган отам» шаклида келади. Бу хилдаги ёр-ёрлардаги нисбатан барқарор компонент шу мисрадан иборат. Ундаги асосий ургу («ёт қилмоқ» (беғоналаштирмоқ) ҳамда «сотмоқ» сўзларига тушади.

Осмондаги қолдузни отган отам ёр-ёр,  
Ўз қизини ёт қилиб, сотган отам, ёр-ёр,  
Ўз қизини ўрнига бодом эксин, ёр-ёр.  
Бодом шохи эгилганда, болам, десин, ёр-ёр.

Оқ милтиқ, қора милтиқ,  
Откан отам, ёр-ёр.

Ўз қизини танимай,  
Сотган отам, ёр-ёр.

Ўз қизини ўрнига,  
Бодом эксин, ёр-ёр.

Бодом шохи қайрилиб,  
Болам, десин, ёр-ёр.

Куйидаги ёр-ёр курама шеvasига алоқадор. Шунинг учун ҳам унда жўналиш келишининг кўшимчаси мазкур ҳолатда қўлланади: Биз импровизация жараёнидаги ўзгаришлар содир бўлишини инкор этмаймиз. Аммо мазкур ёр-ёрнинг ёзиб олинишида айрим техник хатоларга йўл қўйилган бўлиши мумкинлигини ҳам эҳтимолда тутиш керак деб ўйлаймиз. Ҳар ҳолда халқ эстетикасида қофияга беписанд қараш мавжуд эмас.

Меним журган жойима,

Бодом эксин, ёр-ёр.

Бодом шохи қайрилса,

Болам десин, ёр-ёр.

Бу ерда «Бодом эксин» ифодаси шеър матнига сиғмай турибди. Ваҳоланки, банддаги қофия талаби унинг «бодом эксин» шаклида келишини шарт қилиб қўймоқда. Фақат бу банднинг бошқаларидан фарқли бир жиҳатини таъкидлаш ўринли кўринади. Унинг бевосита биринчи шахс — «Мен» билан ифодаланаётгани олдинги вариантларда кўринмайди. Бошқа бир вариантда бодом шохининг жонлантирилиши кўзга ташланади:

Ўз қизини ўрнига,

Бодом эксин, ёр-ёр.

Бодом шохи қайрилиб,

Болам десин, ёр-ёр.

Агар шу нукта назардан қараладиган бўлса, юқоридаги ёр-ёрни икки хил талқин қилиш имконияти мавжудлигини кузатиш қийин бўлмайди:

Ўз қизини ўрнига бодом эксин, ёр-ёр.

Бодом шохи эгилганда, болам, десин, ёр-ёр.

Бу ерда «болам» деб фарёд солиш Отага ҳам, бодомга ҳам алоқалантирилмоқда. Уни айнан мана шундай талқин қилиш мазмуннинг олдинги ёр-ёр билан уйғун келишини кўрсатиб беради.

Бошқа бир ёр-ёрда вариантлилиқ «танимасдан» сўзи ҳисобига юзага келади:

Оқ милтиқ, қора милтиқ откан отам, ёр-ёр,

Ўз қизини беганага сотқан отам, ёр-ёр.

Умуман, бир кичик мотив талқинидаги бундай ўзига хосликлар ёрлар поэтикаси устида анча жиддий кузатишлар олиб боришнинг нечоғли зарурати борлигини яна бир марта тасдиқлаб турибди. Бу йўналишдаги янада жиддий тадқиқотлар эса келажакдаги муҳим илмий вазифалар сирасига киради.

## Янги аср ўзбек сонетлари

Сайёра Раҳмонова  
тадқиқотчи

Ўзбек шеърятда бошқа жанрлар қатори сонет ҳам XXI асрда қайтадан жонланди. Аммо бу сонетларнинг шаклий хоссалари, мазмуни қамрови, поэтик структураси ҳамда образлар табиати ҳақида ҳеч қандай илмий кузатувлар йўқ. Мана шу ҳолатдан келиб чиқиб биз XXI аср ибтидосида яратилган сонетларнинг ўзига хосликлари ҳақида тўхталишни лозим кўрдик.

Бу даврда марҳум шоир Рауф Парфининг “У дунёга, онамга мактуб” номи остида учта, “Сен шоир, чорлайсан осмон хурларин” каби сонетлари яратилди. Шоир Фахриёрнинг эса “Сенсизлик” туркуми остида ўн та ва алоҳида-алоҳида учта мустақил сонетлари ёзилди. Маълум бўладики, янги аср боши ўзбек поэзиясида сонетнинг жанрлик мақоми яхши сақланган, аммо ушбу сонетларнинг ғоявий-бадиий хусусиятлари, образлар тизими ҳақида ҳеч нарса дейилмаган. Демак, бизнинг вазифамиз икки шоир қаламига мансуб сонетлар таҳлили мисолида ўзбек сонетчилигининг бугунги ҳолатини аниқлашдан иборат.

Рауф Парфининг “У дунёга, онамга мактаб” номли учта сонетида ҳам поэтик мавзу воқеликни, ҳаётни фалсафий талқин қилиши билан ажралиб туради. Уларда лирик қахрамон мархума онасининг руҳига мурожаат этар экан, ўзининг ёшлигида йўл қўйган хатоларига тазарру қилади. Сонетнинг тезисида она тимсолида шоир ҳаёт ўнқир-чўнқирларига ўз фарзандини бардош бероладиган инсон сифатида тарбияловчи буюк зотни кўради:

*Сенинг қиёфангда хилқатни туйдим,*

*Яшамак санъатин солдим қўйнимга,*

*Оломонни эмас, алоҳни суйдим,*

*Ҳикматингдан тумор осдим бўйнимга<sup>6</sup>.*

Сонетнинг антитезисида эса шоир умрнинг самарасизлигини эътироф этиш баробарида ҳаётнинг давомийлигини алоҳида таъкидлайди:

*Мана энди неча замонлар кечди,*

*Кимса билмас шеърим, чалинмас кўзга.*

<sup>6</sup> Рауф Парфи. Сўнги видо. Т.: Ўзбекистон Миллий кутубхонаси, 2006. 113-бет.

*Сен томон руҳимнинг шивирини учди,*

*Букун бари ўзга, барчаси ўзга.*

Шоирнинг ўз ҳаётини эмас, ўзгалар ҳаётини кўзлаб яшаши алоҳида ифтихор билан тилга олинади. У сонетнинг иккинчи синтезида қуйидагиларни ёзади:

*Дунёвий оламни илғадим бироқ,*

*Ўзимнинг умримни мен оз яшадим,*

*Ўзгалар ҳаётин яшадим кўпроқ.*

Янги аср боши Р.Парфи сонетларида поэтик шакл мукамаллиги тўла сақланган. Уларда лирик “мен” муайян даражада шоир шахсияти билан бирикиб кетганлигини кўриш қийин эмас. Албатта, бундай хусусият лириканинг бошқа жанрлари учун ҳам хос бўлса-да, бироқ сонетларда у алоҳида бўртиб туради. Бунинг шоир шахсияти билан, унинг таржиман холи билан маълум даражада алоқадорлигини унутмаслик лозим. Сонет ижодкор кечинмаларини юксак оҳангдорликда ифодалашга муқобил жанр бўлганлиги учун Р.Парфи асарлари ўзгача чиққан. Чунки шоир янги аср ибтидоида ўзининг умри тугаб бораётганлигини, ҳаёти сўнишга мойиллигини ич-ичдан сезиб борарди. Бу нарса унинг мархума онасини эшлашга шу баҳонада ўзининг тавба-тазарруларини ифодалашга олиб келади.

Лирика шоир дилининг таржимани эканлигини унутмаган ҳолда шуни алоҳида таъкидлашни истардикки, кейинги давр сонетларида шоир ўзининг руҳий дунёсини, кишиларга, ҳаётга бўлган муносабатини кўпроқ ифодалашга интилган. Бундай хусусият сўнгги йиллар Р.Парфи сонетларига хос етакчи хусусият ҳисобланади. Чунки сонетга хос банд тузилиши, тезис, антитезис ва синтездан иборат поэтик структура ижодкор руҳиятидаги нозик жиловларни бутун мураккаблиги билан ифодалашга қулайдир. Р.Парфи нозик дид шоир сифатида ана шу қулайликни чуқур англаб етди ва жанрнинг мавжуд имкониятларидан унумли фойдаланди. Нима бўлганда ҳам янги аср боши Р.Парфи сонетлари ўзбек сонетчилигининг нодир намуналари бўлиб қолди.

Айни шу давр ўзбек сонетчилигига забардаст ёш шоирлар ҳам ўз улушларини қўшдилар. Ана шулардан бири Фахриёр бўлиб, унинг “Геометрик баҳор” тўпламига ўндан ортик бетакрор сонетлар киритилган.

Фахриёр сонетларида ишқий мавзу етакчилик қилади. Шу боис уларнинг бирида севгида садоқат мотиви қуйланса, бошқа бирида хижрон ва айрилиқ нолалари етакчилик қилади. Унинг “Сенсизлик” туркумига кирган сонетларидан бирида ошиқнинг ўз махбубасига қилган илтижослари метафорик кўчимларда жўшқин ифодаланган:

*Шамол бўлиб қўйлақларингдан*

*Тортқилади нигоҳлар бўзлаб.*

*Кетма, деди, тутди барингдан,*

*Сочларингда адашди сўзлар.*

Сонетнинг антитезисида лирик қахрамоннинг ҳижрон азобида қолганлиги айтилади:

*Не сўз эди, қорайди туйқус,  
Сочларингга қўшилиб куйди.  
Не қисматки, сўз ва соч уйқаш,  
Не баът, мени ҳижронинг суйди?*

Сонетнинг биринчи синтезида лирик қахрамон билан маҳбуба ўртасида айрилиқ юз берганлиги ифодаланса, иккинчи синтезда ошиқнинг ёлғиз қолганлиги айтилади:

*Кетмд, дедим, кетавердинг сен,  
Бу кўнгил эргашди ортингдан,  
Юрак кетди, қолавердим мен  
Армондай илти-ийидам, чамаси.  
Мендан қадамларинг тортилган,  
Менда энди ҳеч ким яшамас.*

Шуни ҳам очиқ айтиш керакки, сонет зўрама-зўраки ва жарангсиз қофияни кўтара олмайди. Унинг ҳар бир қофияси табиий ва жарангдор бўлиши лозим. Фахриёр сонетлари билан танишар эканмиз, улардаги композицион яхлитлик. Поэтик структуранинг ёрқинлиги кўзга ташлангани ҳолда айрим сонетларда сунъий ва зўрама-зўраки қофиялар мавжудлигини эътироф этишга тўғри келади. Масалан, унинг сонетларидан биридаги тезис ва антитезисда қофия табиийлиги ва уйғунлиги бироз бузилганга ўхшайди:

*Умидларнинг қулани "сепдим"  
Мен бошимга, оқарар "сочим".  
Қолавердим, қаёнлар "кетдинг".  
Сен мендаги ўзингдан "қочиб?"  
Ҳижронам, баҳорлар қайтади,  
Изларингни чечаклар "қўмар".  
Ғаминг илтижларни ҳайдади,  
Совинчларни кетди "ўмариб".*

Янги аср бошида икки шоир ижодида йигирмага яқин сонет яратилганлиги маълум бўлади. Бир мақола доирасида уларнинг барчаси ҳақида батафсил тўхталишнинг имкони йўқ. Лекин қисқача таҳлил этилган иккита сонетнинг

хусусиятларидан келиб чиқиб, мана шу давр ўзбек сонетчилиги ҳақида муайян хулосаларга келиш мумкин:

1. Янги аср боши ўзбек сонетлари асосан кенг тарқалган иккинчи тип композиция асосида яратилган.
2. Ушбу давр ўзбек сонетлари поэтик структураси жаҳон анъанавий сонетчилигининг барча талабларига тўла жавоб беради.
3. Ушбу давр ўзбек сонетлари мавзу доирасининг кўлами жиҳатидан кенг бўлиб, уларда у ёки бу мавзу алоҳида ажратиб олинмаган.
4. Р.Парфи ҳамда Фахриёр сонетларининг таҳлили шундан далолат берадики, янги аср бошидаги ўзбек сонетчилигида мавзуни кенг фалсафий талқин қилиш тамойили етакчилик қилади.

### Ибораларнинг бадиий-услубий вазифалари ("Қутадғу билиг" мисолида)

*Ойдин Аметова  
аспирант*

Мумтоз бадиий асарлар тилини таҳлил қилар эканмиз, адиблар бадиий асар тили устида ишлаганларида услубий жиҳатдан ўзига хосликни таъминлаш, шунингдек, тегишли ҳаётий ҳолат, воқеа-ҳодисалар, рухий ҳолатларни аниқроқ ва таъсирироқ ифодалаш мақсадида оғзаки нутқдаги кўплаб имкониятлардан, жумладан, турғун бирикмалар, яъни фразеологик иборалардан ҳам унумли фойдаланганликларининг гувоҳи бўламиз. Зеро, халқона иборалар турли услубий вазифаларни адо этувчи воситалар ҳисобланади.

XI асрнинг ноёб ёдгорлиги бўлмиш Юсуф Хос Ҳожибнинг "Қутадғу билиг" асарида ҳам фразеологик ибораларнинг кўплаб намуналарини учратишимиз мумкинки, бу нарса, биринчидан, муаллифнинг ўз она тилини нақадар нозик ҳис қилганини, унинг бойликларини теран тарзда англаб етганини кўрсатса, иккинчидан, унинг бадиий матнда сўз ва иборалардан маҳорат билан фойдалана олганини далиллайди.

Асар матни таҳлилида шу нарса маълум бўлдеки, адиб қўллаган фразеологик ибораларнинг асосий қисмини феъл-иборалар ташкил қилар экан. Асарда қўлланган "йуз суви тилар" ("юз суви истайди"), "қиви қанса" ("ўпқони қонса"), "жанин йулуғ қилсу" ("жонини фидо қилсин"), "алиг узатғил" ("қўл узатгин"), "баш эгмас" ("бош эгмайди"), "ўзунгга йакин тут" ("ўзингга яқин тут"), "кўнгли кўрма" ("кўнглига қарама"), "куни туғади" ("куни туғади"), "бўйун бер" ("бўйин бер"), "йук кўтармас" ("юк кўтармас"), "кўки узулга" ("томири узилади"), "алги кучлуг бўлур" ("қўллари кучли бўлади"), "кўнгул кўни тут" ("кўнгилини тўғри тут"), "кўнгул йарутти" ("кўнгилини ёриштирди"), "кўз йарутти" ("кўзни ёриштирди"), "қунум йарумиш" ("қуним ёришди") ва бошқа кўплаб фразеологик иборалар шулар жумласидандир.



Куйидаги битта байтда иккита фразеологик иборанинг қўлланилиши асар кяхрамонлари нутқидаги таъсирчанлик ва таъсирийликни орттирибгина қолмай, бадийий тасвирда услубий маъно касб этиш учун ҳам ишлатилган:

*Уларда бириси тилар йуз суви*

*Ангар йуз суви қилгу қанса қиев?*

*Улардан бири юз суви (яъни обрў) истайди,*

*Унга обрў кўрсатиш керак, токи унинг ўтқони қонса*

*(яъни обрўга бўлган иштиёқи қонса).*

Ўгдулмиш элигга кишиларнинг турли тоифалари ҳақида гапирар экан, “йуз суви” (обрў) истайдиган хизматчилар гуруҳи ҳақида тўхталади. Бундай кишиларнинг қачон “ўтқони (яъни обрўга бўлган иштиёқи) қонади”? Қачонки, уларга обрў кўрсатиб, иззат қилинса, ҳурмати жойига қўйилса. Назаримизда, муаллиф юқоридаги иборалар ўрнига сўз қўллаганда оддий баёнчиликдан нарига ўтилмай қолган бўлар эди.

Яна бир тоифа инсонлар ҳақида Ўгдулмиш нутқида бундай дейилади:

*Тақи бир қутуси тилар нанг тавар,*

*Йулуғ қилсу жанин тавар бер ангар?*

*Яна бир тоифаси нарса, товар истайди,*

*Унга товар бер, (токи сенга) жонини фидо қилсин.*

Агар қўлингдан келса, кишиларга истаётган нарсаларини бер, унга эришган киши сен учун ҳеч нарсасини аямайди, балки ўзи учун энг азиз бўлган “жонини ҳам фидо қилади”, демокчи адиб ўз қахрамони тилидан. Демак, бор куч ва имкониятини ишга солиб ҳаракат қилиш, зарур бўлса, ўз ҳаётининг ҳам воз кечишга тайёр ҳолат мана шу ибора орқали ифода этилмоқда.

Навбатдаги байтда қўлланган “алиг узатғил” (“кўл узатгин”) фразеологик ибораси орқали муаллиф алоҳида эътибор бериш, қўллаб-қувватлаш, қадрлаш маъноларини ифодалашга алоҳида урғу беради:

*Билиглиг уқушлуг эр эрса билиг*

*Ағирла тэгур нанг узатғил алиг?*

*Билимли, заковатли, доно киши бўлса,*

*Қадрла, нарса бер, (унга) қўл узатгин (яъни қўллагин).*

Фразеологизмларнинг бадийий-таъсирий маънони бу тарзда ифода этиш имкониятидан фойдаланиш асар тилининг ўзига хос жиҳатларидан биридир.

Бинобарин, фразеологик иборалар услубий вазифа бажарар экан, уларда маъно позикликлари ифодаси ҳам турлича бўлади:

5406. *Нэку тэр эшитғил бўға йавғуси*

*Байуса баш эгмас будун йувғаси*<sup>10</sup>.

<sup>7</sup> Юсуф Хос Ҳожиб. Кутадғу билиг. Транскрипция ва ҳозирги ўзбек тилига таъриф. Нашрга тайёрловчи Қ. Каримов. Тошкент, “Фан”, 1972, 813-бет. Мисоллар маъқур китобдан олинган. Бундан кейин мисоллардан сўнг байт яраси кўрсатиб кетилади.

<sup>8</sup> Уша ерди.

<sup>9</sup> Уша ерди.

*Баҳодир(лар) ябғуси нима дейди, эшитгин:*

*Халқнинг омонати бойиса, бош эгмайди.*

Ўрни келганда шу нарсани ҳам қайд этиш керакки, мазкур мисолдаги «йувға» сўзининг «омонат» тарзида ўгирилиши кўп-да ўринли кўринмайди. Юқоридаги матнда «омонат» сўзининг ўрни йўқ, у бу ерга сиғмайди. Унинг устига гап халқнинг барчаси устида кетаётгани йўқ, балки унинг бир қисми («будун йувғаси») устидагина бормоқда, холос.

Маҳмуд Кошғарийнинг «Девону луғотит-турк» асарида «йувға» сўзи «стаги («туби») йўқ сув» маъноларини ифодалашни қайд этилган<sup>11</sup>. «Йувға»нинг фонетик варианты «йувқа»<sup>12</sup> ҳам «Девон»да қайд этилган. Маҳмуд Кошғарий XI аср шароитида бу сўзнинг ҳам «в», ҳам «ф» билан қўлланидиган вариантлари мавжудлигини алоҳида таъкидлаган. У ҳозирги ўзбек адабий тилидаги «юпка» англатган маъно билан айнаандир. Агар бу сўзнинг «халқнинг юпкаси» тарзидаги табилини кўз олдимизга келтирсак, байт мазмуни ҳар ҳолда бир қадар ойдинлашгандай бўлади. Демак, гап халқнинг яхлит тарздаги камрови устида эмас, балки унинг фақат бир қисми — «халқнинг юпка қисми» ҳақидагина бораётганлиги англашилади. Бу сўзнинг кўчма маънода қўлланиганини тахмин этиш ҳам мумкин. Шунда у «халқнинг нисбатан камбағалроқ тоифаси» деган маънони англатиши маълум бўлади. Ҳар ҳолда ижтимоий-иқтисодий жиҳатдан ночор вазиятдаги кишига нисбатан бугун ҳам «қўли юпка» ифодасининг қўлланилиши фикр-емизни далиллайди. Э.В.Севортян ҳамда Л.С.Левитскаялар «Туркий тилларнинг этимологик луғати»да мазкур сўзнинг деярли барча туркий тилларда қадимдан қўлланиб келишини, унинг кўчма маънода ҳам юқоридаги маънони англатишини кўрсатиб ўтишган<sup>13</sup>.

Ушбу сўз маъносининг аниқлаштирилиши фразеологик ибора маъносининг ҳам мазкур байтдаги вазифасини тўғри муайянлаштириш имконини беради. Агар юқоридаги изоҳга таяниладиган бўлса, байтнинг табили қуйидагича бўлиши керак:

*Баҳодир(лар) ябғуси нима дейди, эшитгин:*

*Халқнинг қўли юпқалари {номуносиб тарзда} бойиса, {сўнг}  
бош эгмайди.*

Бу ҳолда байтдаги «*бош эгмас*» («*бош эгмайди*») фразеологик ибораси итоат қилмайди, бўйсунмайди сўзларининг бўёқдор варианты сифатида туркий тилларда қарийб минг йилдан буён яшаб келаётганининг гувоҳи бўлаемиз.

<sup>10</sup> Юсуф Хос Ҳожиб. Қўтадгу билиг. Транскрипция ва ҳозирги ўзбек тилига тавсиф. Нашрга тайёрловчи Қ. Каримов. Тошкент, «Фан», 1972., 813-бет.

<sup>11</sup> Кошғарий Маҳмуд. Туркий сўзлар девони (Девону луғат ит-турк), уч томлик, III том, Тошкент, Фан, 1963, Таржимон ва нашрга тайёрловчи С.Муталлибов, 88-бет.

<sup>12</sup> Уша китоб, 40-41-бет.

<sup>13</sup> Э.В.Севортян, Л.С.Левитская. Этимологический словарь тюркских языков. Общотюркские и межтюркские основы на буквы Ж, ЖЙ. - М.: Наука, 1989, с. 241.



Муаллиф Ўгдулмиш нутқидаги навбатдаги байтда “кўнглига қарамоқ” иборасини бўлишсиз шаклда қўллаш орқали ифодаланаётган фикрга таъкид маъносини юклай олган:

*Кйши кўнгли кўрма ул аси учун*

*Эл аси тила ўзни бузма кучун.*

*(Келтирган) манфаати учун (айрим) одам(лар) кўнглига қарама,  
Эл манфаатини иста, ўзингни зўр билан бузма.(5420)*

Матндаги “кўнгли кўрма”(“кўнглига қарама”) ибораси ўрнига раъйига қарама, ўйлама каби сўзлар қўлланса, бадий нутқ анча жўнлашиб, муаллиф кўзлаган қирра, балки, очилмай қолар эди. Чунки “кўнглига қарамоқ” иборасининг маъно қирраси юқоридаги сўзларга нисбатан тасвирни таъсирчан ифодалай олиш хусусиятига эга.

Асар матнида жуда кўп ўринларда қўлланган, кўхна, аммо ҳозир ҳам туркий тилларда фаол бўлган иборалардан яна бири “куни туғди” иборасидир:

*Қайу эл бэги бўлса эдгу, кўни,*

*Байуди ул эл будни туғди куни.*

*Қайси (бир) элнинг беги яхши бўлса,*

*Ўша эл халқи бойиғди, куни туғади. (5427)*

“Куни туғди” ибораси асарнинг асосий тимсолларидан бири (элиг - подшоҳ - Кунтуғди) нинг исми сифатида берилиши ҳам бежиз бўлмаса керак, чунки Кунтуғди асарда қўйилган тўртта бош масаладан бири - адолат рамзидир. Демак, элиг--подшоҳ, бек, бошқарувчи одил ва оқил бўлса, халқнинг “куни туғади”, яъни эл-юрт тинчлик, фаровонликка юз тутади. Айнан шу иборанинг синоними сифатида “куни ёришади” фразеологик ибораси ҳам асар қаҳрамонлари нутқи эмоционаллигини оширишга хизмат қилган:

*Мэнга кун нэку-тэг йарумиш кунум*

*Сенингда кўрур-мен мэн эмди мунум.*

*Мэнга кун қандай(ёруз бўлса), куним шундай ёриди,*

*Энди мен манфаатимни сенда кўраёттирман. (5498)*

Юқоридаги мисоллар сингари бу ибора ҳам Ўгдулмиш нутқида қўллангандир.

Кўринадики, “Кутадғу билиг” бадий матнида фразеологик иборалар ўзига хос ўринга эга. Ибора, мақол, матал ва бошқа кўплаб фольклоризмлардан адибнинг маҳорат билан фойдалангани эса асарнинг халқчиллигини, асар тилининг содда ва тушунарлилигини таъминлаш учун хизмат қилган. Шу билан бирга, асарда қўлланган фразеологик иборалар услубий ранг-барангликни, нутқнинг эмоционаллигини ошириш, қаҳрамонлар руҳиятини очиб бериш, асар тилининг синонимик каторини бойитиш каби бир қанча вазифаларни ҳам бажарган.

## Арабийнавис шоирлар ижодида киборлар ҳажви

Садоқат Ходжаева  
магистрант

Сомонийлар салтанати ҳукмронлиги Ўрта Осиё халқлари тарихида муҳим ўрин тутди. Сомонийлар марказий ҳокимиятни араб халифалигидан қўлга олгач, ижтимоий-сиёсий, иқтисодий ҳаёт изга тушди: савдо-сотик, хунармандчилик, маданий ҳаёт равнақ топди. Натижада илм-фан ва адабиёт ривожига замин яратилди. Бунинг устига амир ва задогонлар бадиий ва илмий ижодга ҳомийлик қила бошладилар. Араб тили аста-секин ўз ҳукмронлигини йўқотиб, унинг ўрнини маҳаллий халқ тили бўлган дарий - форс-тожик тили эгаллади. Энди олим ва шоирлар ўз асарларини ана шу тилда ёза бошладилар. Шунга қарамай, араб тили ҳам қисман истеъмолда эди. Шу сабабли ўзлари араб бўлмаган баъзи бир ижодкорлар ўз асарларини араб тилида яратишни давом эттирардилар.

Афсуски, шу даврда Ўрта Осиёда араб тилида ёзилган асарлар ҳамда арабийнавис шоирлар ҳаёти ҳақида маълумотлар кам, ҳали улар тўлиқ ўрганилмаган. Буларни ўрганишда ягона манба сифатида X асрда Бухорода араб тилида ёзилган Абу Мансур ас-Саолибийнинг “Ятимат уд-дахр” тазкирасининг тўртинчи қисмидир. Академик И.Ю.Крачковскийнинг кўрсатишича, ас-Саолибий бу китобни ёзишга 994 йилда киришиб, 1000 йил, яъни 6 йилда ёзиб тугатган. Кейинроқ 1020 йили асарни қайта ишлаб, унга жуда кўп янги маълумотлар қўшади.

“Ятимат уд-дахр” тазкирасининг тўртинчи қисмига 124 та Хуросон ва моварауннаҳрлик арабийзабон шоирлар киритилган, уларнинг назмий ҳамда насрий асарларидан намуналар келтирилган. Тазкирада зикр этилган ижодкорларнинг кўпчилиги сатира ва юморга мойил бўлган шоирлардир. Шу сабабли ҳам ундаги шеъринг намуналарнинг маълум қисмини ҳажвий шеърлар ташкил қилади. Бу ҳажвияларнинг кўпчилиги самоний вазирлар ва амирларга қарши қаратилган асарлардир. Уларнинг хулқи, характеридаги камчилик ва нуқсонлари ҳажв остига олинар экан, шоирлар тўғридан тўғри улар номини тилга олади ва қўрқмасдан кирдикорларини фош қилади.

Масалан, Абу Қосим Абдуллоҳ ибн Абдурахмон ад-Динаварийнинг ижодида ҳажвий шеърлар муҳим ўрин тутди. У вазир Абу Хусайн ибн Утбийни<sup>14</sup> ҳажв қилиб ёзган шеърида вазир устидан қаттиқ кулиб, унинг баъзи жиҳатларини ҳайвонларга ўхшатган:

*Эй мendan хоттоққа ўхшаш думалоқ,  
Қирғоқда турган семиз ўрдак каби кўкраги кенг,  
бўш қалта вазир ҳақида сўровчи,  
Агар тахтга ўтирганингдан буён  
маймунни кўрган бўлсанг,*

<sup>14</sup> Абу ибн Хусайн ал-Утбий – сомонийлар вазيري (956-959)

*Бу мана шу вазир, магар у эшак саналган бўлса ҳам.*

Бу ҳажвияда вазирнинг ташки қиёфаси бадиий ўхшатиш орқали қулгили ифодаланган. Уни пакана ва бақалоқ – *кoptoкка* ўхшатилади. Вазирнинг семиз, кўкраги кенг ва бўйи калталиги – *ўрдакка*, калттафаҳм ва нодонлиги – *эшакка* ва *маймунга* қиёсланади. Бундай тиги ўтқир ҳажвияларни Абу Аҳмад ибн Абу Бакр ал-Котибнинг самоний вазири Абу Абдуллоҳ ал-Жайҳоний<sup>15</sup> ҳақида ёзган ҳажвиясида ҳам кўриш мумкин. Ал-Котибнинг асарлари орасида ҳоким табакаларга қарши қаратилган ҳажвий шеърлари алоҳида ўрин тутди.

*Кўп оинт ичиб айтаман, эшит, эй Ибн Жайҳон!  
Эссиз-эссиз бу давлат, сенга бу тахти равон  
Эшитиб сўзим, майли, сочларинг бўлсин тикка,  
Муҳтож эмас эди халқ, сендай махлуқ - бошлиққа.  
Адолат ҳукм юритса, этилмас эдинг тайин,  
Шаҳар сутуришига ҳам ярамассан бетайин.*

Бу ҳажвияда шоир вазир Ибн Жайҳоннинг вазирликка нолойиклиги боис давлат унинг қўлида эканлигидан афсусланади. Чунки ал-Котибнинг отаси Абу Иброҳим Исмоил ибн Аҳмаднинг вазири бўлган. Отаси вафотидан кейин Абу Абдуллоҳ ал-Жайҳоний бу лавозимга тайиланади. Ал-Котиб ўзини ал-Жайҳонийдан кўра вазирликка муносиб деб билади. Унга котиблик ҳамда вазирлик ота мерос эди. Шу сабабли ҳам Жайҳонийни кўпроқ ҳажв қилган. Шоир айтган сўзларидан вазирнинг ғазабланишини билса ҳам, унингдек махлуқ бошлиққа халқнинг муҳтож эмаслигини очиқ айта олган.

Шунга ўхшаш ҳажвияларни котиб ва шоир Абу Муҳаммад ас-Сулабий ижодида ҳам кўриш мумкин. Шоир амир девонида хизмат қилиш ва давлат топшириқларини адо этишига қарамай, ас-Сулабий давлат арбоблари, айниқса, вазирларнинг тутган сиёсатидан норози бўлган. Замондош вазирларнинг бирортаси ҳам унинг ҳажв тигидан омон қолмаган. У Нух ибн Наср замонида вазирлик қилган задогон ал-Жалил ҳақида шундай ёзади:

*На одам турқидек ҳусн туси йўқ,  
Нутқини эшитган айтар: эси йўқ.  
Айласа бир киши ҳурматдан салом,  
Алиқка келади буйруқ, вассалаом.  
Не учун мен сени айладим ҳурмат?!  
Қани, сендаги у вазирлик, хислат?!*

Шоир ал-Жалилни ҳажв остига олар экан, унинг ташки қиёфасини одамга ўхшамайдиган хунук инсон сифатида тасвирлайди. Унинг муомласи ва нутқини эшитган инсон, уни девона деган хулосага келади. У амалдор бўлишига қарамай доим бемаъни сўзлар билан валақлаб юраркан. Одамлар уни ҳурмат қилиб салом беришади, лекин алиқ ўрнига буйруқ билан жавоб қайтарар экан. Вазирлар учун хос бўлган яхши хислатларнинг бирортаси ал-

<sup>15</sup> Абу Абдуллоҳ Муҳаммад ибн Аҳмад ал-Жайҳоний – самонийлар амири (914-922). У вазир бўлиб қолмай, кўзга кўринган олим ҳам бўлган.

Жалилда йўқ, нима учун мен уни хурмат қилдим, деб ажабланади. Шунга кўра ал-Жалил хурмат қилишга, вазирликка нолайиқ шахс сифатида ҳажв қилинган.

Демак, арабийнавис шоирлар ўзларининг ҳажвий шеърлари билан ўша вақтдаги ҳукмдор синф вакиллари табиатидаги таккабурлик, манманлик, амалпарастлик, очкўзлик, хасислик каби ёмон иллатларини танқид қилиб, вазирларнинг давлат ишларини юритишдаги масъулиятсизлигини чиройли бадий ўхшатишлар орқали ифодалашга муяссар бўлишган. Бу далиллар Х асрдаги адабиётимизда сатира ва юмор анча эътиборли мавқеда эканлиги боис махсус ўрганишни талаб этади.

### Баҳодир Мурод Алининг «Кўктўнликлар» қиссасида Шомирзабек шаъни ва миллий овозлик курашчилари таназзули сабабининг бадий таҳлили

Шерзод Акрамов  
магистрант

«Кўктўнликлар» қиссасида тасвирланган ватанпарварлардан бири Шомирзабекдир. Биз асарнинг бошида Шомирзабек ҳақида деярли маълумотга эга бўлмаймиз. Фақатгина бир-икки эпизод орқали (масалан, Аскаралибек ва Шомирзабекнинг бир-бирига мактуб ёзиши) Шомирзабекнинг қандай инсонлиги ҳақида бироз тасаввур ҳосил қиламиз. Унинг фаолияти асар ярмидан яққол кўзга ташланади. Қиссада Шомирзабек ҳақида сўз бошланганда, у қийин аҳволда қолганди. Навқарлари оз қолиб, озик-овқатлари кундан-кун камайиб кетаётган пайт... Исмоил кўрбоши қўлга олинган, Аскаралибек ҳам қочиб юрарди. Шундай вазиятда Шомирзабекнинг аҳволи қандай эди? *«Ўзги мушукдай тусиб кун ўтказиши, хушхабар илмида чопар йўлини пойлаш бекиниг жонига теккан, ўйлари мисоли гоҳ, ҳеч тағига етолмайди, юртига етолмаётганидан, қувгин қилинган гадодай ўзини ёлғиз сезаётганидан алам билан чуқур-чуқур хўрсинади»*<sup>16</sup>. Шундай вазиятда Шомирзабек болалигини, уйини эслайди, ўша пайтларга қайтгиси келади. Лекин энди фақат тушдагина қайтиш мумкинлигини биларди. Шунинг учун фақат туш кўришни хоҳлайди. *«Туш ўзга олам, унда таъқиқ, таъқиб йўқ, чек-чегарани билмайди, қанийди тушдан ажралмаса, туш уни бегона қилмаса, кўраверса, туш умридек узун бўлса, афсуски, тушнинг этаги силлиқ, лутган қўли мўрт, бағри тор, узоқ сақлаёлмайди, тушиб кетади. — уйғонади, уйғониш бу — жабр, уйғониш бу — тугаган сабр...»* (85-бет) Лекин ҳамма туш ҳам ширин бўлавермайди. Шомирзабек қийин аҳволда қолган пайтда шундай туш кўрадики, у асарнинг рамзий деталларидан бири сифатида намоён бўлади. У кўрган тушнинг қисқача мазмуни шундай: Қаттиқ шамол бўлиб, ҳамма одамларни учуриб кетади. Шомирзабек учмасликка қанча

<sup>16</sup> Баҳодир Мурод Али. «Кўктўнликлар». Т., «Езувчи» 1991 йил, 85-бет. Мисоллар мақсуд лашранд олиди. Кейинги ўринларда фақат асар саҳифаси рақамигина қўйилади.

ҳаракат қилса ҳам, уни ушлаб турган тути билан бирга шамол учириб кетади ва ҳамма одамларни бир тўкайга олиб келиб ташлайди. Тўкайда кўзларида меҳр товланиб турган аждар ҳаммани ютиб юборади.

«*Еҳуд — Юҳонинг ичи гордек кенг-у, ёзилиб ҳаракат қилолмайсан, ўта жим-у, овозинг узокқа бормайди, нима йўқотсанг, топғудек ёруз-у, кўзинг ҳеч нарсага ўтмайди, ҳар хил таомларнинг бўйи келади-ю, олиб ейишга бўйинг етмайди. Ҳалигина учиб юрган бола-чақадан тортиб, чол-камтир, қиз-жувонларгача барчаси шу ерда: аралаши-куралаши, эркак-хотиннинг фарқи қолмаган, ота-бола тўғрисида гапирмаса ҳам бўлади. Ғорнинг ичи шилимишиқ. Бу ердан қутилишни биров ўйламайди, айбни ҳамма бир-бирдан қидиради, йиғилганлар бир-бирини йиқитиши пайида, ҳар ер-ҳар ердан уддабурон одамлар устига чиқиб, тўйиб-тўйиб нафас олишга, юқоридаги таомлардан таназвул қилишга жон-жаҳдлари билан ўрнанадилар, шунга эришадилар ҳам, кейин у ердан тушишни сира-сира хохламай қўядилар. Узлари тўйғач, қолган-қутганларини пастдагиларга итга суяк ташлагандай иргитадилар. Пастдагилар нишқурларни талашиб-тортишиб ейдилар. Аслида бу уддабуронларга ҳам қийин: чунки тоқчалар шундай жойлашганки, ундан овқат олмоқчи бўлганларнинг боши, албатта, шифтга тегиб туради. Шифт ҳам шилимишиқ, бошларидан мияни сўриб олади» (86-бет).*

Тушнинг давомида аждар одамларнинг қувватини сўриб олар ва ташқарига чиқариб ташларди. Шомирзабекнинг кўзига аждарнинг калласи гоҳ Аскаралибек, гоҳ Жалолиддин бўлиб кўринади.

Муаллиф биргина шу туш детали орқали бутун бир Шўролар ҳокимиятини тасвирлаб беради. Шўро ҳукуматининг ёлгонларига учган одамларнинг аҳволи, эркак ва аёлнинг фарқи қолмагани, шу ҳукумат туфайли ота-бола ўртасидаги юзқўрмасликлар ва энг асосийси, бу ёлгонларга учган одамларнинг жисмонан ва руҳан эзилиши, фақат ўз нафсини ўйлаши, қутилишга ҳаракат қилмаслиги ёркин ифодалаб берилган.

Шомирзабек ҳам бошқалар сингари шу тўфон домига тушди, шамолда учмасликка қанча ҳаракат қилмасин, тўфон гирдоб ҳосил қилиб, уни учириб кетди. Шомирзабек аждар ичида, яъни Шўро ҳукумати ўрнига чакирди. У одамларнинг Шўро ҳукумати ёлгонларига алданишларини хохламади. Уларни бу йўлдан қайтариш учун ҳаракат қилди: «*Одамларнинг бу қадар осон алданишларига у чидаб турулмади, бор овози билан бақирди:*

— *Эй-й-й, одамлар, кўзингларни очинглар, аҳил бўлинглар, бир-бирларингизни қийнаманглар, бу ердан чиқиб кетишни ўйланглар. Сизлар бу мусиқанинг овозига учманглар, бу мусиқа эмас, аждарнинг кекиргани, аждарнинг кекиргани!*

Унинг гапига ҳеч ким парво қилмади, эшитганлари ҳам ишонқирамади. Бек гапирга-гапирга ҳолдан тойди. Мусиқа тинди. Яна илгариги ҳолат такрорланди. Орадан қанча вақт ўтгани номаълум (умуман, бу ерда вақт қадрсиз). Бир маҳал бошқача куй янграб, одамлар яна қўйдай ювои

тортдилар. Бек ўзини қўлга олди, одамларга зарра нафим тегса, деган ўйда яна қичқириб мурожаат қилди:

— Одамлар, сизларни мафтун қилаётган мусиқа мусиқа эмас, горда шунақа эшитилаяпти. Бу аслида аждарнинг хурраги...

! минг бор гапириб - кучанмасин барибир, уни тинглайдиган қулоқ тополмади»(86-бет).

Бу воқеа тушда содир бўлса ҳам реал воқеликнинг айнан ўзи эди. Чунки борган сари Шомирзабекнинг янада хушёр бўлишга чорлар эди. Шунинг учун ҳам у Аскаралибекнинг қочиб кетганига ишонмас, унинг энгилганлигини кўнгли сезар эди.

Шомирзабек - мард ва жасур инсон. У ҳеч қачон Шўроларга бўйин эгишни хоҳламасди. Аввал бу ҳукуматга қарши ошқора жанглار олиб борди. Аскарларининг саноғидан путур кетиб, одам тўплаш қийин муаммо бўла бошлагач, пинҳона уруша бошлади. Қолган аскарларини асраш учун ҳам шундай йўл тутди. Аскаралибек келиб кетгандан сўнг эса, мардларча қишлоғига қарата от сурди. Асарнинг Шомирзабек билан боғлиқ жойида «Кўктўнлик ота» ривояти берилган. Бу ривоят сўнгида кимки Кўктўнлик отанинг қабри ёнида унинг шеър-қўшиқларини айтиб, бир неча кун тунаса, Кўктўнлик ота чопонига эга бўлади. Бу чопонни олишга киришган киши ҳалол, бировга зиёни тегмаган, мард ва қўрқмас бўлиши лозим. Шомирзабек ҳам шу чопон учун ҳаракат қилмоқчи бўлади. Лекин ўзига бўлган шубҳаси бунга йўл қўймайди. Чунки Шомирзабек мард ва жасур бўлгани билан унинг ҳам бировларга зиёни теккан, ватан озодлиги йўлида бегуноҳ одамларнинг бу дунёдан кетишига сабабчи бўлган. Шунинг учун ҳам у ўз хатоларини англаб, қабристонга кира олмайди:

*«Шомирзабек энди қишлоққа кириш ҳам, қабристонга юриш ҳам баробар эди. Бир қўзинг иккинчисига ёв, ютганинг ўзингники-ю, озингдаги гумон. Қабристон тарафга юрилса, эрталабгача мазорда қолиши, Кўктўнлик отанинг машҳур ва муқаддас шеър қўшиғини қўйлаши, қабрининг пайдо бўлиши-ю чопоннинг қўлга тегишини кутиши зарур. Агар истаклари ижобат бўлса, нур устига аъло нур, албатта халқ эрталабданоқ у томонга оғади, ёғийлар устидан ғалаба қозонади. Мободо, қабр ўсиб чиқмаса, ақлдан озади...*

*Шомирзабекнинг ичида ўзига бўлган шубҳаси устун келди, ўзини пок кўрсатмоқчи бўлиб шарманда бўлишдан чўчиди. Кўктўнлик ота қабристонига бурилишга юраги бетламади. Отнинг жиловини қишлоққа тортди...»(98-бет).*

Шомирзабек миллатпарвар, ўз халқи учун ҳеч нарсадан қайтмайдиган, миллий ғурурни асраш учун ҳаракат қиладиган шахсдир. У миллатининг устидан бошқа миллат вакиллари ҳукмронлик қилишига йўл қўймайди, миллий ғурурининг топталишига чидаб, қараб тура олмайди, шундай буюк бир миллатнинг бошқа миллатга бўйсунинини хоҳламайди. Миллий ғурурини, миллат ор-номусини асраш учун у ҳар нарсага тайёр. Кимки унинг халқи тўғрисида бирор ёмон гап гапирса, у ким бўлишдан қатъий назар



керакли жавобни беради. Буни биз асарни ўқир эканмиз, маслаҳатчиси Абдурахим афанди билан бўлган суҳбат жараёнида билиб оламиз:

*«Абдурахим афанди қалин кўнгиз мўйловини жийчириб кулимсиради:*

*— Маъзур тутасиз-у, бек, мен келгунимча субут у ёқда турсин, одамларингиз ўзларини туркий қавмдан эканлигини ҳам англаб етишимасан экан. Миллий гурур тўғрисида гапирмаса ҳам бўлади.*

*Шомирзабекнинг сийрак қошлари чимирилиб, юзига тахир тепчиди-ю, тезда яна асл ҳолига қайтди, ҳатто жаҳлланганини яшириши учун ҳамсуҳбатларидан майин табассумини ҳам дариз тутмади.*

*— Ўзингизни андак камситиб баҳоладингиз, — деди бек аччиқ киноя билан. — Сиз келганингизда кўйлақларимизнинг этаклари турмаланган эди.*

*Афанди чидаб туролмади, бекнинг гапини бўлди:*

*— Нечук бундай қоқитма гаплар, бек?*

*— Чунки нон-тузимизни тотиб, сиз шундай калом қилсангиз, кофирлар бизни псададай кам ҳисобламай. Энди, афандим, ўша гурур-пурурингизни бизнинг қавмни унутган, дуст-душманни фарқламай қолган одамларимизга ҳуда-беҳуда сарфламай елкангизга юкланг-да...*

*— Сиз мени қуваяпсизми?*

*— Асло, сиз ўзингизни ўзингиз ҳайдаяпсиз» (102-бет).*

Шароит кўпроқ одам йиғишни, бирлашишни тақозо қилиб турган бир пайтда Шомирзабекнинг ўз маслаҳатчисига бундай дейишига нима сабаб бўлади? Албатта, Абдурахмон афандининг ўзбек миллатини камситиб айтган сўзларидир. Миллат гурури учун курашаётган Шомирзабекка кимнинг одами эканлигининг фарқи йўқ эди. У ўзбек халқини камситдими, жазосини олиши шарт. Бу ҳам Шомирзабекнинг халқпарвар инсон эканлигини кўрсатади:

*«Бу кишининг қанча вақтлардан буён улус давлат барпо этиши борасидаги кўндан кўп жабр-у ситамларининг барчаси ёлгон ва булар бошиқа маслак учун ниқоб вазифасини ўтаган. Кеча оқном бек, у кишининг қайноталари ҳузурида афандим, сиз жамоани таҳқир сўзлар ила бадном этишига жазм қилган, оқибат жанобимиз Шомирзабек бундайдан бетайин бидъатларни сингдирилмаган, фуқаро номига дейилган сўзни ўз номига айтмаганини билиб, эрталабгача сабр қилмаган. Афандининг улус ўртасидаги ҳурмати, йигитлар орасидаги мартабасидан қатъий назар, тундаёқ ҳибса олдирган ва ўлим жазосига ҳукм қилдилар. Токим ҳар қандай мусулмон фарзанди ким ва қандай мартабада бўлмасин, авлод-аждодларига иснод келтирадиган бетавфиқ гапларни бўлак оғизга олмасинлар» (111-бет).*

Шундай ватанпарвар инсон бўлган Шомирзабек нима сабабдан енгилди? Нега мустақилликни қўлга кирита олмади? Шундай саргардон юришларга уни нима мажбур этди?

Бошқа миллий озодлик ҳаракатчилари каби Шомирзабекнинг ёлғиз ҳаракат қилиши, унинг ҳам энг катта хатоларидан бири эди. Юрт хоинлари эса миллий истиклолчиларнинг енгилишига яна бир сабаб бўлдилар. Шомирзабек ва унинг одамларининг бошқаларга ишонмасликлари ва бунинг оқибатида халқни ўзларидан бездириб қўйишлари ҳам яхши натижага олиб

келмади. Одамларни кўрkitиш орқали йўлга солиб бўлмаслигини Шомирзабек пайқамади. Асирларни халқнинг кўз олдида жазолаши ҳам яхши натижа бермасди. Чунки улар ҳам тирик одам, уларни халойиқнинг олдида ўлдирилиши халқнинг миллий истиқлолчиларга қарши нафратланишига олиб келиши мумкин эди: «Ўқ овозини, аёл асирларнинг «ма-ма-а» деган чинқириви, кўксини қушларнинг уни, онда-сонда ўсган янтоқларнинг қуриган туглари, бежаб турган жарлик титраб-қақшаб қабул қилди. Қабул қилди-ю, сингдиролмади, халойиққа туркаб юборди. Тил билмагани билан машғум овоздан сесканиб юрт йиғлади»(112-бет).

Асар сўнгида Шомирзабекнинг тақдири кўпгина миллий истиқлолчилар тақдири каби қочиш билан тугади. Енгилган Шомирзабек чет элга қочиш кетишга мажбур бўлди:

*«У йўлга тушишдан олдин сочини олдириди. Соч олдириши шарт ҳам эмасди, бироқ эрталаб таҳоратга тадорик кўраётганида бошидан дўптинги тушиб кетди, сочи ўсибди. Демак, боши дўптинга сизмай қолибди. Уста худди қизларникидай майин, юмшоқ қўллари билан бошини уқалади, унинг кўзини илтириб қириб битиришиди. Энди юрт - қирилган калладай шип-шипиди. Йўқ, калла бор экан — юрт бор, қириб тугатиб бўлмайди, яна ўсиб чиқаверади! Масчит-мадрасалар тўпга тутилди. Қанчадан-қанча безуноҳ болаларнинг, қиз-жувонларнинг ёстиги қуриди, гумон қилиб не-не чолкамтирлар ўлдирилди. Озодлик, хурриятни алвон қилишиб кетаверишди, босган излари қип-қизил қон, туглари қон... Уста сочини қирятти ишир, ишир...»(114-бет).*

Бу Шомирзабекнинг ҳаётдан чиқарган хулосаси эди. Демак, асарни ўқиган ҳар бир китобхон, биз ҳозир яшаётган тинч ва фаровон ҳаёт, мустақиллик осонлик билан қўлга киритилмаганлигига гувоҳ бўлиши табиий. Аждодларимиз эса шундай кунларга етишга ҳаракат қилишди ва курашишди. Уларнинг орзулари биз авлодларни порлоқ келажагида ушалди.

## **“Олтин ёруқ” адабий ёдгорлигидан таълим жараёнида фойдаланиш**

**Наргиза Мингулова**  
**магистрант**

Мамлакатимиз мустақилликка эришгач, миллий анъаналаримиз кайтадан тикланди, адабий ёдгорликларимизнинг қадимий нусхаларини, нодир намуналарни ўрганишга эса алоҳида аҳамият берилди бошланди. Жумладан, зардуштийлик динининг муқаддас китоби “Авесто” ва ўлга боғлиқ бўлган ақидаларнинг моҳияти, уларнинг ҳозиргача етиб келган маросим ва бошқа ҳодисалардаги намоён бўлиш шакллари, ёдгорликнинг илмий-маърифий ҳамда бадний-эстетик аҳамияти ҳақида бир қатор илмий-тадқиқот ишлари амалга оширилди. Буддавий ва ислам динининг ақидалари тавсифидан иборат бўлган “Олтин ёруқ” ёзма ёдгорлиги ҳақида ҳам худди шундай дейиш мумкин.

“Олтин ёрук” буддавийлик қонунларидан иборат бўлиб, у ўз даврида буддавийликка эътикод қилувчи қавмлар орасида кенг шухрат топган. Бу ёдгорлик мазмунан буддавийликнинг маҳалла мазаҳабига оиддир. Дастлаб, асар номланишига эътибор бериб ўтсак. Адабий ёдгорликнинг тўлиқ номи “*Altun onglug, yaktaq yaltirqlig' qopla kōtrūlmish nom iliki atlig' nom bitig* (Олтин рангли ёруғ ялтироқ, ҳамма (нарса)дан) устун турадиган нўм (қонун) подшоҳи отли нўм» деб номланган. Шунга қарамай, у мутахассислар орасида, шунингдек, туркий тили буддавийлар орасида “Олтун ёруғ» деган ном билан шухрат қозонди. Аслида у туркий тилга қадимги санскрит тилидан таржима қилинган. Унинг санскритча номи “*Суварнапратхаса*”дир. Бу сўзнинг луғавий маъноси «*Олтин жило*» деган маънони биради.

“Олтин ёрук” ҳам бошқа ёдгорликлар каби жаҳон туркийшунослари ва бошқа олимлар томонидан кенг ўрганилган. “Олтин ёрук”нинг эски уйғур ёзувид. и нусхаси “Виншугу нусхаси” деб юритилади. Мазкур ёдгорликнинг туркий таржимаси “Олтин ёрук” Х асрда Бешбалиқда яшаган Сингку Сели Тутунг қаламига мансубдир. “Олтин ёрук”нинг ўнга яқин нусхаси мавжуд бўлиб, буларнинг кўпчилиги ҳозирда Германия Федератив Республикаси Фанлар академиясининг қадимги тарих ва археология марказий институтининг қўлёзмалар фондида сақланмоқда.

Асар кейинчалик кўплаб шарқшунос олимлар томонидан ўрганилди. “Олтин ёрук”нинг 1913-1917 йилларда В.В.Радлов ва С.Е.Маловлар томонидан амалга оширилган нашрлари тўлиқ ва мукамал ҳисобланади. Тадқиқотчилар ҳам ана шу нашрга муружаат этадилар.

“Олтин ёрук” ҳикояларини ўзбек тилига илк марта таржима қилган филология фанлари доктори, профессор Насимхон Раҳмонов эса 1986 йили Хитойда<sup>1</sup> ва 1994 йили Туркияда чоп этилган нашрлар асосида амалга оширган. Мазкур ҳар иккала нашрларнинг ҳам ҳам В.В. Радлов ва С. Е. Малов нашрларига таянганликларини таъкидлаб ўтиш ўринли бўлади.

Н. Раҳмонов бу нашр ишини амалга оширишда ва таржима қилиш жараёнида, аввал қадимги туркчадаги транскрипция асосидаги асл матнни, кейин эса ўзбекча таъдилини беради. “Олтин ёрук” шеърий асар бўлмаса ҳам, асл нусхадаги сатрлар тартиби айнан кўрсатиб ўтилган.

Биз ўқувчиларимизнинг диққатига етказиш учун ундан айрим намуналарни келтиришимиз мумкин: (Namu Buddha). (Namu Barmay). (Namu Sungay). (Emti munta) bu namlung kinürü ulalmish süü titlaghin az tegincä (yana) uqilalim. Bu y(ä)mä oltun önglug y(a)ruq yaltirqligh qopla kōtrūlmish nom iliki at(ü)gh nom erdäning boshghuntaçi tuttaçi oqibaçi tingladaçi bitüdaçi tüzünlar qizi tojin shamanash upasi upasanch tort türlüg tirin quwraqarning.

Буддага таъзим Дармага таъзим. Сангага таъзим. (Энди бу ўринда) бу нўмнинг батафсил Сабабини (аниқлаб), истакни амалга ошириб (Яна) таълим берайлик. Бу яна олтин. Рангли ёруғ, ялтироқ ҳамма (нарса)дан Устун турадиган нўм подшоҳи номли нўм хазинани халос қилувчи, ушлаб турувчи ўқигувчи, тинглаувчи, кўчиргувчи, аслзодалар ўғли аслзодалар қизи, будда монахи, монах аёли, тинловчи ўғил қиз(дан иборат) тўрт турли

жамоатдир. Н.Раҳмонов ушбу таржимани «Ўзбек тили ва адабиёти» журналининг 2004 йил 2-сонидан бошлаб «Мерос» рукни остида эълон қилмоқда. Ҳозиргача ёдгорликнинг учдан икки қисми нашрдан чиқиб бўлди. Ўзбек китобхонлари унинг асосий мазмун-моҳиятини билиш имконига эга бўлди. Ушбу ёдгорликнинг чоп этилиши маданиятимиз тарихидаги улкан ҳодисалардан бири сифатида баҳоланишга лойиқдир. Зеро, у адабий манба сифатида ўзида қадимги туркий тилнинг жуда ўзига хос намунаси ҳисобланади. Айни пайтда, асар бизга қадимги туркий адабий тилнинг жанрлар тизими, образлар тизими, баъдий тасвир принциплари ҳақида ҳам анча ёрқин тасавурларни бера олади.

Асар орқали етиб келган бой адабий манбалар орқали биз ёшларимизни юксак инсоний фазилатлар руҳида тарбиялаш имконига эга бўламиз. Асарнинг баъдий хусусиятлари ҳам ўзига хос. Унда ўша давр адабиётига алоқадор бўлган асосий поэтик тасвир принципларининг мужассамлашганига шубҳа йўқ. Шундай экан, бу асарни биз атрофлича ўрганишимиз зарур бўлади.

Биргина «Шахзода ва барс» ҳикоясини олиб кўрайлик. Жуда содда сюжет тузилишига эга бўлган мазкур асарда жуда катта ҳаётий масалалар ўз ифодасини топган. Аниқроқ қилиб айтадиган бўлсак, бугун глобал муаммолардан бирига айланиб бораётган экология масалалари мазкур ҳикоянинг ўзак муаммоси сифатида тасвирга олинган.

Ундаги ғоянинг ўзи гўзал ва мукамалдир. Бунинг устига ифоданинг такрорланмаслиги, баъдий тасвирдаги жозиба қишнини хайратга солади. Бундай асарлардан биз таълим-тарбия жараёнларида унумли фойдаланиш йўлларини излашимиз керак. Бу ҳозирча келажакнинг вазифаси бўлиб қолади.

## Чўлпон ҳаёти ва ижодини ўрганиш

*Азиза Халимбетова  
магистрант*

Ёшларга таълим беришдан асосий мақсад баркамол авлод онгига фан асосларини пухта синдириш орқали уларни динonatли, эътиқодли қилиб ўстириш, ижтимоий ҳаётдаги ҳар бир ҳодисага онгли ёндашиш руҳида тарбиялаш, эгаллаган билим ва кўникмаларини ҳаётга татбиқ этиш қобилиятини таркиб топдириб, ривожлантиришдан иборатдир.

Бу жиҳатдан айниқса, адабиёт дарси ёш авлодни жамиятимиз олға сураётган юксак ғоялар руҳида тарбиялаш воситаси ҳисобланади. Адабиёт ўқув фани сифатида мураккаб ва кўп қирраликдир. Адабиёт ўқувчиларини ҳаёт билан таништиради, уларда ҳаётни кўриш ва англашга қизиқиш ҳиссини ўстиради, атроф-муҳит ва инсон характерининг мураккаблигини тушуниш қобилиятини, ватанга, халқига садоқатли бўлиш туйғусини шакллантиради.

Ўзбек адиблари халқимизнинг нодир маънавий бойликларини яратиб, уларни кўпайтириб келган ва бугунги кунда яна ҳам уни ривожлантираётган шахслардир.

Чўлпон XX аср ўзбек шеърятининг забардаст вакили бўлишига қарамасдан, унинг ижоди умумтаълим мактабларида 90-йиллардан ўрганила бошлади. Бу ҳол адиб ижодига алоҳида қизиқиш ва синчковлик билан муносабатда бўлишни тақозо этади.

Чўлпон ижоди умумтаълим мактабларининг 7-, 9-синфларида ўрганилади. 9-синфда шоирнинг “Қаландар ишқи”, “Кўнгил”, “Кишан”, “Ёнғин”, “Виждон эрки” шеърлари ва “Кеча ва кундуз” романидан парча ўрганилиши назарда тутилган. Синфда ўрганилиши кўзда тутилган шеърлар Чўлпоннинг шох асарлари сирасига киради. Чўлпон лирикасини ўрганишдан олдин ўқувчиларни шоир ҳақида дарсликда қайд этилмаган маълумотлар билан таништириш адиб ижодига бўлган қизиқишни янада кучайтиради. Чўлпон ҳаётига оид маълумотларни ўқитувчи матбуот материалларидан, адабиётшунос олим Наим Каримовнинг “Чўлпон” деб номланган китобидан, йирик олим озод Шарафиддиновнинг “Чўлпонни англаш” рисоласидан, Баҳром Рўзимухаммаднинг “Чўлпон тонг юлдузи” каби китобларидан фойдаланиш мумкин. Ўқитувчи изланувчан ва янгиликлардан хабардор бўлса қилинган илмий тадқиқотлардан ҳам ўринли фойдаланиш, юқори синф ўқувчиларига булар ҳақида етказиб бериш мумкин. Масалан, М.М.Йўлдошевнинг “Чўлпоннинг бадиий тил маҳорати” (“Кеча ва кундуз” романи мисолида) номли номзодлик диссертацияси (2000), Ф.О.Эгамбердиевнинг “Адабий таълимга илғор педагогик технологияларни татбиқ этиш методикаси” номли номзодлик диссертацияси (2005) кабилар шулар жумласидандир.

Чўлпон ижодини ўқувчилар онгига синдиришда ўқитувчининг метод ва усулларни тўғри қўллаш олиши ҳам муҳим ўрин тутати.

Ифодали ўқиш методини қўллаш орқали ўқувчиларга таълим-тарбия бериш ва уларни камол топтиришнинг талай муҳим вазифаларини самарали хал этиш учун ҳам кенг имкониятлар туғилади. Ўқитувчининг асар таҳлиliga йўл очиб берадиган ифодали ўқиш, М.А.Рибникованинг аниқ таърифлашчи, мазмунини ўзлаштириш сари йўл очадиган “калит”дир. Бадиий нутқдагина уни ташкил этувчи сўзларнинг маъноларини, манتيқий муносабатларини оҳанг орқали уқиб олиш, бадиий нутқнинг жонли янғрок сўздагина тўлиқрок намоён бўлувчи эмоционал-ифодали томонларини идрок этиш мумкин. Бу эса ўқитувчидан ижодкорликни талаб этади.

Шеърни аввал ўқитувчи ўз маҳоратини ишга солиб ёддан айтиб бергани яхши. Профессор Қ.Йўлдошев бу ҳақда ёзади: “Шунга эътибор бериш керакки, лирик шеър ўқитувчи томонидан ёд ўқилса, унинг таъсир кучи ҳам ошади. таҳлиллаш ҳам анча осон кечади. Чунки шеърни ёд билмаган ўқитувчи лирик асар устида ишлаш мобайнида туйғулар яхлитлигига, давомийлигига эриша олмайди. Негаки, у туйғулар силсиласини эмас, дарсликдан шеърнинг кейинги мисрасини излаш билан банд бўлади”<sup>1</sup>.

<sup>1</sup> Йўлдошев Қ. Адабиёт ўқитишнинг илмий-назарий асослари. – Т: Ўқитувчи, 1996. – 152 б.

“Кадрлар тайёрлаш миллий дастури”ни жорий этишнинг ҳозирги иккинчи босқичи таълимни табақалаштириш билан характерланади. Бундай таълим иқтидорли ўқувчиларга яқка ёки гуруҳли вазифалар беришни тақозо этади. Шунга кўра ҳам савол ва топшириқларни уч хил тайёрлаш кўзда тутилади:

1. Синфдаги барча ўқувчилар учун мўлжалланган савол ва топшириқлар;

2. Гуруҳга мўлжалланган савол ва топшириқлар;

3. Яқка ўқувчига мўлжалланган савол ва топшириқлар.

Табиийки, бир ўқувчига бериладиган вазифалар гуруҳга бериладиган вазифалардан фарқ қилади. Чунки гуруҳда бир неча кишининг биргаликда ишлаши, кўпчилик бўлиб муаммоларни ҳал этиши кўзда тутилади. Бир ўқувчининг имкониятлари эса чекланган бўлади. Лекин, умуман олганда, иқтидорли ўқувчи оладиган вазифа бутун синфга бериладиган савол ва топшириқлардан қийинроқ ва мураккаброқ бўлиши табиийдир<sup>2</sup>.

Ўқитувчи тузган саволлар ўқувчиларни ўйлашга, матнга қайта-қайта муурожаат этишга йўналтирилса мақсадга мувофиқ бўлади.

1. Бинафша образи қандай маъжозий маънога эга?

2. “Кўнғил” шеъридаги муурожаатдан нимани тушундингиз?

3. Нима учун шеърга “Виждон эрки” деб ном берилган? Уни шархланг.

4. Шеър қандай кишига қаратилган?

5. Шоир ижодини қандай баҳолайсиз?

Ўқитувчи ўқувчилар фаоллигини ошириш мақсадида турли ўйин технологияларидан фойдаланиши мумкин. Бунда хронологик жадваллардан адиб ҳаёти ва ижодини ўрганишда, “Кластер” (“Тармоқлар”) усули орқали Чўлпон ижод қилган жанрларни ўрганишда, баҳри-байт айтиш орқали шоир шеърларини маромига етказиб, ифодали ўқиш малакаларини шакллантиришда, “Ақлий ҳужум” технологияси орқали ўқувчиларнинг мустақил фикрлаш дорасини кенгайтириш каби самарали натижаларга эришиш мумкин.

Чўлпоннинг “Кеча ва кундуз” асарини ўрганишда эса ёш хусусияларидан келиб чиққан ҳолда бадиий асарни таҳлил қилишдан, образларни қиёсий таҳлил асосида ўрганишдан, муаммоли вазиятни ҳосил қиладиган, баҳсга киришадиган дақиқалардан, “Баҳс-мунозара” дарсларидан фойдаланиш муҳим аҳамиятга эга.

## Навоий янги давр нигоҳида

*Ойжамол Бобоқуллова  
магистрини*

Ҳар бир давр адабиётшунослигининг ўзига хос ютуқлари, айни пайтда (муайян сабабларга кўра) жузъий камчиликлари борлиги сир эмас.

<sup>2</sup> Ниёзиметова Р. Узлуксиз таълим тизимида ўзбек адабиётини ўрганиш методикаси. Т: Фан, 2007. -150-151-бетлар.

Истиклол даври адабиётшунослиги, жумладан, навоийшунослиги Навоий бадийи оламини ҳақиқий маънода ўрганишга имкон топди.

Янги замон, даврлар силсиласини вужудга келтирувчи, тафаккур ривожига омил бўлувчи шундай тараққиёт кунлари борки, улар инсон маънавий олами ривожига тўсик бўладиган ҳар қандай тазйикни парчалаб ўтади, ҳақиқий маънавий мулкни соф ҳолатда келажак авлодларга етказди. Бу эса ўз-ўзидан бўлмайди. Яъни муайян фидойи инсонлар – илм аҳлининг меҳнатлари эвазига амалга ошади. Шу нуқтаи назардан XX асрнинг 80-йилларига келиб навоийшуносликнинг юксалиш даврини бошлаб берадиган янгича қарашлар юзага келди. Жумладан, навоийшунос олим Ёкубжон Исҳоқов “Навоий поэтикаси” асарида ишқ ҳақида шундай ёзади: “Навоий ижодида мажозий ишқ ишқи ҳақиқийнинг бир кўриниши ёки ҳақиқий ишқ йўлидаги бир босқич сифатида баҳоланади”<sup>1</sup>. Бундай илғор фикрлар навоийшуносликда туб бурилиш ясамаган бўлса-да, янги давр қарашларининг юзага чиқиши учун замин бўлиб хизмат қилди.

Айтиш мумкинки, 80-йилларнинг охириларига келиб, Навоий ижодини янгича талқин этишга мойил, ҳақиқатга хайрихоҳ олимлар кўрина бошлади. Навоий меросини янгича руҳ, янгича қарашлар силсиласида текширувчи, талқин этувчи янги давр бошланди. Навоий ижодини шакл ва мазмун уйғунлигида илмий таҳлил этиш шоир бадийи оламга чуқурроқ кириб боришга имкон берди.

Бундай талқинотлар орасида профессор Н.Комиловнинг “Тасаввуф ёхуд комил инсон ахлоқи” (1996), “Ҳизр чашмаси” (2005) китоблари алоҳида ўрин тутади.

Кейинги давр навоийшунослиги ютуқларини Н.Комиловнинг хизматларисиз тасаввуф этиш қийин. Олим узоқ тарих бағрида яратилган Навоий меросини бугунги авлодга етказишда ўз хиссасини қўшмоқда. Н.Комиловнинг навоийшуносликдаги дастлабки жиддий талқинотлари – Навоий лирикаси, хусусан, шоир ғазалларига битган шарҳлари кўпчиликнинг эътиборини тортди. 1987 йили “Ёшлик” журналида олим Навоийнинг девонига машҳур “Қаро кўзум” ғазалини шарҳлаб берди. Бу ғазал таҳлилининг гўзал намунаси.

“Алишер Навоий. Ғазаллар. Шарҳлар” китобига олимнинг “Жон ва жонон можароси”, “Тимсоллар тимсоли”, “Ахтарин ашқ эттию совук нафасни оқ субҳ”, “Эрур кўнгулда сафо ишқ тоза доғи била”, “Аҳд қилдим: ишқ лафзин....”, “Сокиё, талх ўлди айшим ҳажр бедоди била” деб номланган мақолалари киритилган. Уларда Навоий ғазаллари мазмуни зоҳирий ва ботиний моҳият уйғунлигида таҳлил этилган.

Олим Навоий ижодини ўрганишда тасаввуф таълимотини асосий мезон сифатида танлади: “Шарқ халқлари тафаккури тарихида чуқур илдиз отган тасаввуф таълимотини яхши билмай туриб, Алишер Навоий дунё қараши ва адабий меросини барча мураккабликлари, фалсафий теранлиги билан тўлиқ ҳолда, тўғри, ҳаққоний ёритиб бериш мушкул”. Бу фикр Навоий ижоди тадқиқида янги ёнаниш пайдо бўлганлигини кўрсатади. “Навоий мероси

фалсафий-тасаввуфий аснода таҳлил этилиб, унинг ғоялар ва образлар дунёси очилиши керак, бу навоийшуносликда янги давр бўлади".

Янги давр бошлангунига қадар навоийшуносликда янги белгилар "ярк" этиб кўзга ташланмаса-да, ички оламдаги зиддиятлар кучайиб бормоқда эди. Бу эса мазкур даврда янги қарашларни юзага чиқариши муқаррар эди. Бу, аввало, Навоийдаги тахайюл оламини бир ёкламалик асосида ўрганиш натижасида портлашга олиб келувчи кучли зўриқшнинг юзага келиши билан белгиланса, иккинчи томондан, Навоийнинг рухий оламига кира оладиган, асосий муаммолар ечимини ана шу оламдан ахтариб топишга маънавий кудрати етадиган, шоирнинг буюклигини унинг асарлари моҳияти мезони билан ўлчайдиган олимларнинг етишиб чиқиши билан белгиланади. Бу ерда асосий масъулият ижодкор олимнинг зиммасига тушади. Яъни тараккиёт ҳосилалари инсон тафаккури, маънавий олами орқали амалга ошади. Шундай экан, янги даврни юзага чиқарувчи қонуниятлар босим кучи маънавий оламдаги муаммолар ечими йўлида тиниб-тинчимай яшаётган олимларнинг маънавий, тафаккурый даражаси билан ҳисоблашади.

Юқорида таъкидлаганимиздек, навоийшунослик нуқтаи назаридан қараганимизда, бу ижодкор илм аҳлидан Навоий ижодига самимий муҳаббат, теран қараш, Навоий ижодини чуқур ўрганиш орқали англонадиган Навоийнинг маънавий, рухий олами билан яқинликни талаб қилар эди.

Н.Комилов ана шундай талабларга жавоб беролган, навоийшуносликдаги янги давр белгиларини ўз қарашлари билан намён қилган, Навоий маънавий олами тасаввуф таълимоти моҳияти асосида очилишини биринчи бўлиб айтган, бутун навоийшунослар диққатини мазкур масалага қаратган ва буни илмий асослаб берган олимдир. Олимнинг бу саъи-ҳаракати билан бир неча ўн йиллар давомида бир нуқта атрофидаги депсинишларга барҳам берилди, бепоен оламда яшовчи Навоий маънавий оламини ўрганишга кенг йул очилди.

Н.Комилов Навоийнинг ҳам лирик, ҳам эпик асарларини чуқур ўрганди, ўзигача мавжуд тадқиқотларга таяниб, қиёслаб, уларни таҳлил этди ва шулар асосида навоийшуносликда ўз йўлини топди.

Айни пайтда олимнинг хизматлари бутунги кун кишиси, китобхониянинг маънавий эҳтиёжларига жавоб бера оладиган, ҳатто Навоий ижоди олдида ўзини ожиз ҳис этиб, қўл силтаган инсонлар қалбида ҳам буюк шоир оламига йўл топишга кўмаклашадиган теран, асосли, мушоҳадаларга бой таҳлиллари билан ардоқлидир.

Кейинги даврлар навоийшунослигидаги олимнинг диққатга сазовор фаолияти бу Навоийнинг нафақат лирикасини, балки эпик асарларини, хусусан, "Хамса" дostonларини тасаввуфий нуқтаи назардан текшириш, ўрганиш кераклигига диққат қаратганлиги билан қимматлидир.



## Муҳаммад Алининг “Улуғ салтанат” романида ҳаёт ҳақиқати ва бадий тўқима

*Матқурбонова Дилфуза  
магистрант*

Бадий ҳақиқатнинг асоси ҳаётидир. Чунки, ёзувчининг кўрган-билганлари ва шахсий тажрибаси, кечинма ва таассуротлари бадий асарнинг юзага келишида энг асосий омил саналади. Ёзувчи ҳамма вақт ҳаётий факт ва ҳодисалардангина туртки олиб, бадий ҳақиқат кашфи томон йўл олади(1).

Бадий асарнинг мазмуни унинг ғояси белгилайди. Тарих-воқеаларни қачон ва қандай бўлиб ўтганлигини ёритиб берса, адабиёт бу воқеаларни бадий акс эттиришдан иборат. Ёзувчи ижодкор эса замон ва инсонлар ўртасидаги кўприк ҳисобланади. У ўз маҳоратини воқеаларни бадий акс эттириш орқали инсонни замон ва маконга олиб кира билиши ва китобхон тасаввурда бўлиб ўтган воқеаларни, манзараларни тасвирлай бера олишида намоёғ бўлади.

Тарихий романлар жуда кўплаб яратилган. Шундай романлардан Пиримкул Қодировнинг “Юлдузли тунлар”, “Авлодлар давони”, Одил Ёқубовнинг “Кўҳна дунё” ва бошқа кўплаб ёзувчиларимизнинг романларини мисол қилиб келтиришимиз мумкин.

Мустақиллик қадриятларни қайта тиклаш даврини бошлаб берди. Шу маънода Амур Темур шахсияти ва унинг тарихда тутган ўрнини ҳам қайта кўриб чиқиш масаласини илм-фан ва маданият олдида тутган муҳим вазифаларидан бири бўлди.

Муҳаммад Али ҳам Амир Темур ҳаёти, унинг жангу жадалларда кўрган кечирганларини ўзининг “Улуғ салтанат” тарихий романида бадий ифодалаган.

Тарихчи олим Бўрибой Аҳмедовнинг “Амир Темур” номли асари Темур ва теурийлар даврини қайта кашф этиш нуқтаи назаридан жиддий тадқиқот сифатида яратилди.

Амир Темур каби улуғ саркардалар ҳақида ҳар хил йўсинда асарлар битазериш мумкин. Қаҳрамоннинг ҳаёти жанглар билан боғлиқ. Шу маънода у ҳақидаги асарларни жангнома тизмаси сифатида битиб қўя қолиш мумкин эди. Муҳаммад Али бошқача йўл танлади. У буюк соҳибқирон ҳаётини, жанглари билан бағлиқ воқеаларни бадий усулда тасвирлаб берди.

“Улуғ салтанат” романида асосий қаҳрамонлар Амир Темур, Жаҳонгир Мирзо, Сароймулкхоним, Хонзодабегим образлари асардаги воқеалар тизимини бир-бирига боғлаб тасвирлаб беради. Шу билан биргаликда бадий тўқима образлар ҳам борки, улар асарнинг бадий камолотини белгилаб беради.

Романдаги воқеалар “Ҳижрий 771 йил (мелодий 1370 йил) Наврўз байрамининг Кеш юртида ўтказилиши, Темурбекнинг сафарга отланиши”(2) воқеаси билан бошланади.

Романнинг бошланишидаги воқеаларни тасвирлар орқали тарихда бўлиб ўтган, уларни тасвирлашдаги адибнинг маҳорати яққол кўзга ташланади. Китобхон худди ўша даврга тушиб қолгандек, қахрамонлар билан бир даврда яшаётгандек сезади ўзини. Бош қаҳаромоннинг кўрган-кечирганларини ўз дарди, ўз кечинмаларидай ҳис қилади.

Романнинг биринчи қисми Жаҳонгир Мирзо ҳаётига бағишланган. Адиб Жаҳонгир Мирзонинг туғилиш воқеаларини, унинг болалик йилларини ҳам зўр маҳорат билан тасвирлаб берган. Бундан ташқари асарда тарихий воқеалар, шахсларнинг ушбу воқеалардаги иштироки ҳам ифодаланган.

Адабиётлар:

1. Ҳотам Умутов. Бадий ижод асослари. Тошкент 2001 й.
2. Муҳаммад Али. Улуғ салтанат. Тарихий роман: 1-китоб, Жаҳонгир Мирзо Т.: Шарк, 2002 й.

### “Ҳайратул – ул аброр” достонида сўз таърифи

Бахтиёр Розиков  
талаба

Алишер Навоий асарлари ўзбек адабиёти ва жаҳон адабиёти тарихида муносиб ўрин эгаллайди. Истиклолга эришганимиздан сўнг унинг ўткир мушоҳадаларини тадқиқ қилиш учун кенг имкониятлар очилди. “Ўзбекистон миллий энциклопедияси” да ёзилишича “Улуғ шоир ижодининг шох асари “Ҳамса” 5 достондан иборат. Форс адабиётидаги ҳамсачиликка жавоб сифатида ўзбек тилида биринчи мартаба яратилган Алишер Навоий “Ҳамса” си бу тилнинг чексиз” имкониятларини амалда исбот этди. (221-бет): Биз Навоийни сўз имкониятларидан салмоқли фойдаланувчи сиймо сифатида қанча шарафласак шунча оздек кўринаверади. Бу ўринда мухтарам юртбошимизнинг куйидаги фикрларини ёдга олишни афзал кўрдик: “Азиз дўстлар биз Навоий бобомизнинг мўътабар номи ижодий меросининг боқийлиги, унинг даҳоси замон ва макон чегараларини билмаслиги хусусида фикр юритганда, нималарни назарда тутамиз?”.

Аввало, Алишер Навоий халқимизнинг онг ва тафаккури, бадий маданияти тарихида бутун бир даврни ташкил этадиган буюк шахс, миллий адабиётимизнинг тенгсиз намоёндаси, миллатимизнинг ғурури, шаъну шарафини дунёга тараннум қилган ўлмас сўз санъаткоридир.

Таъбир жоиз бўлса, оламда туркий ва форсий тилда сўзловчи биров бир инсон йўқки, у Навоийни билмаса, Навоийни севмаса, Навоийга садоқат ва эътиқод билан қарамаса, (“Ҳавфсизлик ва тинчлик учун курашмоқ керак” 19-бет). Демак, бобоқалонимиз Алишер Навоий сўз сеҳрининг беназир санъаткори сифатида катта эътибор ва эътирофга мушарраф.

Ўтган асрларда Чор Россиясидаги амалдорлар француз тилида сўзлашишни ўзларига маданият белгиси деб қараганлар. Турон аҳлининг йирик адабиёт намоёнлари эса форсийда ижод этишни одат санаганлар. Уларнинг айримлари туркий тилда ёзилган асарларга эса бепсандлик билан қарашган. Алишер Навоий дастлаб форс тилида қалам



нуткининг маъноли бўлиши, етти ўлчаб бир кесиб гап-риш кераклигини таъкидлаган. Дарҳақиқат, шошма-шошарлик, калтабинлик яхши инсонга хос эмас, инсон учун сўзда собитлик, мазмунда мунтазамлик ва суҳбатда самимийлик зарур бўлган фазилатлардир.

*Сўздин ўлукнинг танида руҳи пок,*

*Рух доғи тан аро сўздин ҳалок.*

Баёни: Сўз шарафи шунчалар юксакки, у ўлик танга покиза руҳ бағишлайди. Ҳазрат Навоий бу қаторда яхши сўз билан ўликни тирилтирган Исо пайгамбарга ишора қилмоқдалар. Сўзнинг яна бир жиҳати борки, агар у аччиқ ўринларда қўлланса вужуддаги тирик руҳни ҳам ҳалокатга учратиши муқаррар. Достон эгаси бу мисралари ортида сўз кудратининг на қадар юксаклигини содда ва раvon тилда ифода этган десак янглишмаймиз. Алишер Навоий сўзни гоҳ денгиздаги дурларга, гоҳида жон ато этувчи фариштага, баъзан жон олувчи Азроилга, айрим сатрларда эса инжуларга киёслайди:

*Гар худ эрур ханжари пўлод тил,*

*Суфтудоги инжулари сўзни бил.*

Бу ўринда шундай маънони идрок этиш ўринлики, агар тилни ўткир тилги ханжарга ўхшатсак, сўзни унга қадалган инжулар деб билиш лозим. Навоийнинг сўз таърифини мукаммалик даражасида ёзишнинг усталик билан урдасидан чиққани биз учун сир эмас. Бу фикрни янада бойитиш учун сўзнинг ўзи камлик қилаётгандек. “Ҳайрат-ул аброр” достонини кунт билан ўқиган ҳар бир кишининг қалб кўзи ҳикмат нури билан мунаввар бўлади.

### **Бобур рубойларида одоб-ахлоқнинг ифодаланиши**

*Лутфия Жайнақова*

*талаба*

Шарқ халқларининг бошқа халқларга ўхшамайдиган ва такрорланмас жиҳатлари бор. Булар: одоб-ахлоқ, ота-онага бўлган ҳурмат, маҳалла-кўй каби тушунчаларга алоҳида ҳурмат ва эътиқод билан қарашидан иборат. Бундай анъаналар бизга ота-боболаримиздан мерос бўлиб қолган. Аждодларимиз эса уларни ўз асарларида тараннум этиб келишган. Жумладан, Жавоҳирлал Неру томонидан «дилбар шахс» дея эътироф этилган Заҳириддин Муҳаммад Бобур асарларида ҳам бундай намуналар кўплаб учрайди.

Бобур учун инсон ва унинг гўзаллиги фақат севги, садоқат, вафодорлик, дўстликдагина эмас, биринчи навбатда, Ватанга бўлган муҳаббатда кўпроқ ва очикроқ кўринади. Бу ҳолат унингчун энг сеvimли бўлган рангин рубойи ва беназир ғазалларида, айниқса, қабарик ҳолда кўзга ташланади.

Бобур ижодининг салмоқли қисмини рубойлар ташкил этади. У поктийнат мусаввир сифатида инсон қалбидаги ҳаяжон ва қувонч долғаларини, адоксиз изтироб ва осумоний орзуларни бутун қўлами ва инжаликлари билан ҳис этади. Ўзи ҳис қилган ҳаёт ҳодисаларини бошқаларга етказишда ҳам шоир тенгсиз ва беназирдир. Таъбир жонз бўлса, нафосат

оламининг бекиёс сарвари Мирзо Бобурнинг дилларни мафтун қилувчи хайратангиз ифодаларини дилбар шоирнинг буюк кашфиётлари деган бўлардим.

Фикри ожизимча, одоб-ахлоқни, инсоний яшаш тарзи ташвиқини ўзида жо айлаган рубойлар бошқа қалам соҳибларида унинг асарларидагидек жонга яқин акс этган эмас, десам муболага бўлмас. Чиндан-да, Бобурда оддий, инсоний ўғитлар ҳам юксак даражадаги шеърый санъатлар орқали кўрсатилганлиги учун ҳам дилкаш ва ёқимлидир.

Мумтоз рубойларни ўрганган мутахассислар (Фитрат, Е.Э.Бертелс, А.Брагинский, И.Ҳаққулов ва бошқалар) бу кичик жанрни улкан имкониятлар майдони сифатида баҳолашган. Тўрт мисра шу имкониятни тадрижий тарзда кўрсатиш майдонидир.

Одатда, биринчи мисрада тезис деб айтиш мумкин бўлган ғоя ўртага қўйилади. Кейин худди хикояга ўхшаб “воқеа ривожи” кузатилади. Фақат бу ердаги воқеа ривожи фикрда, тасаввурда, тасаввурнинг ифодасида намоён бўлади. Мисол тариқасида, қуйидаги рубойга назар солайлик:

*Менинг тилагим будирки, то зинда бўлай,*

*Ҳар қанда эсанг, банда доғи анда бўлай.*

*Не хулқ эди ёна кўнглум олдинг сўз ила,*

*Ширин сўз-у яхши хулқингга банда бўлай.<sup>17</sup>*

Дастлабки мисра асосий ғояга кириш вазифасини адо этади. Лирик қахрамон ўз тилагини ошқор этади. Маълум бўлишича, унинг тириклиги ёрга, ёрнинг қайси манзилда бўлишига боғлиқ. Кейинги мисра ушбу ғояни давом эттиради. Энди воқеанинг сабаби, пайдо бўлиш манбаига ургу берилади. Бу ярим савол тарзида, аниқроғи, риторик сўроқ тарзида намоён бўлади (“*Не хулқ эди ёна кўнглум олдинг сўз ила*”).

Аслида-ку, бу риторик сўроқ ўзида жавобни ҳам мужассамлаштирган. Шунга қарамай, шоир унга жавоб беришни шарт деб билади. Натижада тезис сифатида олға сурилган асосий ғоя яна бир даража юқори поғонага кўтарилган ҳолда ўзининг мантикий якунига этади.

Рубойда ҳар қандай фикр ва туйғу тугилиши мумкин, аммо унда “дард” ва бу дардни юктирадиган оҳанг бўлмаса, янги мавзу ёки оҳорли ташбех топилиши ҳам ҳеч нарсани ҳал қилмайди. Бобурда эса айни мана шу дард теран идрок этилади.

Бобур рубойларининг кўпчилиги ёр ва диёр мавзусига бағишланган. У назик дидли, юксак интизомли ҳамда талабчан инсон бўлганлиги учун тартиб-интизом, одоб-ахлоқ, таълим-тарбияга алоҳида эътибор берган. Бобур кузатувчи инсон сифатида турли вазиятлардаги ходисалар шоҳиди бўлган. Унинг ўзига хос қарашларидан бири шуки, вафосизлик одобдан эмас, бундай ҳодиса ноинсонийликдир. Агар бунинг замирида манфаат, хусусан, очкўзлик ҳам мавжуд бўлса, бундай одамни нима деб аташ керак?

*Кечрак келасен, бу хастадин тўйдунгму?*

<sup>17</sup> З.М.Бобур. Девон. Т.: «Фан» 1994 йил. Кейинги мисоллар ҳам айни наҳрдан олинди.

*Дил саҳфасидин ҳарфи вафо йўйдунгму?*

*Номус, уят керак, уй, от саҳлдурур,*

*Юз кўй учун ул эшикка юз кўйдунгму?*

Бобур рубойларининг кўпчилиги шаклан етук ва бадийи жиҳатдан баркамолдир. Шоир рубойларида халқ жонли тилидан кенг фойдаланган, жуда равон, киши дилининг нозик туйғуларини қитикловчи шўх мисралар битади. Юқоридаги рубойда ҳам бу нарса ўз аксини топган. Айинқса, юз кўй (юз дона кўй) ҳамда юз кўй (юзни эшик остонасига кўймок) сингари шаклдош сўзлар туфайли юзага келаётган сўз ўйини рубойнинг жарангдорлигини, унинг таъсирчанлигини оширади. Худди шу ҳолат учинчи мисрада кўзда тутилган (“Номус, уят керак, уй, от саҳл дурур”) шоир ниятининг бўртиб юзага чиқишини таъминлайди.

Маънавий-ахлоқий мавзу шарқ адабиётида ҳамиша етакчи бўлиб келган. Маълумки, панд-насихат қанча ихчам ва ёрқин ифодаланса, унинг таъсирчан ва жозибадорлиги ортади. Бобур рубойларида ҳикматли сўзлар фалсафий мазмунни ифодалашда жуда қўл келади. Шоирнинг рубойлари ихчам ва лўнда. Улар жуда катта маърифий ва тарбиявий аҳамиятга эгадир. Уларни ёш авлодга етказиш уларнинг баркамол инсон сифатида шаклланишлари учун мустаҳкам замин бўлди. Бундай имкониятларни Бобурнинг бутун ижоди бўйича ҳам, унинг алоҳида бир шеъри бўйича ҳам кўрсатиб бериш келажакдаги муҳим вазифаларимиздан бири бўлиб қолади.

## Детектив асарларда руҳият

*Нуриддин Ўқтимова  
сталаба*

Кейинги йилларда ўзбек адабиёти жанр ва мавзу эътибори билан бениҳоя бойиб, таъбир жоиз бўлса, осмонларга ўрлаган бакувват дарахт янглиғ чуқур илдири отиб бормоқда. Одатда, дарахтнинг кўрки, бор фазилати унинг меvasи билан ўлчанади. Масала адабиёт, хусусан, ўзбек адабиёти бўлгач, унинг салмоғини шу тилда яратилган сара асарлар, ўқиб ҳузур қилиш мумкин бўлган ижод намуналари ташкил этиши шубҳасиз. Дарахтнинг мазали мева бериши, умрини ўзи эккан дарахтлар орқали асарларга бўйлашувчи, тонгдан-да эрта уйғониб, субҳи-содикни ширин уйқусидан уйғотувчи, заҳматқаш боғбонларнинг бетиним ҳаракатларига боғлиқ. Шу маънода, яхши асар ҳам осмондан ҳар кун и ёғармайди, ёхуд ёзувчи учун ҳам бундай асарни яратиш ҳамирдан қил суғуришдек беғалва иш эмас. Катта меҳнат, асабларни таранг қилувчи машаққат ва, албатта, яратувчининг ўзи юктирган истеъдод керак бўлади. Минг шукрки, адабиётимиз ганжинасида ана шундай соҳиб иродир истеъдодлар талайгина. Бирок, биз ушбу мақоламизда детектив жанри тараққиётига сезиларли ҳисса қўшган ардоқли адибимиз Тохир Малик ва унинг ижоди ҳақида бақадри ҳол сўз юритмоқчимиз. Ушбу жанрнинг камол топишида, халқчил жанрга айланишида атоқли адиб Тохир Малик ўзининг бекиёс асарлари билан жуда катта ҳисса қўшган.

Кейинги йиллар мобайнида ўзбек дегенда адабиётни тасвирлашиб, ушбу жанрда кўплаб асарлар яратилиб, китобхонлар кўшиқларга элдирилмакда. Детектив сўзи лотин тилида *очам* деган маъно аглаган. Живот оламнинг криминал ишлари, қалтис қилгиликлари ва чигалликлари бирин-кетин китобхон кўз ўнгига ўта кизиқарли тарзда, мапик ва фавкулдада хайратангиз зако кучи билан очилади. Лекин, таъкидлашни истардимки, бугунги кун детективи «калавнинг учини топишдан кўра» инсоннинг рангин рухиятидаги турфа кечинмаларни ўзида акс эттиришни афзал кўрмоқда. Бунга мисол сифатида «Шайтанат» асарини кўрсатишимиз мумкин. Асардаги инсон рухий кечинмаларини адиб мохирона қаламга олган. Қиссада, асосан, бош қаҳрамон ва унинг атрофидаги персонажларнинг рухий кечинмалари акс этган. Бош қаҳрамон Асадбек ҳар йили 31 декабрь куни янги йилни фақат Эски Шаҳардаги ота уйида ҳеч кимсиз, яқка ўзи қоронғи бир хона ичда, танчага ўтириб олганча ўтказди. Унинг кўриқчи йиғиллари эса ҳар йили ушбу хун туни билан кўчада қоравуллик қилиб чиқишади. Фақатгина 31 декабрь куни эмас, балки, сикилган, ҳаёт ташишларидан қарчаган пайтларини ҳам ўша ерда ўтказди. «Асадбек болалиги ўтган уйга қадам босганда ўпкаси тўлиб, йиғлагиси келади. Бўзги фарёд тўлқинларига тўғон бўлса – да, китриклари ёш дарёсини тўса олмади. Чувринди унинг ҳолатини билиб, Кесақполвонни тўхтатди. Икки аён ҳолида қолишди. Асадбекнинг ҳаёлида онаси уйда ўтиргандек, «болам, адонгни кўриб келдингми?» деяётгандек эди. Ичкари уйда Самандар хаста овози билан «Саманд, қанотийни наслаб ўт...» дегандек бўлди. Асадбек тургани даҳанани тираб анчагача ўтирди. Кўзларидан ёш қоплаверди. Бўзгани қилиб йиғилмастган фарёд юрагини эзгиларди<sup>18</sup>». Мана шундай рухият тасвири китобхонлар ажиб бир ҳис уйғотади. Бундан ташқари Кесақполвон (Хайдар)нинг айрим хурман қиликлари, ўта разилликлари, гийбатчилик, ўз шерикларини кўрпомаслиги, энг асосийси, хожаси (Асадбек)дан кейин салтанатни қўлга олиш ҳақидаги ўйлари, Чувринди (Махмуд)нинг бу ўринга ўтириб олишидан ҳавфсирашлари китобхонда унга нисбатан ғараз уйғотади.

Қиссадаги Зайнаб образи эса, каминанинг фикри оқишчи, ёзувчи ушбу қаҳрамонини атоқли ўзбек адиби А.Кодирийнинг «Ўтказ қунлар» асаридаги Кумуш образига айнан антоним (зид) қилиб олган. Ўзи Зайнаб бўла туриб, Кумуш образига меҳр қўйган. Ўзини у Кумушбибининг ўрнида тасаввур қилади. Зайнабнинг гиёҳванд бўлиб қолиб, Мардонага қўшилиб ҳар хил ёмон ишларни қилиши ўқувчини бир сескантурса, ўзини Кумушбибининг ўрнига қўйиб, севгилиси Отабек (Жамшид)дан деярли ҳар куни ишқий мактублар олиб, ҳаёлан у билан қурган суҳбатлари, сувдай зилол ва поқ севгисига қалбан, руҳан берилиши китобхоннинг психикасига сал бўлса-да таъсир кўрсата олади. «Зайнаб чалқанча ётиб, ойга тикилди. Ой қачонлардир бир гуноҳ қилиб, юзи шармандалиқдан доғ бўлиб қолган экан. Неча минг, балки,

<sup>18</sup> Қарағ. Т. Малик «Шайтанат». 2-китоб Т. Шарк НМАК 2006. 360 бет. Бундан кейинги мисоллар ҳам айни нашрдан олинди.

миллион йилдан бери буювни кетказма олмайди. Балки ой одамлардан уялгани учун ҳам тундо чиқар. Менчи, бир қадам қолган экан-а... Мени Кумушбибининг руҳи сақлаб қолдимиз? Шундайдур. Балки, деразадан тунашган нур ойники эмас, Кумушбиби руҳининг нуридур. Қани энди шундай бўлса. Қани эди. Кумушбибининг руҳи ўзимни, уйимни садоқат, поклик нури билан ўраб ҳимоя қилса Қани эди. Отабек бегимнинг руҳи эримнинг юрагига муҳаббат оташини берса. Энди Отабеклар йўқ. Кумушнинг захарлиниб ўлгани бир эҳтиятдан яхши бўлган экан. Агар дунё айланиб ҳозир тунда қолди? Ҳозир тундуса, Кумушбиби бўла олмасди. Ўзи айтаётган Тупроққибил бўлармиди. Ҳудои менга ўхшаб. Мен Тупроққибил эмасманми ахир?...» Зайнаб изи каби ҳаёлларга берилиб, яна мудради» (313-бет).

Асарда яна бир образ бор. Бу Анвар образи. Анварни «Шайтанат» нинг файласуфи десак, янглишмаган бўламиз. У руҳий касалликлар шифохонасида ётганида дунёнинг формуласини тузади. Анвар соғ бўлса ҳам ўзини жиннига солиб юради, бу касалхонада ётганларни жинни эмас, аксинча кўчадагиларни жинни ҳисоблайди. Бунга сабаб шуки, касалхонада ётганлар ўзгаларга, ўз шерикларига ҳеч ҳақон ёмонлик қилишмайди. Бир-бирини ранжитишмайди. Ташқаридагилар эса соғ бўла туриб, бунинг акси. Анвар шундай ҳисоблайди. «Анвар фавора ёнидан ўтаёттиб, беғистиёр тўхтади. Ҳовуз юзаси анча қирланган, Ҳудо фаросатдан қисган одамлар ташлаган сигарет кутилари, қоғоз парчалари, яна алланма балолар сув юзасида қалқиб турибди. Қирланган ҳовузнинг нақ ўртасида шиддат билан кўкка қараб отилаётган сув Анварнинг диққатини тортди. Бу фавора ёнидан кўп марта ўтган, ҳовуз сатҳининг ифлослиги ва сувнинг шиддат билан отилишини кўп марта кўрган, аммо бу манзара ҳаётини бутунлай тортмаган эди.» (185-бет).

Ҳужоса қилиб айтганда, детектив асарларни фақат ур-йиқит, котиллик, қобохат, разолат ва қабиллик каби жиний олам кирдикорлардан иборат ижод намунаси десак адашган бўламиз. Юқорида таъкидлаганимиздек, детектив асарларда ҳам инсоннинг бетизгин руҳияти, кайфияти билан боғлиқ кўнгил кечималари акс этади. Руҳий кечинмалар тасвири китобхонни фикрлашга, қаҳрамон кўнгилдаги туйғуларга ҳамроҳлик ҳамда энг яқин дарддошлик ҳиссини шакллантиришига хизмат қилади.

### Тарихий жараёнларнинг статистик таҳлили (IX-XII асрлар мисолида)

Акmalжон Тулаганов  
тадқиқотчи

Ҳозирги кунда тарих фанига қизиқиш тобора ортиб бормокда. Дарҳақиқат, тарих сабоқлари келажак пойдеворидир. Ҳар бир халқ буюк келажagini куриш учун ўз тарихини яхши билиши, ундан тўғри сабоқ чиқара билиши керак. Ўз тарихини билмаган халқнинг келажagini ҳам бўлмайди деб бежиз айтилмайди.



Тарих фақат воқеаларнинг оддий баёни эмас, балки тарихий жараёнларнинг чуқур таҳлили ҳамдир. Ўз тарихини мукаммал билган, у билан гурурланадиган баркамол ёш авлодни тарбиялашга тахлилий материаллар муҳим аҳамият касб этади.

Тарих фани тарихий жараёнларни ёритишда турли хил фанлар билан алоқада бўлади. Тарих фанининг математика, статистика билан боғлиқлиги аҳамият касб этади. Тарихни ўрганиш давомида биз жуда кўплаб рақамларга дуч келамиз, албатта тарих фанини саналарсиз тасаввур қилиш қийин. Инсоният тарихида турли хил ҳисоблар мавжуд, жумладан миллоддан аввалги, милодий, ҳижрий, қамарий йил ҳисоблари маълум. Тарих фанига асосан миллоддан аввалги ва милодий йил ҳисобидан фойдаланилади. Ватанимиз тарихини ёритувчи кўплаб тарихий манбаларда ҳижрий ва қамарий йил ҳисобидан фойдаланилган. Турли хил ҳисобларини бир хил тизимга солишда тарих фани, математика, статистика фанлари билан яқиндан ҳамкорлик қилади. Ушбу фанларни ёрдамга чақирган ҳолда инсоният тарихини ва ундаги йил ҳисобларини таҳлил қилсак, биз кўплаб кизиқарли далиллар, таққослашлар, тафовутлар ва ўхшашликларнинг гувоҳи бўлишимиз мумкин.

Аввало, ҳозирги кунда катта мавқега эга бўлган, ҳар бир давлатнинг ажралмас қисми ҳисобланган статистика атамасига бир оз тўхталиб ўтсак. “Статистика” атамаси латинча “статус” сўзидан олинган бўлиб, ҳодисаларнинг ҳолати, аҳолини билдиради. “статус” сўзи негизидан “стат” – давлат, “стату” – давлатни билувчи, “статустиса”, яъни давлат тўғрисида муайян билим, маълумотлар йиғиндиси деган тушунчалардан келиб чиққан.

Статистика кўп асрлик тарихга эгадир. Айрим маълумотларга кўра, эрамыздан 3 500 йил илгари Мисрда аҳоли ҳисоби (рўйхати) ўтказилган. Статистика фани XVII асрнинг охирларига келиб мустақил фан сифатида шакллана бошлаган. Гап шундаки, статистикада ўрганадиган муаммоларнинг асосий қисми сонлар воситасида табиийроқ ва осонроқ ифодаланади. Бунга кундалик газета ва журналларнинг иқтисодий ва тарихга бағишланган сатрларини кўришимиз билан ишонч ҳосил қилишимиз мумкин.

Европа ва Ўрта Осиёдаги сулолалар тарихига мурожат қилар эканмиз, куйидаги статистик таҳлил ва тафовутни кўришимиз мумкин.

Европа: 1) Каролинглар сулоласи (768-987) 219-йил умр кўради, сулоланинг энг буюк ва энг кўп, 46 йил ҳукмронлик қилган ҳукмдори Буюк Карл (768-814) ҳисобланади;

2) Саксония сулоласи (919-1024) 105 йил умр кўради ва энг кўп, 37 йил ҳукмронлик қилган ҳукмдори И. Отгон (936-973);

3) Франкония сулоласи (1024-1125) 101 йил умр кўради ва энг кўп 50 йил ҳукмронлик қилган ҳукмдори И.В. Генрих (1056-1106);

4) Штауфенлар сулоласи (1125-1268) 143 йил умр кўради ва сулолани энг кўп 38 йил бошқарган ҳукмдор Фридрих И. Барбаросадир (1152-1190);

5) Капетинглар сулоласи (987-1328) 341 йил умр кўради ва сулолани энг кўп, 43 йил бошқарган ҳукмдор Людовик XII (1137-1180) ҳисобланади;

6) Улуғ Моравия давлати (818-906) 88 йил умр кўради ва бу давлатни энг кўп, 28 йил бошқарган ҳукмдори Маймирдир (818-846).

Ўрта Осиё: 1) Тоҳирийлар сулоласи (821-873) 52 йил умр кўради, бу сулолани энг кўп, 18 йил бошқарган ҳукмдори Тоҳир ибн Абдуллоҳ (844-862) еди;

2) Сомонийлар сулоласи (892-1005) 113 йил умр кўриб, сулолани энг кўп, 29 йил бошқарган вакили Нас ибн Аҳмад (914-943) хисобланади;

3) Ғазнавийлар сулоласи (962-1183) 221 йил умр кўради ва бу сулолани энг кўп 40 йил бошқарган ҳукмдор Иброҳим ибн Мас'уд (1058-1098) хисобланади;

4) Қорахонийлар сулоласи (927-1212) 285 йил умр кўради ва сулолани энг кўп, 16 йил бошқарган хон бу Туғрул Қорахон (1057-1073) хисобланади;

5) Салжуқийлар сулоласи (1040-1157) 117 йил умр кўради ва сулолани энг кўп, 39 йил ва энг буюк султони Султон Санжар (1118-1157) саналади;

6) Ануштегинийлар сулоласи (1097-1231) 134 йил умр кўради ва энг кўп 31 йил ҳукмронлик қилган сулола вакили Қутбиддин Муҳаммад (1097-1128) хисобланади.

Кўриниб турибдики, IX-XII асрларда Европа ва Ўрта Осиёда 6 тадан сулоланинг ҳукмронлик йилларини солиштирдик. Европадаги 6 та сулоланинг ўртача умр кечирганини кўрсак, ҳар бир сулола 183 йил умр кўрганлиги ҳосил бўлади.

Ўрта Осиёда эса бу кўрсаткич бир оз пастроқ, 153 йилни ташкил этди. Энди сулолаларнинг энг кўп бошқарган ҳукмдорларнинг ўртача кечирган умрини кўрадиган бўлсак, Европада ҳар бир ҳукмдор 38 йил, Ўрта Осиёда эса яна бир оз паст кўрсаткич, 29 йилни ташкил этади. Европада Ўрта Осиёга нисбатан сулолаларнинг узоқ умр кўриши ва ҳукмдорларнинг сулоланинг узоқ муддат бошқариш кўрсаткичи юқоридир, лекин иқтисодий, сиёсий, маданий турмуш-тарзи жиҳатидан эса анча орқада қолиб кетган эди.

Ўрта Осиё уйғониш (ренессанс) даврини бошдан кечириб, гуллаб яшнаётган бир пайтда Европада энди-энди феодаллашув жараёнлари амалга оширилаётган пайт эди.

#### Фойдаланилган адабиётлар рўйхати.

1. Семёнов В.Ф. Ўрта асрлар тарихи. –Т., “Ўқитувчи” 1980.
2. Аъзамов А. Мустақил Ўзбекистон-тарих силсилаларида. –Т., 1992.
3. Аҳмедов Б.А. Ўзбекистон тарихи манбалари. –Т., “Ўқитувчи” 2001.
4. Асқаров А. Ўзбекистон халқлари тарихи. II жилд, –Т., “Фан” 1992.
5. Муртазайева Р.Х. Ўзбекистон тарихи. –Т., “Янги аср авлоди” 2003.
6. Азамат Зиё. Ўзбек давлатчилиги тарихи. –Т., “Шарқ” 2000.
7. Шамсугдинов Р. Ватан тарихи. –Т., “Ўзбекистон” 1997.
8. Стенли Лен-Пул. Мусулманские династии. Москва-Тошкент-Бўшкент, 1996.

# ТИЛГА ЭЪ ТИБОР



Инсоннинг ботиний оламидаги турфа туйғулар, ранго-ранг ўйлар, адоксиз орзу-умидлар, бетизгин кайфиятнинг минг бир жилваси наср аталмиш мухташам майдонда бор бўй-у балоғати билан намоён бўлади. Бу хайратангиз ҳодисанинг бетакрор бадий бўёқларда намоён бўлиш тарзи ҳамма замонларда ва ҳамма халқларда тадқиқотчилар эътиборини мунтазам ўзига тортиб келган. Маҳоратли мусаввирнинг тасаввур уфқини унинг мусаххар бўёқлари орқали кашф этамиз. Соҳир соз соҳибининг қалб туғёнларига унинг бетакрор басталари орқали ошино бўламиз. Ҳайкалтарош эса ўзини намоён қилиш йўлини тупроқдан қидиради. Санъатга алоқадор асрорангиз соҳа – рақсга эҳтиром эса эътироф этмоқ керакки, унинг намоён бўлиш тарзи ҳисобланувчи ҳузурбахш ҳаракатлар туфайлидир. Адабиётнинг мавжудияти эса шубҳасиз сўзdir. Сўзки, дунёи дуннинг яралишига восита бўлган моя. Сўзки, оламларнинг гултожи Одамнинг яралишига сабаб бўлган илоҳий амрнинг қиёфаси. Қадимги ҳинд ведаларида сўз тамомила илоҳлар илоҳи сифатида тасаввур қилинган экан: «Ҳайвонлар, инсонлар ва барча яратилмишлар сўзга тобедир. Сўз абадийдир. Аввал ҳам бор эди, кейин ҳам бўлажак. Ведаларнинг онасидир сўз. Илоҳлар дунёсининг ибтидоси, тамал тошидир сўз». Бундай фикр ҳазрат Навоий асарларида ҳам учрайди:

*Сўз келиб аввалу жаҳон сўнгра,*

*Не жаҳон, клян ила макон сўнгра.*

Яна:

*Авалу охирингга солғил кўз,*

*Бил ҳам аввал сўзу ҳам охир сўз.*

Яратганинг муқаддас каломи ҳам сўз шамойилида намоён бўлганлиги инобатга олинса, сўзнинг том маъноси билан йўқни яратиш куроли эканлиги ойдинлашади. Бадий адабиёт ана шундай буюк даъвои – яратувчиликни тақазо қилади. Ўзбекнинг ардоқли адиби, буюк маърифатпарвар Абдурауф Фитрат адабиётнинг матлаби «яратмоқ» эканлигини таъкидлаган эдилар. «Адабиёт – фикр, туйғуларимиздаги тўлқунларни сўзлар, гаплар ёрдами билан тасвир қилиб, бошқаларда ҳам худди шу тўлқунларни яратмоқдир».

Одагда, бадий асарнинг ўзига ҳослигини белгилашда асар мавзусининг кўлами, қамрови, қаҳрамонлар олами, ёзувчининг бадий нияти ва танлаган ифода тарзига таянилади. Адабиёт илмининг билимдонлари бадий асарнинг моҳиятини, эстетик қимматини белгилашда бирламчи унсур «поэтик тил» бўлиши лозимлигини уқтирадилар. Бу ўринда йирик адиб ва адабиётшунос П.Қодировнинг куйидаги фикрлари ҳам алоҳида диққатга сазовор: «Ҳайкаллар мисдан, мәрмардан ясалади, бинолар гиштдан, ойнадан, пўлатдан қурилади. Адабий асарда миснинг ҳам, мәрмарнинг ҳам, пўлат ва гиштнинг ҳам ўрнига бадий сўз ишлатилади. Адабий асарнинг музика,

рассомлик ва бошқа ижод соҳаларидан фарқи унинг оҳанглар, чизиклар, бўёқлар воситаси билан эмас, сўзлар воситаси билан яратилишида кўринади. Демак, бадий тил ҳар қандай адабий асарнинг спецификасини белгилайдиган энг асосий кўрсаткичлардан бири ҳисобланади. Бадий тил назарияси эса адабиёт назариясига оид масалаларнинг биринчи қаторида туради”<sup>19</sup>.

Бадий адабиётнинг бирламчи унсурини белгилаш билан боғлиқ бундай муқояса-мулоҳазалар бошқа машҳур тадқиқотчилар томонидан ҳам ўтган асрнинг бошларидан бери айтиб келинади. Ўз даврининг улкан ва серқирра филологи В.М.Жирмунскийнинг 1919 йилда нашр қилинган “Поэтиканинг вазифалари” номли мақоласида мана бундай фикрларни кўриш мумкин: “Ҳар қандай санъат табиат оламига мансуб бўлган муайян бир материалдан фойдаланади. Санъат ўз тасарруфидаги усуллар ёрдамида бу материални махсус ишловдан ўтказиши; ишлов оқибатида табиий ашё (материал) эстетик ашё қимматини олиб юксалади, бадий асарга айланади. Табиатнинг хом материали ва ишланган санъат материални киёслаб, биз унинг бадий ишловдан ўтказиш усулларини аниқлаймиз. Санъатни ўрганишнинг вазифаси муайян асарнинг, шоирнинг ёки тарихий планда ёхуд киёсий ва систематик тартибда яхлит даврнинг бадий усул (приём)ларини тавсифлашдан иборат. Масалан, мусикий асарда муқаррар – нисбий ва мутлақ – баландликка, муайян давомийлик ва кучга эга бўлган ва ритм, оҳанг ҳамда гармониянинг бадий шаклларига тушиб, у ёки бу бир вақтликлик ва кетма-кетликда жойлашадиган товушлар мусиканинг материалидир. Рангтаъсир шакллари тарзида чизилган, чизиклар ва бўёқли доғларнинг кўшилмаси ўлароқ текисликда жойлашадиган кўриб идрок қилинадиган шакллар рангтаъсирнинг материалидир. Поэзияни ўрганиш бошқа ҳар қандай санъатни ўрганишда бўлгани каби унинг материални ва бу материалдан бадий асар яратиш усулларини аниқлашни тақозо этади”<sup>20</sup>.

В.М.Жирмунский бу йўналишдаги фикрларини давом эттирар экан, филологияда узок вақт давом этиб келган “Поэзиянинг материали образлардир” қабилидаги қарашларнинг асосли эмаслигини далиллайди ва шундай таъкидлайди: “Поэзиянинг материали образлар эмас, эмоциялар эмас, балки сўзидир. Поэзия сўз санъатидир, поэзия тарихи сўзчилик (“словесность”) тарихидир”<sup>21</sup>. Чиндан ҳам, бадий адабиётда, айниқса, поэзияда образнинг ўрни ва бажарадиган вазифаси қанчалик муҳим, ҳатто айрим ҳолатларда ҳал қилувчи бўлмасин, у сўздан, тилдан ажралган, алоҳида ҳолда мавжуд бўлолмайди. Сўзсиз образнинг ўзи йўқ. Бу ўринда XX аср бошлари рус шеърятининг бетакрор шоири ва ҳассос адабиётшуноси А.Блокнинг “Ҳар қандай шеър бир неча сўзнинг тифига тортилган чойшабдир. Бу сўзлар юлдузлар каби чакнаб туради. Ана шу сўзларга кўра

<sup>19</sup> Адабиёт назарияси. 2 томлик. 1-том. Адабий асар. -Тошкент: Фан, 1978, 312-бет.

<sup>20</sup> Жирмунский В.М. Теория литературы. Поэтика. Стилистика. -Л.: Наука, 1977, с.18.

<sup>21</sup> Жирмунский В.М. Кўрсаткичлар асар, 22-бет.

шеър мавжуддир”<sup>22</sup>, деган гапларини эслаш фойдадан холи бўлмайди. Бу бенихоя образли ифодада сўзнинг, образнинг эмас, шеър учун тўла асос эканлиги чиройли таъкидланган.

Д.Н.Шмелевнинг “Сўз ва образ” номли китоби образ яратишда тилнинг ўрни ҳақидаги ҳақиқатнинг мана бундай эътирофи билан бошланган: “Тил — бу нафақат инсонларнинг асосий алоқа воситаси, фикрларни шакллантириш, ҳис-туйғу, истак ва шу кабиларни ифодалаш воситаси, балки бадий адабиёт образлари бурканадиган реал ташқи шакл ҳамдир”.<sup>23</sup>

Албатта, дунёни билишнинг асосий йўли бўлган мантиқий тафаккур бўладими, оламни идрок этишнинг бошқа бир ўзига хос усули бўлган образли тафаккур бўладими, барибир, тил ва тафаккур диалектикаси ҳаммаша мавжуддир, яъни тилсиз тафаккурнинг, тафаккурсиз эса тилнинг яшashi мумкин эмас.

Тил, унинг бирликлари бадий адабиётга олиб кирилгунга қагар ҳам муайян моддий шакл ва мазмун, маънонинг бирлиги сифатида мавжуддир. Ўз лексик, грамматик маъносига эга бўлган сўз, сўз бирикмаси, гап каби тил бирликлари ёзувчининг бадий мақсадига бўйсундирилган ҳолатда т-гишли бадий-эстетик мазмунни юзага чиқариш, ифодалаш учун қўлланади. Шу тарих аввалдан маънога эга бўлган тил бирликлари бадий асарнинг лисоний тўқимасини шакллантирар экан, улар ижодкорнинг бадий маҳоратига уйғун равишда яна янги, ўзига хос бадий маъно-мазмунларни инкишоф қилади.

### Семантик бирикувчанлик нуктаи назаридан лексик маъно турлари

*Мухайё Ҳақимова*

*филология фанлари номзоди*

Маълумки, лексик маънолар турли томонлардан тасниф қилинади. Лексик маъноларнинг бошқа маънолар билан синтагматик боғланиб, контекстлар ҳосил қилиш имкониятлари, яъни семантик бирикувчанлиги турличадир. Лексик маъноларни семантик бирикувчанлик нуктаи назаридан эркин ва боғлиқ маънога ажратиш мумкин.

Кўплаб боғланишлар ҳосил қила оладиган маънолар семантик бирикувчанлик нуктаи назаридан эркин маънолар дейлади. Эркин маъно мантиқан бирикиш мумкин бўлган ҳамма лексемалар билан бирика олади. Бош маънонинг боғланиши эркин бўлади. Аксарият ҳолларда, нафақат бош маъно, балки ҳосила маънолар ҳам эркин маъно бўла олади. Масалан, *тил* лексемасининг бош маъноси билан бирга ҳосила маъноларининг аксарияти ҳам эркин маъно ҳисобланади. *Тил* лексемасининг «фикр ифодалаш ва ўзаро алоқа қуроли бўлиб хизмат қиладиган товушлар, сўзлар ва грамматик

<sup>22</sup> Иктибос ушбу китобдан олинди: Тимофеев Л. Слово в стихе. - М.: Сов. писатель, 1982, с. 338.

<sup>23</sup> Шмелев Д.Н. Слово и образ. - М.: Наука, 1964, с.3.

воситалар системаси) маъноси ҳосила маъно бўлиб, унинг боғланиши эркиндир: *тилки билмоқ, тил ўрганмоқ, она тили, тил тарихи, тил бирликлари, ...*

Боғлиқ маъноларнинг синтактик боғлана олиш имконияти мантикийлик нуқтаи назаридан эмас, балки тил имкониятлари билан чегараланган бўлади. Боғлиқ маъноларни рус тилшуноси В.Виноградов 3 турга ажратади<sup>24</sup>:

1. Фразеологик боғланган маънолар
2. Синтактик чегараланган маънолар
3. Конструктив шартланган маънолар.

Фразеологик боғланган маънолар деб фақат муайян санокли сўзлар қуршовидагина реаллашадиган маънога айтилади. Бунда маъно мантикийлик нуқтаи назаридан эмас, балки муайян тилнинг ички қонуниятлари асосида боғланишлар ҳосил қила олади. Масалан, *маъиз* ва *қаймоқ* лексемасининг «асосий мазмуни» маъноси, асосан, *гап* лексемаси билан боғланганда реаллашади: *гапнинг маъизи, гапнинг қаймоғи*.

*туз* лексемасининг «овқат» маъноси ҳам фразеологик жиҳатдан боғлиқ маъно бўлиб, ушбу маъно «*тотмоқ*», «*емоқ*», «*оқламоқ*» каби лексемалар қуршовида реаллашади: *туз тотмоқ, тузини емоқ, тузини оқламоқ* каби. Солиштириш учун *туз* лексемасининг «овқатга маза киритиш учун солинадиган оқ, шўр модда»ни ифодаловчи бош, эркин маъносининг қуршовларини қўриб ўтамиз: *туз солмоқ, йодли туз, йодланмаган туз, майда туз, йирик туз, намаги ўтқир туз, намаги наст туз, олий навли туз* ва х.к.

Синтактик жиҳатдан чегараланган маъно деб гапда муайян вазифада келгандагина реаллашадиган маънога айтилади. Кўпинча, ҳосила маънолар синтактик жиҳатдан чегараланган бўлади. Масалан, ўзбек тилида *гул* лексемасининг «ёр, севикли аёл» маъноси, асосан, гапда кириш сўз вазифасида мурожаат шаклида қўлланганда реаллашади: *Гулим, сенга айтар сўзим бор*. Синтактик жиҳатдан чегараланган маъно ўзбек тилида жуда кам кузатилади.

Конструктив шартланган маъно деб муайян синтактик конструкциялардагина реаллашадиган маънога айтилади. Масалан, *бош* лексемасининг «чорва ҳисобидаги ҳар адад жонивор» маъноси фақат санок сонлар билан келгандагина (санок сон + бош лексемаси) реаллашади: *Ҳн бош мол, икки бош қўй*.

*Бош* лексемасининг «воқеа, ҳодисаларнинг бошланиши учун баҳона бўлган сабаб» маъноси фақат куйидаги конструкцияда воқелашади: белгили қаратқич келишигидаги от + учинчи шахс бирликдаги *бош* лексемаси. Бунда боғланишларнинг миқдори чекланмайди: *жанжалнинг боши, урушнинг боши, қулғунинг боши, бахтиёрликнинг боши, ...*

<sup>24</sup> Виноградов В. Основные типы лексических значений слова // Избр. Труды: лексикология и лексикография. М., 1977. - С.162-189.

Хулоса қилиб айтиш мумкинки, лексик бирликларнинг семантик бирикувчанлигининг аниқ ўрганилиши тил бирликларининг ҳам семантик, ҳам грамматик моҳият ва имкониятларини очишга ёрдам беради.

## Ўзбек тилида мурожаат бирликлари

Наргиза Аҳмедова  
ўқитувчи

Мурожаат бирлиги гапнинг умумий мазмуни билан боғлиқ бўлиб, гап бўлаклари билан грамматик алоқага киришмайди. У бош келишик шаклида келиб, шунга кўра эгага ўхшаб кетади. Лекин мурожаат бирлиги ундаш интонацияси, пауза билан ажратилишига кўра ҳамда кесим билан боғланмаслиги жиҳатидан эгадан фарқ қилади.

Академик Ғ.Абдурахмонов таркибида ажратилган гап бўлаклари, ундалма ва кириш сўзлар мавжуд гапларни содда ва қўшма гаплар оралиғидаги алоҳида типдаги гаплар – мураккаб гаплар эканлигини таъкидлайди. У гапда сўзларнинг алоқасини тенг ва тобе алоқа, ундалма ҳамда кириш бўлақларнинг алоқасини эса *изоҳлаш* муносабати деб номлайди<sup>25</sup>.

Ғ.Абдурахмонов ва А.Сайфуллаевлар томонидан гапнинг учинчи даражали бўлаклари сифатида тавсия этилган кириш ва ундалма каби гап аъзолари К.А.Турниёзованинг номзодлик диссертациясида мухтор (автоном) монемалар сифатида ўрганилади. Муаллиф "монема" термини орқали нутқнинг бўлинмайдиган энг кичик парчасини тушунади. Мухтор монема семантик ва синтактик фаол бўлиб, гапнинг бошқа компонентларига қарам бўлмайди<sup>26</sup>.

Тилшунос С.Мўминов докторлик диссертациясида шундай дейди: "Вазият тақозосига кўра мулоқот баъзан саломлашишдан олдин, баъзан саломлашишдан кейин адресатга қарата қилинган даъват, чакирик билан бошланади ва бу мурожаат деб аталади"<sup>27</sup>. Унингча, фақат ўзбек тилида эмас, айрим тилларда (украин, болгар ва бошқа славян тилларида) "чакирув келишиги" деб аталадиган мурожаатни шакллантирувчи махсус график восита мавжуд. Шуниси кизикки, болгар тили қачонлардир мавжуд бўлган ҳамма келишикларни унутиб, фақатгина "чакирув келишигини" сақлаб қолган<sup>28</sup>.

А.Омонтурдиев мурожаат воситалари ҳақида шундай фикр билдиради: "Мурожаат воситалари инсон муносабатининг "Бисмиллоси", нутқининг фаол компоненти бўлганлиги учун, кишиларнинг фалсафий, этик-эстетик

<sup>25</sup> Абдурахмонов Ғ. Ўзбек тили синтаксисидagi мураккаб гаплар масаласига доир // Ўзбек тили ва адабиёти масалалари. 1962 йил. №3, 5-11-б.; Шу автор. Синтаксис осложненного предложения/Структура и история тюркских языков.-М., Наука. 1971, стр.138-146; Ўзбек тили грамматикаси. II қисм. 207-208-б.;

Абдурахмонов Ғ. Ўзбек тили грамматикаси (Синтаксис). Т., "Ўқитувчи", 1996, 45-47-б.

<sup>26</sup> К.А.Турниёзова. Функциональный анализ компонентов простого предложения в современном узбекском языке. АКД. -Алма Ата. 1989, стр.13.

<sup>27</sup> С.М.Мўминов. Ўзбек мулоқот ҳулқининг ижтимоий-лисоний хусусиятлари. ДД. Тошкент. 2000, 67-б.

<sup>28</sup> Н.И.Формановская. Вы сказали: «Здравствуйте». Стр. 102.



қарашларини ўзида акс эттиради, ҳар бир даврнинг нутқий талабига, руҳиятига мослашиб боради. Натижада ҳар бир жамият, миллат, ижтимоий синф аъзолари ёки камбағал, диндор, уламо, шайх кабилар нутқига хос мурожаат воситалари шаклланган.

Мурожаат воситалари тил эгаларининг дунёқараши, маънавият даражаси, ахлоқ-одоби, заковати, хусусан, воқеликка муносабати, нутқий маданиятига бевосита боғлиқ<sup>29</sup>.

Ш.Акрамов, М.Бошмонов, М.Мамадиевалар томонидан ёзилган “Ҳозирги ўзбек адабий тили (синтаксис) фанидан конспектив курс” номли кўлиланмасида мурожаат бирликларига шундай таъриф берилади: “Гапнинг конструктив қурилишида зарурий тарзда иштирок этадиган, синтактик жиҳатдан гап учун муҳим облигатор вазифасини ўтайдиган синтаксис предмети ундалма ҳисобланади. Ундалма гап қурилишида энг муҳим воситалардан бири ҳисобланиб, у гап умумий мазмуни билан алоқадор ва ҳаминша *гап кенгайтирувчиси* вазифасида кела олади”<sup>30</sup>. Гап кенгайтирувчилари гап таркибидаги шундай зарурий бўлақларки, улар гапнинг умумий лисоний маъносини билан узвий боғланган бўлиб, гап асосига алоқадордир. Бошқача айтганда, гап кенгайтирувчилари гапни шакллантиришга хизмат қилувчи кесимлик кўрсаткичларининг умумлашма маънолари билан алоқада бўлади<sup>31</sup>. Демак, мурожаат бирликлари гап бўлақлари билан грамматик жиҳатдан боғланмаса-да, гапнинг асосий мазмуни билан алоқадор зарурий қисмлардан биридир.

Гап конструкцияларига тизим сифатида ёндашиш, шунингдек, уларнинг лисоний ва нутқий жиҳатларини фарқлаш натижасида гапда иштирок этадиган субъектив мақомдаги барча элементлар, хусусан, ундалма объектив ахборот ташувчи қисмнинг юзланишида ҳамроҳ бўлувчи нутқий элементлар сифатида тушунилади. Бунда ундалма гапнинг лисоний эмас, нутқий структурасида амал қилувчи қисм сифатида талқин этилади. Ўз-ўзидан аёнки, бундай талқинда уларга лисоний мақомдаги элементлар бўлган гап бўлақлари билан бир сатҳда амал қилувчи ҳодиса деб қаралмайди. Уларнинг лисоний структура, андаза билан муносабати моҳиятан бевосита муносабат бўлмай, балки нутқий жиҳатнинг яхлит лисоний жиҳатга бўладиган муносабатидан иборат бўлади. Шу сабабли ҳам уларни лисоний элементлар – гап бўлақлари билан бир мавқега қўйиш ёки улар орасида грамматик алоқа ўрнатишга интилиш ўринсиздир<sup>32</sup>. Қўринадики, мурожаат бирликлари гап бўлағи ҳисобланмайдиган нутқий воситалардир.

<sup>29</sup> А.Омонтурдиев. Тилда мурожаат воситалари// “Мулоқот” журн. 2003, №1, 33-6;

А.Омонтурдиев. Ўзбек нутқининг эвфемик асослари. Тошкент, 2000, 43-6.

<sup>30</sup> Ш.Акрамов, М.Бошмонов, М.Мамадиева. Ҳозирги ўзбек адабий тили (синтаксис) фанидан конспектив курс. 1-қисм. Фарғона. 2004, 94-6.

<sup>31</sup> Ш.Акрамов. Ўзбек тилининг гап қурилишида тўлдирувчи ва ҳол. (WPM) валентлиги аспектида. Тошкент, 1996, 47-6.

<sup>32</sup> Қарағ: Вашинов Ю.В. Полная синтагматическая модель предложения и типы её реализации в тексте//Известия типичные синтаксические значения и структура предложения. –М.: МГУ, 1969, С. 51; Бошмонов М. Соҳда гапларнинг ундалма, кириш ва уздовли шакл ўзгаришлари//Тил ва адабиёт таълими. Тошкент, 1998, 42-47-6.

Н.И.Формановскаянинг таъкидлашича, "...мурожаат бирлиги ёрдамида нуткий алоқа ўрнатилди, сўзловчи тингловчига ниманидир айтиш имконига эга бўлади ва мурожаат бирлигининг апеллатив, контакт (фатик) вазифаси юзага чиқади"<sup>33</sup>. Мурожаат бирлиги шундай нуткий воситаки, у нафақат "алоқани ўрнатиш", балки "алоқани ушлаб туриш, мустаҳкамлаш, давомийлигини таъминлаш"<sup>34</sup> вазифасини ҳам бажаради.

Мурожаат бирлиги, В.Е.Гольдин фикрича, кишиларнинг мулоқот қилишлари, мулоқот субъектлари орасида алоқа ўрнатиш, томонларни яхлит мулоқот жараёнига бирлаштириш учун хизмат қиладиган универсал турдаги асосий воситалардан биридир<sup>35</sup>. Мурожаат бирлиги "сўзловчи ва тингловчи ўртасидаги ижтимоий муносабатларни кўрсатувчи индикатор"<sup>36</sup> ҳисобланади.

Тадқиқотчи З.Ақбарова ўзининг "Ўзбек тилида мурожаат шакллари" мавзусидаги номзодлик ишида мурожаатнинг ижтимоий моҳиятини социолингвистик планда ўрганиб чиқади. Уни ифодалашнинг социолингвистик ва психолингвистик омилларини, мурожаат лексикосининг турли белгиларига кўра таснифини кенг ёритиб беради, яъни мурожаатни кенг планда вербал ва новербал усуллар (имо-ишора, ранглар, турли фонцион воситалар) билан ифодаланган турларини ҳам тадқиқ қилади<sup>37</sup>. Бизнинг ишимизда эса фақат лисоний воситалар орқали реаллашадиган мурожаат, яъни ундалма тадқиқ объекти қилиб олинган.

Демак, мурожаат бирликлари дастлаб ундаш сўз, ундаш оти терминлари билан, сўнг ундалма термини билан юритиб келинади<sup>38</sup>.

Ҳар қандай мурожаат бирлиги мурожаат қилиш ва ундаш вазифасини бажаради. Баъзан бу бирлик фақат мурожаат қилиш учунгина хизмат қилади ва унда ундаш семаси бўлмайди. Масалан:

*Болалар, яхши ўқинглар – мурожаат + ундаш маъноси.*

*Болалар, мен кетдим – фақат мурожаат маъноси, ундаш маъноси мавжуд эмас. Демак, ҳар қандай ундалмада мурожаат семаси мавжуд бўлса, ундаш маъноси ҳаммасида ҳам бўлавермайди. Ҳар иккала сема ҳам мавжуд ҳолларда мурожаат маъноси бирламчи бўлиб, ундаш маъноси мурожаат асосида юзага чиқади, яъни олдин мурожаат қилиниб, кейин бирор нарсага ундалади.*

<sup>33</sup> Формановская Н.И. Культура общения и речевой этикет. М.: Издательство ИКАР, 2002. С. 116; Егращова Н.Ю. Национально-культурные особенности статусных обращений в русском языке: история и современность. КД. -М., -2006. -С. 25 // <http://www.rsl.ru>

<sup>34</sup> Савишьева Е.П. Номинации речевых интенций в русском языке и их семантико-прагматическое истолкование. АКД.1991, С.21.

<sup>35</sup> Гольдин В.Е. Обращение: теоретические проблемы. -Саратов, 1987. С.4

<sup>36</sup> Рыжова Л.П. Обращение как компонент коммуникативного акта. АКД. -М.: ИРЯ им.А.С.Пушкина, 1982.

С.3

<sup>37</sup> Ақбарова З. Ўзбек тилида мурожаат шакллари. НД. -Тошкент. 2007.

<sup>38</sup> К.Ю.Сулов. Синтактик терминлар тарихидан//Ўзбек тили ва адабиёти, 1979, №1, 18-21-бетлар.

## Предмет ва белги билдирувчи сўзларда семантик зиддиятлар

Дилдора Абдуллаева  
аспирант

Сўзларнинг антонимик муносабати улар семантикасидаги зиддият асосида юзага келади. Антонимик муносабатга асос бўлувчи зидлик сўзнинг ўзагида мужассамлашади. Аффикс сўзнинг умумий категориал маъносини ўзгартириши мумкин, ammo бир ўзакли сўзларнинг барчасида парадигматик қатордаги танитувчи семалари ўзак морфема таркибида бўлади. Шунинг учун ҳам, бир сўз ўз антонимик жуфти асосида ҳосил бўлган ҳар бир ясалма билан семантик зиддиятда тура олади:



Ушбу ҳодиса айрим ўринларда «туркумлараро антонимия» («межчастеречная антонимия»)(1), «ўзақлараро антонимия» («межкорнивой антонимия»)(2) номи билан ўрганилган. Бундай семантик муносабат нисбатан от – сифат типиде кўпроқ учрайди:

Туркум ичиде:

Туркумлараро:

A) сахий – хасис

C) сахий – хасислик

B) сахийлик – хасислик

сахийлик – хасис,

A) табиий – сунъий

C) табиий – сунъийлик

B) табиийлик – сунъийлик

табиийлик – сунъий

Юқориде келтирилган мисолларнинг B бандидаги жуфтликлар орасида A бандидаги жуфтликлар антонимияси акс этган. Яъни, сахий ва хасис сўзларидаги зид семалар сахийлик – хасислик сўзларининг антонимик муносабатини ҳам таъминлаган. Сахийлик – хасислик сўзлари сахий ва хасис антонимларининг ясалмалари бўлгани учун антоним муносабатдадир. А.С. Пардаев ушбу ҳодисага нисбатан «отраженная антонимия» терминини қўлайди(3).

Демак, A ва B банддаги антонимик муносабатларнинг асосини бир хил семантик зиддият ташкил қилган. Шундай экан, A банддаги ҳар бир сўз B банддаги ҳар бир сўз билан семантик жиҳатдан зиддир.

Мазкур ҳодиса юқориде келтирилган мисоллардаги каби сифат асосдан от ясалганда ёрқин намоён бўлади. Айниқса сифатдан –лик ясовчи аффикси асосида мавҳум отлар ясалганда асос ва ясалма семантикаси жуда яқин ҳисобланади. Туркум отга ўтган бўлса-да, предметлик хусусиятидан кўра белги хусусияти кучли бўлади (ёмон – ёмонлик каби). Ушбу ҳолатнинг ўзи ҳам бир неча кўринишларда юзага чиқади:

A) сифат туркумидаги туб сўз билан асоси сифат бўлган ясама от: кенг – торлик, кенглик – тор;

B) от туркумидаги туб сўз билан асоси от бўлган ясама сифат: қиш – ёзги, ёз – қишки;

С) сифат туркумидаги туб сўз билан от туркумидаги туб сўз: *шод* – *қайғу*  
(бу сўзларнинг зид муносабатда эканини *шодлик* – *қайғу* ёки *шод* – *қайғули* сўзларининг антонимик жуфтлик ҳосил қилиши кўрсатиб турибди)

Бундан ташқари, ясалишда ҳам фарқ бўлиши мумкин:

А) антонимик муносабатдаги ҳар икки сўздан бир кўшимча асосида ясалма ҳосил бўлади: *мағлуб* – *ғолиблиқ*, *ғолиб* – *мағлублик*;

В) антонимик муносабатдаги сўзлар ўзига хос ясалишга эга бўлади:  
*ростўй* – *ёлгон*, *рост* – *ёлгончи*;

С) антонимик муносабатдаги сўзларнинг биттаси кўшма сўз, иккинчиси сода сўз: *меҳнатсевар* – *дангасалиқ*;

Юкоридаги фикрларнинг барчаси ҳар хил ўзақли антонимларга тегишли. Бир хил ўзақли сўзларнинг антонимик муносабатида вазият бошқача бўлади. Бундай ҳолатда антонимик жуфтликнинг юзага келишида аффикс кўпроқ роль ўйнайди: *беодоб* – *одобли*, *ақлли* – *ақсиз* каби.

Туркумларао семантик зиддиятнинг даражаси ҳар хил бўлиши мумкин. Баъзида уларнинг даражаси туркум доирасидаги антонимик муносабатдан деярли фарқ қилмайди. Масалан: *тахмин* (*от*) – *ўйлаб*, *чамалаб ёки қандайдир мулоҳазага асосланиб қилинган фараз*, *чама*, *ғумон* – *аниқ* (*сифат*) – «*ҳақиқатга мос*, *ҳақиқий*».

Баъзи ўринларда эса бундай семантик зиддиятни кўрсатиб бериш қийинроқ бўлади. Масалан: *иситма* (*от*) – *совуқ* (*сифат*).

Айтиш мумкинки, сўзлар орасидаги семантик зиддият жуда кенг ходиса бўлиб, у турли сўз туркумлари орасида ҳам юзага чиқиши мумкин.

#### А д а б и ё т л а р :

1. Миллер Е. Н. Межчастеречная антонимия. – Научн. док. высш. шк. Филол. Науки, 1981, № 1, с. 78-82.
2. Джимгирова В. М. Контекст разночастеречной межгнёздовой антонимии. – Вопросы английской контекстологии. выпуск 2, с.125- 131.
3. Пардаев А.С. Отраженная антонимия в русском языке : Автореф. дис. – д-р филол. наук. Баку, 1991.

### Немис ва ўзбек мақолларида менталитетнинг ифодаланиши

*С.Баратова ўқитувчи,  
Лобар Мусаева талаба*

Менталитет ҳар бир халқ, миллатнинг ижтимоий ўзига хослигидир. У турли жамоа ёки маълум гуруҳларни табиий ҳолда ижтимоий, касбий, диний, этник ва бошқа омиллар орқали бирлаштириб туради. Менталитет ўзиги хослик ёинки алоҳида хусусият демакдир. Мазкур атамани илк бор 1691 йил инглиз лугатларида учратиш мумкин. “Mentalite” французча сўз бўлиб, “*ақл-идроқ*” маъносини билдиради ва фикрлар доираси, дунёкараш, шахсий ёки гуруҳнинг ички қайфиятларини ифодалайди.

Менталитет бу дунёни ўз қаричида ўлчаш ёхуд ўзини унда кўриш демакдир. Илмий, лексик термин сифатида “mentalite” XX асрнинг 30-

анъаналарини хурмат қилиш ва бошқа менталитетлардаги ижобий хусусиятни ўзлаштириш каби мақсадларни амалга оширади.

## Парантезаларда хусусий - яширин тагмаънонинг ифодаланиши

*Дилноза Жамолiddинова*  
аспирант

Парантез конструкциялар матн семантик структурасини мураккаблаштирувчи тил ҳодисасидир. Улар матнга тугалланган гапдан катта мазмун олиб кириш билан характерланади. Ижодкор парантезалардан ўзларининг ғоявий мақсадини инъикоси сифатида фойдаланадилар. Парантезаларда сўзловчи назарда тутган ахборот ҳар доим ҳам вербал ифода таркиби ошқора баёнга эга бўлавермайди. Кўпинча ошқора баён қилинмаган яширин мазмун кўринишларини илғаб олиш тингловчидан катта масъулият талаб қилади. Парантезаларга юкланган ёзувчининг иллокутив мақсадини, нозик ифода қирраларини англаш учун китобхон, тўлиқ матн прессупозициясидан хабардор бўлиши шарт. Зеро, матннинг ўрганилишида бевосита унинг фонетик ҳамда грамматик томонигина етарли ҳисобланмайди. Матннинг асосий моҳияти унинг мазмуний томони билан белгиланади.<sup>39</sup>

Адиб бирор воқелик тўғрисидаги пропозицияни баён этиш билан бирга бутунлай бошқа воқелик хусусидаги ахборотга ишора қилиш, унга тингловчи диққатини жалб қилишни ўз олдига мақсад қилиб қўяди<sup>40</sup>. Парантезалар эса ёзувчининг ана шу хусусий-яширин таг маъносини ифодалаш актуализаторига айланади.

*Қанча мол сўйилди, қанча қимиз ичилди, қанчалаб қашқарча ноз-неъматлар берилди, сановига етиб бўлмасди. Бойнинг ўғиллари гердайиб юришарди. Ахир отадан битмас туганмас мерос қолганини фарзандларотани қандай хурматлаб унинг хотирасини қандай эъзозлашни одамлар кўриб кўйсинда... (Э бўтам, одамлар ақл ўрнига бойлигин кўз-кўз қилишса, бу қандай ярамаслик).*

Келтирилган матн фрагменти таркибига киритилган парантеза воқеа-ходисадан қаҳрамоннинг чиқарган ҳаётний мулоҳазасини исботи сифатида ўринлашган. Контекст ҳақидаги фон билимлардан тўлиқ хабардор ўқувчи бу парантезани кимнинг нутқиغا қарашли эканини дарҳол англайди. Асар қаҳрамони Мўмин чол, ҳақиқий соддадил, қишлоқ инсони, унинг ҳаётда ўз фалсафаси бор, у қирғиз халқининг ўтмиши билан фахрланади. Миллий кадриятларини унутилиб кетмаслиги учун набирасини ҳам ривоятлар, эртақлар билан ватанпарварлик руҳида тарбиялайди. Мўмин чол нутқини парантеза сифатида киритиш орқали ёзувчи ўзининг чуқур фалсафий

<sup>39</sup> М. Қасимов «Ўзбек тилида баъдий матннинг прагматик талқини» Фил.фан.док.дис. Т., 2003, 164-6.

<sup>40</sup> М. Қасимов, Қўрилган асар, 103-6.

мушоҳадасини, миллий қадриятлар, ўзликни англаш, миллий ғурур каби туйғулар силсиласини очишга ҳам эътибор қаратади. Ёшларнинг маънавий дунёсини қашшоқлашиб кетаётганлиги, моддий бойликни кўз-кўз қилиш, манманлик каби салбий тушунча, улар ҳаётининг моҳиятини белгиловчи омилга айланиб улгураётганлигидан қаттиқ афсусланади ва улар онгига таъсир ўтказиш ниятини парантезалар зиммасига юклаб, Мўмин чол нутқи сифатида бадий матнга киритади. Бутун асарнинг моҳияти парантезаларда намоён бўлади ва у матннинг генератори вазифасига айланади. Парантеза таркибидаги *Э бўтам* ундалмасининг қўлланилиши бутун инсониятга муурожаат, хитоб сифатида янграйди. Контекстуал ҳосил қилинган ақл — бойлик лексемалари ўзаро зидланиб антитеза ҳосил қилган бўлса, тақрор сўзлар парантезалар бадийлигига, аффеқтивлигига замин яратади.

Парантезаларни таъбир жоиз бўлса, хусусий яширин таг маънони ифодалаш мақсадига кўра бадий матнда яшайди, дейиш мумкин. Чунки ижодкор бадий матнда тасвир мақсади ва руҳига мувофиқ келадиган аниқ парантезаларни сайлаб қўллаш орқали мазмуннинг энг яқин нукталари, қаҳрамон руҳияти, тасвир объектининг энг кичик қирраларигача реал кўрсатишга эришади.

*Менинг юлдузим — Қимсан акам эди. У олдимга келди. Кафтимга кўнди. Рашид абзининг мўрчасидан Фотима-Зухра келин билан қайтаётганимизда, Қимсан акам Очиқ акамни урмоқчи бўлганида, Шомурод тоғамнинг (энди менинг эрим бўлиб қолган Шомурод аканинг) никоҳ тўйи куни иккаламиз Тошкентга томошага борганимизда ... юлдузим ёнимда эди. Қўлимдан юлиб олишди.*

Келтирилган матн парчаси қаҳрамоннинг афсус, ўкинч каби ички ҳис-туйғуларини, дарду аламларини, изтиробли ўйлларини имплицит тарзда ифодалаш воситасига айланган. Матнга киритилган парантеза эса персонажнинг ҳаётида ўчмас из қолдирган у ҳали-ҳануз кўникишни истамаётган мудҳиш ҳақиқат тасвирини келтириш, унинг умри давомида оғир тош бўлиб қалбига ботаётган руҳий азобларини истифода этиш мақсадида киритилган. Парантезалар воситасида юзага чиқаётган муаллифнинг иллокутив мақсадини тўлиқ ҳис қилиш учун конситуацияга эҳтиёж сезилади. Асар қаҳрамони Робия 5 йил урушга кетган севгилисини кутади, лекин у бедарак йўқолади. Мажбурият туфайли севгилисининг тоғаси Шомуродга турмушга чиқади. Парантеза ёрдамида муаллиф урушнинг даҳшатли асоратларини, ... ду аламлар оташида куйиб қулга айланаётган бир ожиз аёлнинг ҳасратларини ёрқин ифодалаб, китобхонда ачиниш ҳиссини уйғотади.

Хулоса қилиб айтиш жоизки, парантезаларни бадий матнда чекланмаган миқдорда қўлланилиши эмас, балки бу конструкцияларни муаллифни ғоявий бадий ниятини очиб беришдаги ўрни аҳамиятлидир.

## Ҳавола бўлакли эргаш гапли кўшма гаплар

(Ўзбек халқ мақоллари мисолида)

Зулайхо Каримова  
аспирант

Халқ оғзаки ижоди тилини ўрганиш катта аҳамиятга эга. Чунки халқ поэти: ижодиди тилининг ранг-баранг бойлиги ўзининг бадий ифодасини топган. Халқ оғзаки нутқида пайдо бўлган жозибадор нарсаларни халқ поэзияси танлайди, ардоқлаб сақлайди ва тараққий эттиради. Шунинг учун халқ оғзаки ижодининг тили кишилик жамиятининг энг биринчи даврларидан бошлабқ тарихий тараққиётида муҳим роль ўйнайди.

Фольклорнинг мақол, кўшиқ ва топишмоқ каби жанрларининг мавзу доираси кенг, хилма-хил ва мазмундордир. Баъзиларида одоб ва хурмат, билим ва билимсизлик, касб-хунар, декҳончилик ҳақида гап борса, бошқаларида зolimларга, душманларга нафрат, ишёкмаслардан кулиш, Ватан муҳаббати, ақл ва фаросат, дўстлик ва ўртоқлик ғоялари ифода этилади, кишиларни топқирлик ва чечанлик руҳида тарбиялашга, уларнинг фикрлаш қобилиятини ўстиришга қаратилади.

Мақоллар фольклорнинг шундай жанридирки, содда гапларнинг баъзи хусусиятлари, боғловчисиз боғланган кўшма гаплар унда типик ҳодиса ҳисобланади. Мақол сингари бой ва бадий жиҳатдан пишиқ материалда эргашган кўшма гап ва уларда ҳавола бўлақларнинг қўлланиш доирасига аҳамият бериш жоиздир.

Ўзбек тилшунослигида эргаш гаплар (бошқа кўпгина тилшуносликлардаги каби) мазмуний – шаклий жиҳатдан 14 турга ажратилади: 1) эга, 2) кесим, 3) тўлдирувчи, 4) аниқловчи, 5) равиш, 6) ўлчов-даража, 7) чоғиштириш – ўхшатиш, 8) сабаб, 9) мақсад, 10) пайт, 11) ўрин, 12) шарт, 13) тўсиқсиз, 14) натижа эргаш гаплар.<sup>41</sup> Бу тасниф эргаш гапларнинг таснифи деб қарайдиган бўлсак, бош гапларнинг ўзини ҳам икки турга ажратиш мақсадга мувофиқдир: 1) Ҳавола бўлакли бош гаплар ва 2) ҳавола бўлақсиз бош гаплар.<sup>42</sup>

“Ҳавола бўлақ” деганда умумий тилшунослиқдаги “дейксис белгилар” назарда тутилади. Дейксис белгиларнинг моҳияти шундан иборатки, улар мазмуни – воқеа, белги нарсаларни бевосита ифодаламайди, балки уларга ишора, ҳавола қилади, шунга кўра уларни мазмунан кучсиз, бўш сўзлар сифатида қараш мумкин.<sup>43</sup> Ўзбек тилидаги худди шундай оломош ва нисбий сўзларга дейксис белгилар деб юритса ҳам бўлади. Бу белгилар кўшма гапларда ҳавола бўлақлар сифатида иштирок этиши ҳам кузатилади.

<sup>41</sup> Ғулוםов А, Аскарлова М. Ҳозирги ўзбек адаби тили, Тошкент, 187-бет.

<sup>42</sup> Нурмонов А, Махмудов Н, Аҳмедов А, Соляхўжаева С. Ўзбек тилининг мазмуний синтаксиси, Тошкент, 243-бет.

<sup>43</sup> Вейнрайх У. О семантической структуре языка. – В кн. Новое в лингвистике. Вып. V. М. Прогресс, 1970, С. 177-183.

Эргаш гапли қўшма гапларнинг айримларида бош гапдаги ҳавола бўлакнинг ўзи билан чегараланмайди. Бу ҳавола бўлак билан мувофиқ келувчи бошқа бир ҳавола бўлак эргаш гап таркибида ҳам мавжуд бўлади. Бош ва эргаш гаплардаги бу ҳавола бўлаklar савол – жавоб тарзидаги доимий қаршилантириш (оппозиция)ни ташкил этади.

Ўзбек тилида ҳавола бўлаklar шахсга, предметга, ўлчов-даражага, ўринга ёки миқдорга кўра муносабатларни ифодалайди. Эга, кесим, аниқловчи, тўлдирувчи эргаш гапли қўшма гаплар ҳавола бўлакли гаплар ҳисобланади, уларда баъзан бош гапда, баъзан ҳам бош, ҳам эргаш гапда ҳавола бўлак мавжуд бўлади. Ўлчов-даража ва ўрин эргаш гапли қўшма гапларнинг маълум қисмида ҳам икки ҳавола бўлак (ҳам бош, ҳам эргаш гапда) мавжуд бўлади. Натҳжа эргаш гапли қўшма гапларда ҳавола бўлак, асосан, бош гапда бўлади. Қолган барча эргаш гапли қўшма гаплар ҳавола бўлаксиз гаплардир<sup>44</sup>. Ҳавола бўлаklarни эргашган қўшма гап типидagi мақолларда бош ва эргаш гаплар таркибида келиши кузатилади.

Шахс билан алоқадор бўлган *ким – у* (*ўша, шу*) каби оппозицияда бўлган ҳавола бўлаklar эга эргаш гапли қўшма гапларда мослашган ҳолда қўлланади. Мақоллардан мисол келтиришимиз мумкин: *Ким нафсини тиймаса, у тўғри йўлдан сирванар. Ким ишласа, у тишлайди. Ким сенинг камчиликларингени тўғри кўрсатса, У сенинг яқин дўстинг.*

Шахс маъносига эга бўлмаган *нима – шу* (*ўша, у*), *нима нарса – ўша нарса* каби қаршилантиришларни эга эргаш гапли қўшма гап типидagi мақолларда кузатишимиз мумкин: *Қозонга нима тушса, чўмичга ўша чиқар. Нима нарса кўп бўлса, ўша нарса хор бўлади.*

Аниқловчи эргаш гапли қўшма гапларнинг икки ҳавола бўлакли турида *кимнинг – унинг, ким – унинг, қандай – шундай, қайси – ўша* тарзидаги қаршилантирилган ҳавола бўлаklar мавжуд бўлади. Бундай гапларда ҳам икки денотатив воқеа ифодаланади ва улар ўртасидаги алоқа жуда зич бўлади, чунки бундай гапларда ҳам мазмунан, ҳам шаклан ўзаро тобеланиш мавжуддир. Мақолларда аниқловчи эргаш гапли қўшма гапга мисоллар кам учрайди: *Айғир қандай бўлса, от шундай. Эл қайси йўлдан юрса, Сен ҳам шу йўлдан юр.*

Тўсиқсиз эргаш гапли қўшма гап типидagi мақолларда тўсиқсиз эргаш гапнинг кесими бўлишсиз феъл формасидаги буйруқ – истак феъллари билан ифодаланиб, эргаш гаплар таркибида *қанча, қанчалик, қандай* каби ҳавола бўлаklar иштирок этади. Шунга кўра бир ҳавола бўлакли тўсиқсиз эргаш гапли қўшма гапга мисол бўла олади: *Тулки қанча қочмасин, борар жойи – мўйнадўзнинг дўжони. Ип қанча узун бўлмасин, учи топилар.*

Ўрин эргаш гапли қўшма гаплар, асосан, икки ҳавола бўлакли бўлади. Бундай қўшма гапларда бош гап ҳам, эргаш гап ҳам денотатив

<sup>44</sup> Нурмонов А, Махмудов Н, Аҳмедов А, Соляхўжаева С. Ўзбек тилининг мазмуний синтаксиси, Тошкент, 246-бет.



воқеани ифодалайди. Бу денотатив воқеалар ўрин жиҳатидан умумийликка эга бўлади, аммо эргаш гапда ифодаланган денотатив воқеанинг содир бўлиш ўрни аниқ эмас, балки умуман айтилади, шунинг учун ҳам у қаерда, қаердаки, қаерга каби сўроқ шакллари билан ифодаланади. Бош гапда эса ана шу сўроқларга мувофиқ келувчи *ўша ерда, у ерда, у ерга* каби ҳавола бўлақлар мавжуд бўлиб, улар бош гапдаги ҳаракатнинг бажарилиш ўрнини билдиради, яъни ўрин ҳоли синтактик позицияда бўлади<sup>45</sup>. Мисол: *Игна қилёққа юрса, Ин ҳам шу ёққа юрар. Арпа қаерда пишса, Чумчуқ ўша ерда.*

Ўрин эргаш гапли кўшма гапда эргаш гап бош гапга шарт майли, Буйруқ майли формасидаги феъл ёки феъл формаси орқали боғланади. Бунда ўрин эргаш гап таркибида *қаерда, қаерга, қаердан, қайга*, бош гап таркибиде эса *у ерда, шу ерда, ўша ерда, шу ерга, шу ердан* каби ҳавола бўлақлар иштирок этади: *Эр қаерда бўлса, Шер панжаси ҳам ўша ерда. Кўз қаерда бўлса, Мехр ҳам ўша ерда. Оғриқ қаерда бўлса, Жон ўша ерда.*

Мақолларда бош гапнинг кесими эллипсисга учраган. Бу мақолларнинг ўзига хос хусусиятларидан.

Ўрин эргаш гапли кўшма гап таркибида бир-бирига мос ишлатиладиган ҳавола бўлақлар компонентларнинг тартибини ўзгартиришга у қадар йўл бермайди. Баъзан мақолларда ҳам шундай ҳолаглари кузатишимиз мумкин: *Катта арава қаёққа юрса, Кичик арава ҳам шу ёққа юрар. Сой қаёққа оқса, Тош ҳам шу ёққа думалар.*

Икки ҳавола бўлакли ўлчов – даража эргаш гапли кўшма гаплар эргаш гапли кўшма гапларнинг бошқа икки ҳавола бўлакли турларидаги каби бундай гапларда ҳам қаршилантирилган ҳавола бўлақлар мавжуд бўлади, яъни *қанча – шунча, қанчалик – шунчалик* кабилар. Бош гапда *шунча, шунчалик* каби ҳавола сўзлар мавжуд бўлади ва улар ўлчов – даража ҳоли синтактик ўрнида келади. *Қанча, қанчалик* сўзлари ҳам эргаш гапда шундай ўринда бўлади, демак, улар орасида паралелизм бўлади, икки денотатив воқеа ҳаракатнинг микдорний белгисига кўра умумийдир. Воқсалар ўртасидаги муносабат ўзаро тобеланишига кўра жуда зич бўлади.<sup>46</sup> Ўлчов – даража эргаш гапли кўшма гапларда ҳар икки компонентдаги ҳаракат ёки воқеа қиймат, даража жиҳатидан ўлчанади. Мақолларда буни кўриш мумкин: *Мехнат қанча оғир бўлса, Кети шунча ширин бўлар. Туя қанча бўлса, Жиҳози-ўшанча. Овчи овчиликни қанча билса, Айиқ ҳам қочиниқ и шунча билар.*

Мисоллардан кўриниб турибдики, икк ҳавола бўлакли эргашган кўшма гапларда бош ва эргаш гапларни боғловчи шаклий восита асосан айни ҳавола бўлақларнинг ўзи ва *-са* шарт майли кўшимчасидир. Ҳавола

<sup>45</sup> Нурмоғов А, Махмудов Н, Аҳмедов А, Солихўжаева С. Ўзбек тилининг мазмуний синтаксиси, Тошкент, 275-бет.

<sup>46</sup> Нурмоғов А, Махмудов Н, Аҳмедов А, Солихўжаева С. Ўзбек тилининг мазмуний синтаксиси, Тошкент, 290-бет.

бўлаклар кўпинча феълларнинг шарт майли формаси ёки шу функциядаги воситалар орқали бириқадиган эргашган кўшма гаплар таркибда қўлланади. Мақоллар эргашган кўшма гапнинг ҳамма турлари бўйича атрофлича шуғулланишга имконият бермайди. Чунки мақолларда эргаш гапчи кўшма гапларнинг баъзи турлари деярли учрамайди. Бу эса мақолларнинг ўзига хос структурага эга эканлигидан дарак беради.

### “Қисаси Рабғузий” асарида ундалмаларнинг тузилишидаги ўзига хосликлар

Муаззам Дедахлонова  
магистрант

Эски ўзбек тилининг илк тараккиёт даврига мансуб Носириддин Бурхониддин ўғли Рабғузийнинг “Қисаси Рабғузий” асари мумтоз адабиётимиз ва тилимиз ривожини бир қадар юксалишига таъсир кўрсатган муносиб ёлгорликлардан бири ҳисобланади. Шунини инобатга олган ҳолда, мазкур мақола асарда қўлланган ундалмалар, уларнинг қўлланишидаги ўзига хосликлар таҳлилига бағишланади.

Манба тилида учрайдиган ундалмаларни таркиби ва тузилишига кўра қуйидаги уч турга бўлган ҳолда тадқиқ этиш мумкин:

- 1) *ййғиқ ундалмалар*;
- 2) *ёйғиқ ундалмалар*;
- 3) *мураккаб ундалмалар*<sup>47</sup>.

Ййғиқ ундалма ёлғиз бир сўздангина таркиб топади: *Худайй, сен Аллахсен, мэн қулмен. (1/155)*<sup>48</sup>; *Илоҳий, мэн үләрниц дини үзэ эмэсмэн. (1/49)*

Асарда унинг *эй, йй* сўзлари билан бирга қўлланган “*эй эзиз*”, “*эй Умар*”, “*йо Расуллалх*” каби ундов сўзли мураккаб кўринишидан кенг фойдаланилган бўлиб, яқка сўз ҳолидаги ййғиқ ундалмалар жуда озчиликни ташкил қилади: *Мусā айғыл. (1/174)* *Изийй, аныма расвā қылғыл. (1/44)* сингари. Умуман олганда, ундалма чақиритиш мазмунини ифодалаганда, *ҳой, эй, э, ё* ундов сўзлари билан келади: *Эй Мўҳаммад, сэнгэ уммат эрсэ, мэнгэ қул эрмасму? (2/155); Мўждэ сэнгэ, йй Мўҳаммад. (2/121)*

Юзаки қараганда, *эй* ундови билан қўлланган ундалмада “*йй*”га нисбатан чақиритиш, даъват кучлидек таассурот қолдиради. Бироқ шу қолипдаги ҳар қандай мисолда ҳам бундай маъно англашилавермайди. Масалан: *Эй Мўҳаммад, не шигэ келдиң? (2/175)* - *Йй Мўҳаммад, нэ үчүн келдиң? (2/176)* Бу икки мисолдаги ундалмалар олдида келган ундов сўзлар бир хил оҳанг билан айтилади ва мазмунан бир вазифа бажаришга хизмат қилмоқда. Фақат биринчи ундов сўз(*эй*)нинг қўлланиши асли туркий бўлса, иккинчиси (*йй*) арабча ва ҳозирда эскирган бўлиб, кўпроқ китобий тилга хос. “Қисаси Рабғузий” диний ҳарактердаги асар бўлгани учун унда ана шу иккинчи

<sup>47</sup> Абдурахмонов Ф. Ўзбек тили грамматикаси. Синтаксис. – Т.: Ўқитувчи, 1996., 101-б. Яна қarang: Ўзбек тили грамматикаси. II том. – Т.: Фаъ, 1976., 265-б.

<sup>48</sup> Носириддин Бурхониддин Рабғузийнинг. Қисаси Рабғузий. 2 жилдлик. Т.: Ўқувчи, 1990. Қолган мисоллар ҳам мана шу биринчи ва иккинчи китоблардан олинди.

қолипдаги ундов сўзли ундалмалар анчагина учрайди. Масалан: *Йа Маләкүл мәвт, Йусуфымның жәннын әлдинмү?*(1.151) *Йа Йаъқуб, сени Йусуфму йаратды?*(1.152) Буни муаллиф асар ёзишдан олдин кўплаб арабча манбаларни ўргангани<sup>49</sup> ва ушбу асар туркий тилда мазкур йўналишдаги илк тажрибалардан бири экани билан ҳам изохлаш мумкин. Ҳатто баъзи ўринда эй, йа ундовлари бириккан ҳолда учрайди. Масалан: *Эйя Мусә, сизларни йалләвәч уруғлары қылдым.* (1.177) Бу эса ўзига китобхон диққатини янада жалб қилади.

Ёйиқ ундалма “ўзига қарашли аниқловчиси ёки изоқловчиси”<sup>50</sup> билан кенгайиб келади. *Эй араб мәлики, Теңри сенгә Мухәммаднинг иззәтин көргүчча узун йиш берсун.* (2/108) Асарда ундалмага берилган таърифга мувофиқ келувчи ундалмалар, гарчи эй ундови билан қўлланган бўлса-да, уни мураккаб эмас, ёйиқ ундалма, деб атаган маъқул. Негаки саноклигина йиғиқ ундалмалардан ташқари барча ундалмалар ундов сўзлар билан бирга қўлланган. Бу эса асар тилидаги ўзига хосликлардан биридир.

Ўз навбатида, ёйиқ ундалма таркибидаги аниқловчи ёхуд изоқловчилар қуйидаги сўз туркумлари орқали ифодаланади:

1) Сифат билан: *азиз келиним, көп қайғурмағыл.* (2/103)

2) Сифатдошли бирикма билан: *Арысғызлық көргән эй урағут оғлы, Изи азда ва жалладын вақты йоқ эркән улуг тиләк тиләдин!* (2/8)

3) от билан: *Қайдасан, эй қарындашым Жабраил, қарындашлар бү күн керәк болур.* (2/196)

4) олмош билан: *Эй мәним дөстүм, көңлүңни умматдын фәрүг тутғыл.* (2/196)

Ундалмаларнинг қаратқич келишигидаги от, сон, кўрсатиш олмоши билан кенгайиб келган турлари ҳозирги адабий тилида кам қўлланади. Сабаб шуки, бу сўз туркумлари ундалмага ортикча конкретлик киритади. Маълумки, ундалма ундай конкретликни талаб этмайди. Бирок асар тилида эса аксинча, бу қолип, асосан, қаратқич келишигидаги от ёки отлашган сўз ( кўп ҳолларда сифат) билан кенгайиб келган ундалма турлари кўп қўлланган. Мисолларга мурожаат қиламиз: *Эй Расулның қумартғусы, силәҳни қозғыл, санчышмағыл.* (2/204); *Эй момынлар имәми, сендин бир масала сорғум бәр.* (1/125)

Ундалманинг ёйиқ шакли фразема орқали ифодаланиши мумкин. Чунончи, *“Эй көзүм йаруқы, көңлүм тоқы, бағрым кесәги, өзүм йүксәги! - теб йағлаб айтды. – Мән улуг болдым, сәнсиз нетәк қарәр қылайын, сәни йавләк севәрмән”.* (1/105) Асарда улардан жуда унумли фойдаланилган ва, табиийки, бу стилистик бўёқ ифодалашга хизмат қилган. Ибора шаклидаги ундалмалар ҳатто шаклан атов гап каби нуқта билан ҳам ажратилган тарзда ҳам учрайди. Жумладан: *Эй көни сөзлик, көни ишлик. Аймишлар, үләр кәфүр эркән, Йусуфни өзг сөвләди.* (1/137)

<sup>49</sup> Бу ҳақда қаранг: Аҳмедов С., Кўчқоров Р., Ризаев Ш. Адабиёт. (6-синф, дарслик), Т.: “Маънавият”, 2005.; 199-200-б.

<sup>50</sup> Уша маиба. 101-б.

Шунингдек, парафраза ҳам ундалманинг ёйиқ шаклини ташкил этиши мумкин: *Ман айдим, йа Амырал-мъёмини, мундъему өлүмни өзүңгэ равъ көрдүң?* (2/201)

Ундалманинг куйидаги кўринишларда намоён бўлиши, илмий адабиётларда мураккаб шакл сифатида эътироф қилинади<sup>51</sup>:

1) ёлғиз ундов сўз ёки ундов сўз баробаридаги сўз билан бирга келиши мумкин: *Эй ўжмъхлылар, сизлэр ишинизгэ бөлүң.* (2/135); *Йа Малъун, мэн сани өлтүргүм.* (2/184) каби. Бирок уларни йиғиқ турига нисбатан чегаралаб, мураккаб деб аталмагани маъкул, негаки, бу қолип фақат кучли эмоционал маъно ифодалаш учун хизмат қилади, холос. Қолаверса, юксрида таъкидлаганимиздек, асарда санокли сўз шаклидаги ундалмалардан ташқари барча ундалмалар шу шаклда учрайди. Хис-ҳаяжонни ифодалашига кўра қўлланган биргина ундов сўзларга нисбатан уни мураккаб ундалма, деб эмас, балки йиғиқ ундалма сифатида эътироф қилсак, мақсадга мувофиқ бўлади.

2) ундалма такрорланиб, бири иккинчисини изоҳлаб қўлланиши мумкин. Бу ҳол кучли хис-ҳаяжон ифодаланганда, ундалмага алоҳида аҳамият берилганда рўй беради. *Эй адам қувънчы, эй муҳиблэр севуңчи, эй муштәқлар үмәнчи, эй үмметлэр инәнчи, эй асийлэр тәйәнчи, эй адәмийлэр давлаты, эй аламлуқлар раҳмәти, эй халқның мүслихи, эй халқның шәфиъи, мэн сәнсиз меҳрәб вә минбәрни нетәк көрәйин...* (2/195)

3) жуфт сўзлар билан ифодаланади: *Эй ата-әна, мәндин хушнуд бөлдүңмү?* (2/211)

4) ундалма уюшиб келади: *Эй йәранларым, азиз дөстләрим, ул келгән Мәләк үл-мавт қарындәшым Азрәыл эрди.* (2/193)

Демак, ундалмалар тузилишига кўра уч гурухга бўлинар экан, уларни:

1) сўз шаклидаги ундалмалар;

2) бирикма шаклидаги ундалмалар;

3) гап шаклидаги ундалмалар, дея талқин қилинса ҳам бир томондан тўғри бўлади. Негаки, бу атамалар йиғиқ, ёйиқ ва мураккаб сўзларига нисбатан бир мунча аниқроқ, тушуниш ҳамда тушунтириш бўйича методик жиҳатдан ҳам қулай. Шунингдек, юксрида ундалманинг мураккаб шакли сифатида эътироф қилинган такрорланиб, уюшиб келиши тузилишига эмас, қўлланишига кўрадир.

Хуллас, мазкур мавзунини жумладан, ундалманинг тузилишидаги ўзига хослиги талқини ҳали хануз мунозарали. Бу масалани ҳал этишда, “Қисаси Рабғузий” каби тарихий манбалар тилини қиёсий планда ўрганиб, тадқиқ қилинса, иш бир мунча енгил кечади.

<sup>51</sup> Абдурахмонов Ф. Ўзбек тили грамматикаси. Синтаксис. – Т.: Ўқитувчи, 1996., 101-б. Яна қараг: Ўзбек тили грамматикаси. II том. – Т.: Фаъ, 1976., 266-267-б.

Нилуфар Абдурахмонова  
магистрант

Кейинги даврда олиб борилаётган илмий-тадқиқот ишлари ўзбек тилшунослиги фани, хусусан, фонетика-фонология соҳаси XX аср бошларидаёқ илмий сезгилар кўринишида шакллана бошлаганини кўрсатади. Бугунги кун ўзбек тили фонетика ва фонологияси В.В.Решетов, Ш.Шоабдурахмонов, С.Отамирзаева, А.Махмудов, А.Абдуазизов, А.Нурмонов, Ҳ.Неъматов, Ҳ.Дониёров, Б.Тўйчибоев, М.Миртожиев каби забардаст тилшунослар номи билан боғлаб ўрғанилади. Ҳ.Жамолхонов, М.Қурбонова, Т.Тоғаев, Ш.Бобомуродова каби бир қанча тилшуносларимизнинг илмий-тадқиқотлари эса фонетика ва фонологиянинг XX аср бошларидаги ҳолати ҳақида ёрқин тасаввур беради. Бу даврда тилнинг фонетик-фонологик тизимларини аниқлаш ишига дастлаб алифбо ва имло масалалари доирасида ёндошилган бўлса-да, Фитрат, Элбек, Боту, Шорасул Зуннун, Зоҳирий, Шокиржон Раҳимий, Ғози Олим каби тилшуносларнинг қарашларида фонетика ва фонологияга оид назарий фикрларнинг қуртакларини учратамиз.

XX аср бошларида фаолият юритган тилшуносларимиздан бири Қаюм Рамазондир. У ўз мақолаларида тилшуносликка оид энг оғрикли масалаларни ўртага қўяди. Хусусан, ўзбек тили товуш тизимини белгилашда бир қанча фикрларни баён қилади. Олимнинг дастлабки тилшуносликка оид фикрлари дарсликларда юзага келади. 1929 йилда нашр қилинган, “иккинчи ўқиш йили учун” мўлжалланган “Ўзбек тили иш китоби”да тилшуносликнинг бир қанча масалалари устида фикр юритади. Жумладан, фонетика соҳасида ҳам унинг дастлабки қарашлари баён қилинади. У ўзбек тилида 9 унли борлигини таъкидлайди: “шу 9 товуш (а, э, е, о, ө, и, у, ь) “унли товуш” аталадилар”<sup>52</sup> дейди. Қолган товушларни эса “унсиз товуш” деб номлайди. Қўлланмада тилдаги барча товушлар “йўғон” ва “ингичка”га ажратилган:

Йўғон товушлар: Унлилар: а, о, и, ь; Унсизлар: q(к), q(ғ);

Ингичка товушлар: Унлилар: э, ө, i, y, e; Унсизлар: k(к), g(ғ);

“...Йўғон сўзларда ингичка товушлар, ингичка сўзларда йўғон товушлар айтилмайди, шуларни билдирган ҳарфлар ҳам ёзилмайди”<sup>53</sup>. Кўриниб турганидек, Қ. Рамазон биринчилардан бўлиб, унлиларнинг олд қатор ва орқа қатор талаффузига ундошларнинг таъсирини сезади ва ўзининг кейинги ишларида бу ҳолатга янада асослироқ фикр билан ойдинлик киритади ва “эшдош унлиларни бир шаклда ифодалаш имкониятини назарда тутиб уларни 9 тадан 6 тага тушириш лозим”<sup>54</sup> лигини айтади.

<sup>52</sup> Рамазон Қ., Зуннун Ш. Ўзбек тили иш китоби. Ўздавишпр. Самарқанд-1929-Тошкент, 43-бет

<sup>53</sup> Юқоридаги асар, 43-бет

<sup>54</sup> Рамазон Қ. Ўзбек тилининг бирлашган имло қондалари. Ўздавишпр.-Т., 1935. 5-бет

Тадқиқотчи кейинги ишларида мазкур фикрларни янада мукамаллаштиради. У 1931 йилда “Ўзбек адабий тилининг имло қоидалари”ни ишлаб чиқади ва Ўзбекистон Маориф халқ комиссарлиги томонидан тасдиқланган “Имло қоидалари” нашр қилинади. Ёзув билан боғлиқ “бошбошдоқлик”ка чек қўйиш мақсадида ишлаб чиқилган “қоидалар” ўзбек тилининг товуш тизими билан боғлиқ бошқа масалаларнинг ўртага ташланишида ҳам муҳим роль ўйнади.

Қ.Рамазон товуш ва ҳарф муносабати тўла фарқланмай турган бир пайтда товушга “маъноли сўзларни ташкил этадиган энг майда унсур”,<sup>55</sup> - дея аниқ таъриф беради. Бу эса фонемага берилган энг содда таъриф эди. Фонология мустаҳкам фан сифатида шаклланган айти бир пайтда фонемага берилган таъриф (Фонема-сўзлар, морфемалар ва грамматик шаклларнинг товуш қобиғини фарқлаш орқали уларнинг маъноларини тафовутлаш вазифасини бажарадиган энг кичик сегмент бирликдир)<sup>56</sup> ва Қ.Рамазон фонемага берган таърифнинг бу қадар ҳамоҳанглиги айниқса жиддий эътиборга сазовордир. Тилшунос нафақат нутқ товушини ҳарфдан, балки нутқ товушини ҳар қандай товушдан фарқлаб англайди. Ундаги бу сезги кейинги ишларидаги “фонем”нинг хусусиятларини очиб беришда илмий асос бўлиб хизмат қилди. Аммо олим унли ва ундош ўртасидаги фарқни мутлоқлаштира олмайди. Тилда мавжуд товушларнинг 9 тасини унли, 24 тасини “унсиз” деб ажратсада, уларнинг барчасини бир фарқли белгилар асосида таснифлайди:

Жаранглилар: э, е, о, ө, и, i, y, ь, b, c, d, g, j, l, m, n, ɳ, ž...;

Жарангсизлар: p, f, t, s, ʃ, g, k, q, x;

Лаб унлилар: о, ө, и, у;

Лаб ундошлар: m, b, p, v, f;<sup>57</sup>

Гарчи таснифда бир қанча чалқашликлар кузатилсада, фонетика фан сифатида шаклланиб улгурмаган бир даврда товушларнинг бу каби таснифланишининг ўзи катта бир ютуқ эди

Қ.Рамазоннинг 1935 йилда нашр қилдирган “Ўзбек тилининг бирлашган имло қоидалари” рисоласида фонологияга доир бир қанча ағама ва тушунчаларни учратамиз. У рисоласида биринчилардан бўлиб “фонем” атамасини қўллайди. “Фонем” бўлиш учун товуш “маъно ташувчилик” ва “маъно айириш” каби вазифаларни бажариши лозимлигини айтиб ўтади. Шу ўринда 9 та унлини 6 та унлигача қисқартириш лозимлигини изоҳлаб беради: “Шуни назарда тутиш керакки, жуфт унлилар (масалан э-а, о-ө, и-у, ь -і) ўз маъно ташувчилик вазифалари ҳар икковидан бошқа сифатдаги ўрта бир товушга марказлашган бўлиб, уларни бир товуш бир ҳарф билан ифодалаганда ҳам маънони англашда қийинчилик келтирмайдиган ҳолга келган...”<sup>58</sup>. Ўзбек тилининг товуш тизимини аниқлаш масаласи қизгин мунозараларга сабаб бўлиб турган айти бир пайтда бу каби асосли

<sup>55</sup> Рамазон Қ. Ўзбек адабий тилининг имло қоидалари. Ўздавнашр.-Т., 1931. 5-бет

<sup>56</sup> Жамолхонов Х. Ҳозирги ўзбек адабий тили. Тошкент-“Галкин”-2005. 38-бет

<sup>57</sup> Рамазон Қ. Ўзбек адабий тилининг имло қоидалари. Ўздавнашр.-Т., 1931. 5-6-бет

<sup>58</sup> Рамазон Қ. Ўша асар, 6-бет

фикрларнинг ўрганилиши жиддий эътиборга моликдир. Қ.Рамазон мазкур рисолада аввалги дарсликлариди бўлгани каби “унли” ва “унсиз” товушларни қоригштирмайди, уларнинг бошқа-бошқа фарқли белгиларга эга эканлигини англаб етади. Рисолада фонеманинг бириштирувчи ва фарқловчи белгилари, фонеманинг маъно фарқловчилик вазифаси ва фонемаларнинг миқдорини аниқлашда бу белгиларнинг аҳамияти ҳақида қимматли фикрлар бериб ўтади: “о” (“ў”) билан “и” (“у”) лаб товушлари яйиқлик ва йиғиқлик фарқлари яқидангина айриладилар, бу фарқ уларнинг фонемликларининг фактидир”<sup>59</sup>. Тилшунос фонема оттенкалари хусусида ҳам чуқур билимга эга, у фонемаларнинг қайси ўринда асосий (типик) оттенкада қўлланиши ҳақида фикр беради ва “асосий фонем” атамасини қўллайди: “Ўзакда “и”дан сўнг келадиған “й” асосий фонем бўлиб, иккови кетма-кет келиб бир бўғин ташкил этганда узун каби талаффуз этилади...”<sup>60</sup>.

Қ.Рамазон ўзбек фонологиясида биринчилардан бўлиб, фарқловчи белги, оппозиция ва квазиомонимларнинг тилдаги аҳамияти ҳақида фикр юритади: «“е” товуши “и”дан ёйиқлиги билан айрилади, унинг айрим фонемлик хусусияти ҳам шунда: *Эт-ит, без-биз; Бел-бил, сен-син...*»<sup>61</sup>.

Ҳали ўзбек тилшунослигида фонология мустақкам фан сифатида шаклланиб улгурмаган бир пайтда Қ.Рамазоннинг бу каби асосли фикрлари ўзбек тилшунослигининг улкан ютуғидир.

### От мавзусини ўтишда замонавий педагогик технологиялардан фойдаланиш

Гулжамол Эшмирзаева  
магистрант

Ўзбекистон Республикасининг “Таълим тўғирисида”ги қонуни 7-моддасида “Давлат таълим стандартлари умумий ўрта, ўрта махсус касб-хунаар ва олий таълим мазмунига ҳамда сифатига қўйиладиган талабларни белгилайди”, деб таъкидланган. Ўқувчиларнинг билим савиясига қўйиладиган талаб эса таълим жараёни олдига қўйилган ижтимоий талаб билан белгиланади. Шундай экан, давлат таълим стандартлари, шу жумладан она тили таълими стандартлари ҳам таълим жараёни олдига қўйилган ижтимоий талаблардан келиб чиққан ҳолда белгилаб берилади. Она тили таълими олдига қўйилган ижтимоий буюртма, ўқувчи шахсини фикрлашга, ўзгалар фикрини англашга ва шу фикр маҳсулини оғзаки ҳамда ёзма шаклда саводли баён қила олишга, яъни коммуникатив саводхонликка ўргатишдан иборат.

<sup>59</sup> Рамазон Қ. Ўша асар, 16-17-бет

<sup>60</sup> Рамазон Қ. Ўша асар, 26-27-бет

<sup>61</sup> Рамазон Қ. Ўша асар, 18-бет

Она тили барча фанларни билишнинг калити саналади, шунинг учун ҳам уни яхши эгалламасдан туриб бошқа фанларни чуқур ўзлаштириш мумкин эмас.

Ўзбек тили мустақил Ўзбекистон Республикасининг давлат тили бўлиб, дининг ўрта махсус таълимида ўқитилиш давлат аҳамиятига молик масала саналади. Ёшларда ижодий тафаккур, ижодий изланиш кўпгина имкониятлардан энг мақбулини танлаб олиш кўникмаларини шакллантириш ва ривожлантириш, уларни миллий қадриятимиз руҳида тарбиялашда она тилининг тутган ўрни ва имкониятлари бениҳоя каттадир.

Биз юқорида малакали кадрлар тайёрлаш, уларни илм-фаннинг замонавий талаблари асосида ўқитишни айтиб ўтдик. Фикримиз исботи учун она тили дарсларини ўтишда замонавий педагогик технологиялардан фойдаланиш хусусида тўхталиб ўтсак.

Академик лицей ўқувчилари учун мўлжалланган “Ҳозирги ўзбек адабий тили” дарслиги мана шу вазифалар асосида тузилган.

Унда берилган “От сўз туркуми” мавзусини олсак. Умумий ўрта таълимда мазкур мустақил сўз туркумининг грамматик хусусиятлари ўрганилса, ўрта махсус таълимда, яъни академик лицейда от сўз туркумининг услубий хусусиятлари ўрганилади.

Аҳамиятлиси шундаки, академик лицей дарслигида берилган машқларни ўқиган ўқувчи янги маълумотга эга бўлади. Дарсликда келтирилган машқлардан намуналар келтириб ўтсак.

273-машқ. *От сўз туркумига оид сўзларни топинг ва уларни изоҳланг.*

*Ҳадис намуналаридан:*

*Илми* ўрганиб, сўнг уни бошқаларга ўргатмаслик, гўёки *молу-дунёни* йиғиб, уни сарф қилмай, кўмиб қўйиш билан баробардир.

*Одамлар* билан *мурасаи мадорада* бўлиш ҳам *садақа* хисобланур.<sup>62</sup>

Ушбу дарсликда келтирилган машқлар асосида от ясовчи қўшимчалар бўйича “Бу меники” ўйин топширигини бажаринг:

- 1-гуруҳ - қурол ва нарсани ясовчилар;
- 2-гуруҳ - белги ҳамда мавҳум от ясовчилар;
- 3-гуруҳ - ҳолат-ҳаракат отини ясовчилар.

Кўйидаги сўзларни ўрни аралаштирилиб гуруҳларга берилади. Сўзлардан сиз ўзингизга тегишли қўшимчаларни ажратиб олинг. *Муаттарлиги, билим, сурма, чолгу, ишонч, чиқинди, тетки, ушлагич, равшанлик, ўраш, туйғу, мангу, севинч, этик, борлик, тортма, ошнологим, тузум, оғу, тўқинлик, тўқинчилик, тиргак, бўшлиқ, тортинди, билим, бошим, тортиқ, эзулик тилгим, синиқ, бузук, ҳандалак, ётоқ, интиқ, тахмон, бойлик, орзу, бойлам, тутатқи, инсонийлик, болалигим, елтигич, бойлигим.*

## “БУ МЕНИКИ”

<sup>62</sup> Нурмонов А ва бошқалар. “Ҳозирги ўзбек адабий тили” ўқитувчи. Т.: 2000 йил 180-бет.



1-гурух: сурма, чолғу, чикинди, ушлагич, этик, гортма, оғу, тиргак, бошим, гахмон, елпиғич, бойлам.

2-гурух: Муаттарлиги, билим, ишонч, тепки, равшанлик, туйғу, мангу, борлик, ошнолигим, тузум, синик, бойлигим.

3-гурух: ўраш, тортинди, тортик, тилагим, интик, тортма.

Машк бажарилгач, уч гурухдан уч ўқувчи ёзув тахтаси ёнига бориб, ушбу жадвални тўлдиради. Топшириқни биринчи бажарган гурух ғолиб саналади.

Бизнинг мақсадимиз ноанъанавий дарс ўтиш орқали ўқувчилар ақлининг чархланиши, оғзаки ва ёзма нутқини шакллантириш, шунингдек, уларнинг топқирлигини синовдан ўтказишдир. Бугунги кунда таълим жараёнида замонавий педагогик технологияларнинг қўлланилиши етук малакали кадрлар тайёрлаш, уларни баркамол авлодни шакллантиришдан иборатдир.

## Алишер Навоий асарларида ҳуқуққа оид сўзлар

Ҳилола Абдужабборова  
магистрант

Алишер Навоий асарларидаги ҳуқуққа оид сўзлар, асосан, аффиксация (морфология) ва композиция (синтактик) усуллар билан ясалганига гувоҳ бўлаемиз. Бунда аффиксация усули етакчи саналади. Маълумки, тилшуносликда сўз ясовчи қўшимчалар ёрдамида янги сўз ҳосил қилиниши аффиксация усули ҳисобланади.

Навоий ўз ижодида турли тилдаги (туркий, араб, форс-тожик) сўзларга шу тилларга оид ясовчи аффиксларни усталик билан қўшиб янги сўзлар ҳосил қилган. Ўша даврда гуноҳ иш (жиноят) содир қилганда бериладиган иқтисодий жазо, яъни жарима журмона деб аталган: *“Будур ул журмона, эй фахри изом, Ким бу дайр атрофида бир йил тамом”*<sup>63</sup>. Бу сўз аслида арабча журм, яъни гуноҳ, жиноят сўзига форс-тожикча –она аффиксининг қўшилишидан ҳосил қилинган. Бу аффикс ўзбек тилида ҳозир ҳам истеъмолда бўлган *мардона, золибона, ошиқона, шоирона* каби сўзларнинг ясалишида ҳам фаол қўлланган.

Хушомад қилувчи, фирибгар маъноларини Навоий лобагар сўзи орқали берган: *«Хожага шахват эрди муставли, Қилмади суд лобагар қавли»*<sup>64</sup>. Бу сўзнинг асоси арабча лоба сўзи бўлиб, у ёлвориш, ўтиниш, сўраш; тилёғламалик қилиш ва фириб, найранг маъноларида келган. Унга форс-тожикча –гар аффиксининг қўшилиши натижасида шу нобоп ишларни қилувчи, шундай иллатларга эга шахс номини билдирувчи янги сўз ҳосил бўлди. Бу аффикс орқали заргар, чилангар, хийлагар каби сўзлар ҳам ясалган.

Сўз ясашнинг синтактик усули ҳақида гап кетганда, асосан, бирикма шаклидаги сўз ясаш ҳолати тушунилади.

<sup>63</sup> Лисон ут-тайр. 83-19

<sup>64</sup> Сабъай сийёр. (Хамса). 1125-6.

Барча тилларда, жумладан, ўзбек тилида ҳам бирикма шаклидаги сўз ясашнинг синтактик усулидан кенг фойдаланилади. Ушбу ҳолатни тарихий нуқтаи назардан Навоий асарларида ҳам кузатишимиз мумкин.

Навоий инсон ҳаёти ва тақдирини ҳал қилишда асосий вазифада: хизмат қилувчи қозихона котибларини ифодалашда форсий изофада ясалган котиби дорул-қазо сўзини қўллайди: «*Аввал эрур котиби дорул-қазо, Иш онга ношаръга бермак ризо*»<sup>65</sup>.

Шунингдек, қозихона котибларини Навоий мақбул ва номақбул гуруҳларга ажратиб, уларни ифодалашда, форсий изофада ясалган котиби мақбул ҳамда котиби мардуд сўзларини қўллайди: «*Мунча шарафким, анга мавжуд эрур, Котиби мақбул ила мардуд эрур*»<sup>66</sup>. Навоий асарларидаги форс-тожикча ҳуқуққа оид сўзларнинг ясалиши ҳам, жумладан, вом сўзи қарзни билдирса, унга –хоҳ аффиксининг қўшилишидан вомхоҳ, яъни қарз хистовчи, кредитор сўзи юзага келади.

Бу сўз аслида иктисодга оид бўлса-да, ҳуқуқий муносабатларнинг субъекти сифатида ҳуқуққа ҳам тааллуқлидир: «*Кўрмаклик вомхоҳни мотамидур, Алқиссаки бурч одамийнинг гамидур*»<sup>67</sup>.

Қотил, одам ўлдирувчи, сўювчи маъноларини берувчи сўзларни ҳосил қилишда куш сўзи фаол қўлланади. Масалан, мардумкуш, одамийкуш, хийракушвор: «*Навоий кўзларининг мардумидин жаври қон тўкди, Дариг, ул ишхи мардумкуши, мардумкушлиг билмас*»<sup>68</sup>. «*Мундоқ муфти одамийкуш табибдур*»<sup>69</sup>. «*Мени чарх ўлтирурдин хийракушвор, Сизинг тиргузганингиз бўлди душвор*»<sup>70</sup>.

Хулоса сифатида шунни айтиш мумкинки, Алишер Навоий асарларида ҳуқуққа доир сўзларнинг ясалиши, асосан, аффиксация усулида намоён бўлар экан, бу ўринда ўлашма аффиксларнинг роли алоҳида аҳамият касб этади.

## Ўзбек тилида синтактик ва актуал тузилиш сатҳлари

Наргиза Мухомудова  
магистрант

Илм-фаннинг бошқа жабҳаларида бўлганидек, ўзбек тилшунослигида ҳам бугунги кунда улкан илмий-назарий ютуқлар қўлга киритилмоқда. Бинобарин, гапнинг мазмуний структураси, синтактик бўлиниш сатҳлари, уларнинг ўзаро ўхшаш ва фарқли томонларини ўрганиш ҳам шулар жумласига киради. Синтактик бўлиниш назарияси анъанавий ўзбек тилшунослигида ниҳоятда кенг тадқиқ қилинган. Бу борада маҳсул ёйриқ илмий изланишлар олиб борилган. Хусусан, таниқли тилшуносларимиз Ф.Абдурахмонов, М.Асқарова, А.Ғуломов, А.Абдуллаев,

<sup>65</sup> Маҳбуб ул-қулуб. 142-б.

<sup>66</sup> Маҳбуб ул-қулуб. 141-б.

<sup>67</sup> Назмул-жавоҳир. XV. 25-б.

<sup>68</sup> Хазоинул-маоний. I. 256-б.

<sup>69</sup> Маҳбуб ул-қулуб. XIII. 18-б.

<sup>70</sup> Фарҳод ва Ширин. 101-б.

А.Бердиалиевларнинг тадқиқотларида ўзбек тилининг синтактик табиати, синтактик бўлиниш воситалари ва омиллари чуқур таҳлилга тортилган. Шунингдек, ўзбек тилида актуаллашиш ҳодисаси, актуал бўлиниш сатҳлари, актуалликни ифодаловчи воситалар хусусида ҳам маълум мулоҳазалар билдирилган. Чунончи, йирик тилшунос олимлар А.Нурмонов, Х.Неъматов, Н.Махмудов, А.Аҳмедов, Б.Ўринбоев, К.Хайитметовлар ўз тадқиқотларида актуал тузилишнинг турли томонларига жиддий эътибор қаратганлар. Бугунги кун тилшунослигида ҳам мазкур масалаларга жиддий эътибор қаратилмоқда. Айниқса, актуал тузилиш назарияси кенг оммалашиб, тилшунослар томонидан атрофлича ўрганилмоқда. Жумладан, тадқиқотчи О.Бозоровнинг “Ўзбек тилида гапнинг коммуникатив тузилиши” мавзусидаги номзодлик диссертацияси фикримизга ёрқин далилдир. Мазкур ишда тадқиқотчи ўзбек тилшунослигида гапнинг синтактик ва актуал тузилиши, хусусан, актуал бўлиниш сатҳларига жиддий эътибор қаратиб, ниҳоятда чуқур илмий-назарий хулосалар келтирган, мавзуга алоқадор мавжуд илмий манбалардан атрофлича фойдаланиб, янги фикрларини асослашга эришган. Биз ҳам ўз тадқиқотларимизда юқориди тилга олинган тадқиқотлардан фойдалаган ҳолда мулоҳаза юритамиз.

Маълумки, гапнинг синтактик тузилиш сатҳида синтактик узвларнинг жойланиш қоидалари ҳақида гап боради. Бу қоидаларни ўрганишда синтактик бўлақлар даражаланиши тушунчаси муҳим роль ўйнайди. Бунга кўра, гап бўлақлари дастлаб синтактик гуруҳларга, синтактик гуруҳлар эса ўз навбатида, уларни ташкил этувчи қисмларга ажратилади. Синтактик ёпик гаплар эга ва кесим гуруҳига (яъни эга ва кесим ўзи эргаштириб келган сўзлар билан) бўлинади. Бу гуруҳлар, ўз навбатида, шу гуруҳларни ташкил этган сўз бирикмаси қисмларига ажралади. Эга ва кесим гуруҳларининг ўзаро жойлашуви ҳамда ҳар қайси гуруҳ қисмларининг ўзаро жойлашуви қисмлар ўртасида синтактик алоқанинг характериға мувофиқ келадиган қоидаларга бўйсунди. Ўзбек тилида эга-кесим муносабатида доимо эга олдин, кесим кейин келади: *Баҳор келди, майин шабада эсди, қушлар сайради*; сўз бирикмалари сатҳида эса (яъни иккинчи даражали бўлақларнинг ҳоким бўлак билан муносабатида) доимо тобе бўлак олдин, ҳоким бўлак кейин келади: *қизил олма, чиройли қиз, менинг дўстим қаби*.

Гапнинг актуал бўлиниш сатҳида эса бутун бир сўз комплекслари актуал бўлинишининг қайси қисмига – тема ёки ремага киришига қараб жойлашади. Услубий нейтрал адабий нутқнинг мантикий тўғри қурилиши шуни тақозо қиладикки, жумланинг кўпинча тингловчи ёки ўқувчиға маълум бўлган таянч нуқтаси гап бошида келади. Тема ҳақида тингловчи ёки ўқувчи учун номаълум бўлган янги маълумот берувчи рема эса гап охирида, темадан сўнг келади. Бу қоидалинг бузилиши бошқа тилларда, хусусан, рус тилида бўлганидек, ўзбек тилида ҳам мантикий изчлликнинг бузилишиға, ёки экспрессив бўёққа эга бўлишға олиб келади. Кўриниб турибдики, актуал бўлиниш сатҳида сўз тартиби гап мазмуни билан боғлиқ бўлган маълум вазифаға эга бўлади – тема ва ремаларни фарқлаш вазифасини бажаради.

Агар эга гуруҳи тема, кесим гуруҳи рема бўлиб келса, актуал бўлиниш синтактик бўлиниш билан мувофик келади. Масалан: *Дехқонлар бу йил пахтадан мўл ҳосил олдилар*. Бу жумлада синтактик эга *деҳқонлар* актуал жиҳатдан тема, синтактик кесим ҳисобланган *ҳосил олдилар* ўзи эргаштириб келган *бу йил пахтадан мўл* сўзлари билан бир гуруҳни ҳосил қилиб, рема бўлиб келяпти. Бунда коммуникатив мақсад колхозчилар ҳақида ахборот беришдир. Аммо юқоридаги гапнинг коммуникатив мақсади бундан бошқа ҳам бўлиши мумкин. Бу вақтда гап бўлақларининг синтактик сатҳдаги нормал тартиби бузилади. Қайси бўлақ ҳақида ахборот берилиши лозим бўлса, шу бўлақ олдин, у ҳақда ахборот берувчи қисм эса ундан кейин келтирилади: *Бу йил деҳқонлар пахтадан мўл ҳосил олдилар. Пахтадан бу йил деҳқонлар мўл ҳосил олдилар*.

Биринчи жумлада *бу йил* – тема, қолган қисм – рема, иккинчи жумлада эса *пахтадан* – тема, қолган қисм – рема бўлиб келяпти. Демак, эга ёки эга гуруҳи тема билан, кесим ёки кесим гуруҳи рема билан мувофик келмаса, синтактик ва актуал бўлиниш ўртасида номувофиклик мавжуд бўлади.

Актуал бўлиниш билан синтактик бўлиниш ўртасида номувофиклик мавжуд бўлганда, синтактик структура сатҳи учун лозим бўлган қоида ўз кучини йўқотади ва актуал бўлиниш сатҳи қондаси кучга киради: тема олдин, рема кейин келади.

Туркий тилларда, хусусан, ўзбек тилида услубий нейтрал адабий нутқнинг (гап бўлақлари инвариант жойлашган нутқ) синтактик сатҳда тўғри қурилиши иккинчи даражали бўлақларнинг ҳоким бўлақдан олдин келишини тақозо этади. Аммо актуал сатҳда иккинчи даражали бўлақлар ҳоким бўлақдан кейин келиши ҳам мумкин. Тартиби ўзгартирилгандан кейин ҳам синтактик вазифаси ўзгармаган ҳар қандай иккинчи даражали бўлақ актуал фарқловчи белги вазифасини ўтайди. Коммуникатив аҳамиятли бўлаққа – рема қисмга айланади.

Туркий тилларда актуаллашган бўлақнинг икки хил ўрни кўрсатилади. К.М.Абдуллаев туркий тилларда актуаллашган бўлақнинг, яъни реманинг икки хил ўрни борлигини:

1) кесимдан олдинги ўрни; 2) гапнинг охири ва шунга кўра актуаллашган икки даражаси – кучли ва кучсиз актуаллашиш мавжуд эканлигини таъкидлайди. Озарбайжон тилида кучли актуаллашиш жумланинг энг охирида, кучсиз актуаллашиш эса кесимнинг олдида содир бўлади. Унинг кўрсатишича, ҳамма бўлақлар шундай икки даражадаги актуаллашишга эга бўлади. Бу нуқта назардан ўзбек тили туркий тиллар системасида алоҳида ўрин эгаллайди. Чунки ўзбек тилида айрим бўлақлар (масалан, эга ва кесим) актуаллашишининг фақат бир даражасига – кучли даражасига эга. Эга актуаллашувининг кучли даражаси учун гапнинг охириги ўрни характерлидир.

Жумланинг актуал бўлинишини белгилаш синтактик бўлинишга нисбатан мураккаб ҳисобланади. Чунки матндан узиб олинган жумланинг синтактик бўлинишини белгилашда ҳеч қандай муаммо бўлмаса, унинг актуал бўлинишини белгилашда кўпинча ўша жумла иштирак этаётган

магнга таяниш лозим. Бошқача айтганда, гапнинг синтактик тузилиши унинг синтактик аспектида ўрганилса, коммуникатив тузилиши динамик аспектида тадқиқ қилинади<sup>71</sup>. Синтактик тузилиш гапдаги грамматик боғланиш, актуал тузилиш эса матндаги коммуникатив қиймат ҳосил қилиш асосида ташкил топади. Бунда синтактик тузилиш актуал тузилиш учун моддий асос (материал бирликлар, элементлар) бўлиб хизмат қилади.

Хуллас, ўзбек тилида гапнинг синтактик ва актуал бўлиниш сатҳлари ниҳоятда ранг-баранг қўринишга эга бўлиб, улар ўзаро мувофиқ ва номувофиқ бўлиши мумкин. Ҳар қандай ҳолатда ҳам улар ўртасида боғлиқлик мавжуд. Кейинги тадқиқотларимизда бу борада махсус тўхталиб ўтамыз.

### Ономастик конверсия усули билан ясалган исмлар ҳақида

Азиза Алимова  
магистрант

Исм – хусн чиройи дейди, доно халқимиз. Ҳар бир халқ исм танлашда ўз она тилининг сўз бойлиги ва имкониятларига таянади. Киши номлари тилда мавжуд бўзган сўзлардан ясалади. Шахс номлари бошқа лексик бирликлар сингари ўзининг умумий ва хусусий белгилари билан бир лексик системага бирлашади. Исмларда жамиятнинг маданияти ва ижтимоий ҳаёти акс эттирилган бўлади. Исмлар маълум бир шахснинг авлоди, унинг жамиятда тутган ўрни ҳақида ҳам хабар беради. Инсоният пайдо бўлибдики, унинг исми ҳам мавжуддир. Исмсиз инсон йўқ. Исмлар жамиятда муҳим маънавий ва сиёсий аҳамиятга эга. Улар қандай шаклда бўлмасин, кишиларни алоҳида шахс, индивид сифатида аташга хизмат қилади. Ҳар бир исм маълум бир сабабларга кўра пайдо бўлади.

Исмлар морфологик тузилишига кўра иккига бўлинади: туб исмлар ва ясама исмлар. Ясама исмларда номни ҳосил қилган сўз морфемаларга, компонентларга ажратилади. Чунончи: Ёркиной, Қувондик, Тўхтаназар. Маълумки, ясама исмлар, ўзбек тилининг ўз ички конуниятлари ва воситалари асосида ҳосил қилинадиган номлар бўлиб, бу исмлар баъзи ўзига хос хусусиятларга эга.

Ясама исмлар уч хил йўл билан ясалади:

- 1) семантик усул ёки ономастик конверсия усули;
- 2) аффиксация усули;
- 3) синтактик усул.

Ономастик конверсия усули – кенг маънода олиб қаралганда ҳар қандай оддий турдош сўз атокли от вазифасига ўтар экан, сўз маъносида семантик ўзгариш юз беради. Чунки оддий сўзлар умумлашма луғавий маъноларни ифодалайди, улар атокли отга кўчгач, индивидуал маъно ифода тай бошлайди. Бунинг устига ҳар бир исмда унинг қўйилиш сабаби

<sup>71</sup> К.Хайитметов. Ўзбек тилида гапнинг актуал бўлиниши ва позиция масалалари. Т., Фан, 1984, 22-б

билан боғлиқ энциклопедик-этнографик маъно ҳам мавжуддир. Шу сабабли, ҳар (ҳолда ономастик конверсия усулида) қандай сўзнинг атокли отга ўтиши семантик ясалишдир ва бу кўп ҳолда ономастик конверсия усулида юзага чиқади. Шунини таъкидлаш керакки, исм функциясига ўтган сўзлар жуда кам ҳолларда содда шаклида қўлланади. Чунки, исмга кўп ҳолда кўшимча унсурлар қўшиб айтилади ва сўз ўз шаклидан анча узоклашади. Чунончи, “турсин” сўзи исм вазифасида:

Турсунали – соғ-саломат турсин, Али ўз паноҳида асрасин.

Турсунаҳмад – соғ-омон турсин, Аҳмад-Муҳаммад (с.а.в.) ўз паноҳида асрасин.

Турсунбек – беклар авлодидан бўлган ўғил яшасин.

Турсунбиби, Турсунгул, Турсунмамат, Турсунмат, Турсунмирза, Турсунмомо, Турсунмурод, Турсунмуҳаммад, Турсунназар, Турсуной, Турсунпўлат, Турсунтилла, Турсунтож, Турсунтожи, Турсунтой, Турсунхол, Турсунхўжа, Турсункул, Турсунғози, Турсунали, Бектурсун шаклида учрайди.

Мана шундай сабабларга кўра, исмлар семантик, яъни конверсия усулида ясалар экан, унинг луғавий-морфологик таркибини аниқлаш қийинлашади. Демак, у ёки бу сўз туркумидан ясалган исмларни тахлит қилиш алоҳида олинган: “яланғоч” ҳолда турган сўзлар мисолида олиб борилиши қийин. Чунки исм вазифасига ўтган сўз бирор антропонимик куршовда яшайди. Чунончи, Саксон исмини сон туркумининг исмга қўшилиши, деб талқин қилиш мумкин. Саксон – отаси саксон ёшлигида туғилган ўғил ёки соғ улғайиб саксонга кирсин. Унинг шакллари: Саксонмурод, Саксоннали, Саксонтура, Саксонмирза, Саксонбой, Саксонкул кабилар.

Бундан ташқари саккиз, олтмиш, тўққиз, етмиш, каби сонларнинг ҳам атокли отлар таркибига ўтиб қолганлигининг гувоҳи бўламиз. Улар қуйидагича вариатларда учрайди: Тўққизхон, Тўққизназар, Саккизбой, Олтмишбек, Олтмишбой, Етмишбой, Етмишхон кабиларни мисол келтиришимиз мумкин.

Умуман олганда, ўзбек исмлари орасида қуйидаги сўз туркумларининг исмларга кўчиши кузатилади:

1. Турдош отларнинг исмларга кўчиши: бу исмлар ўртасида энг кўп тарқалган ҳолатдир: Султон, Адиба, Адолат, Анжирман, Амир, Амал, Аюр, Гул, Арпа, Асал, Армон, Бек, Тош, Қилич, Новвон, Шакар, Болта, Ўрмон, Бино, Қадам, Умр, Бозор, Ибодат, Илдиш, Иззат, Мадҳия, Ой, Санъат, Саноат, Холжон Шербек ва бошқалар.

2. Сифатларнинг исмларга кўчиши: Улуғбек, Ёркиной, Гўзал, Нафиса, Саломат, Дилбар, Хушрўй, Ботир, Қахрамон, Эркавой, Янгивой, Қоравой, Равшан, Ширин, Азиз, Нодир, Сулувхон, Нурли, Арзанда, Бўлакбека, Сезгирбой.

3. Сонларнинг атокли отларга кўчиши: Олтибой, Олтиёр, Олтимухаммад, Олтимурод, Қирқбой, Тўқсонбой, Тўқсонмурод, Тўқсоной, Тўқсонсулув, Тўқсоншариф, Тўқсонкул, Учтемир каби.

4. Фейл ва феъл шаклларининг атокли отларга кўчиши: Тўхтасин, Тўхтаҳон, Избосар, Тўхтагул, Тўхтабиби, Берктугди, Берди, Бердиали, Бердимат, Бердикилич, Бердишукур, Отакелди, Отбосар, Отбоқар, Окберган, Очил, Очила, Сотган, Сотима, Тўлаган, Суйсиа, Суйдихон, Севдик, Севин, Бўлар, Бўлбек, Адаш, Адашали, Турди, Талабой, Тирка, Тирмаш, Тиловбой, Топди, Турдик, Гурор, Тўлғон, Тўлғаш каби.

Хуллас, ясама исмларда ҳам ономастик конверсия усули билан ясалган ясама исмлар ҳам бугунги кунимизда ҳам ўз қийматини йўқотгани йўқ.

### Ўзбек терминологиясида омонимия

(Тилшунослик терминлари асосида)

Фаррух Бобоқулов  
магистрант

Бизга маълумки, ҳар бир соҳа терминологиясининг шаклланиш жараёни адабий тилга хос бўлган омонимия ва бошқа хилдаги лексик-семантик кўринишлар билан боғлиқ ҳолда кечади. Ўзбек терминологиясида синонимия ва кўп маънолик ҳақида жуда кўплаб фикрлар мавжуд. Лекин терминологиядаги омонимия ҳодисасининг мавжудлиги қайд қилинса-да, уларнинг вужудга келиш сабаблари, шунингдек, терминологиядаги бу ҳодисани бартараф этиш йўллари ҳақида фикр билдирилмайди. Терминологияда омонимиянинг бир неча кўринишлари мавжуд. Улар бир неча соҳалар терминлари орасида ёки бир соҳа терминлари доирасида ҳам кузатилиши мумкин. Ўзбек терминологиясида омонимия ҳодисаси соҳалараро терминлар доирасида бирмунча кенгрок учрайди. Масалан, *бирикма* (кимёда); *бирикма* (тилшунослиқда), *морфология* (биологияда); *морфология* (тилшунослиқда). Соҳалараро омонимия - бу терминологияда мавжуд ҳодиса ҳисобланиб, меъёрий ҳолат саналади. Бирок биргина соҳа доирасидаги терминлар омонимияси салбий ҳодиса саналади ва терминологиядаги қусурлардан ҳисобланади.

Маълумки, адабий тилда синонимия, омонимия, полисемия ҳодисалари тил тараққиёти давомида вужудга келган ҳодисалар бўлиб, у тилнинг бойлиги, гўзаллигини ифодаловчи восита ҳисобланади. Терминологияда эса мазкур ҳодисалар, яъни синонимия ва омонимия терминологик меъёрларга зид деб қаралади. Синонимия тил тараққиёти натижаси бўлиб, терминологиядаги доимий жараён ҳисобланади. Бундай сўзлар илмий услубда ахборотни етказишни қийинлаштиради, турли чалкашлиқлар келтириб чиқаради, шу сабабли ҳам улар терминологик меъёрлар асосида тартибга солиниб турилади, қўлланиш доираси чегараланади. Демак, синонимия терминологиядаги доимий ҳодиса бўлса-да, у даврийдир. Омонимия ҳодисаси терминологияда адабий тилдаги омонимияга қараганда кескин фарқланади, унинг ўзига хос хусусиятлари мавжуд.

Юкорида таъкидлаганимиздек, соҳалараро омонимия меъёрий ҳолат ҳисобланади, соҳавий омонимия эса, яъни биргина соҳа доирасидаги шаклдош сўзларнинг қўлланиши терминологиядаги энг катта нуқсонлардан бўлиб, бунга йўл қўйиб бўлмайди. Улар тушунча ва ҳодисалар ҳақидаги хабарни етказишга ҳалакит беради, мазмунни турлича тушунишга олиб келади. Бу ҳодисани ўзбек тилшунослиги терминлари мисолида кўриб чиқишга ҳаракат қиламиз. Терминологларнинг қайд этишича, илмий услубда ҳар бир тушунча ва ҳодиса учун алоҳида сўз шакли зарурдир. Бир шаклдаги бир неча сўз билан тушунча ва ҳодисаларни ифодалаш яхши самара бермайди. Масалан, уядош сўзлар термини ўзбек тилшунослигига оид адабиётларда *синонимик уя*, *синонимик қатор*, яъни бир синонимик қаторга бирлашувчи сўзлар мажмуини ифодаловчи сўз сифатида ишлатилиб келинган. Кейинги йилларда эса бир қатор мактаб дарсликларида илмий жамоатчилик томонидан эътироф этилмаган «уядош сўзлар» атамаси қўлланила бошладики, бу ўз навбатида омонимияни вужудга келтирди. Мактаб дарсликларида қайд қилинган уядош сўзлар термини тур ва жинс билдирувчи сўзлар ўрнида қўлланилган ва дарсликда куйидагича таъриф берилган. «*Бир турдаги нарса, белги-ҳаракатни атаб келадиган сўзлар уядош сўзлардир*». Кўришиб турибдики, икки хил тушунча ва ҳодисаларни ифодалаш учун бир шаклдан, яъни уядош сўзлар атамасидан фойдаланилган. Бизнинг фикримизча, уядош сўзлар термини маънодош (синоним) сўзлар қаторини ифодалаш учун қолдирилиб, бир туркумдаги сўзлар мажмуини ифодалаш учун бошқа термин қўллаш билан ушбу салбий оқибатни бартараф этиш мумкин. Ўзбек тилшунослигида баъзи бир омоним терминларнинг вужудга келиши эътиборсизлик натижасида вужудга келган. Масалан, сўз туркумларининг ўзига хос грамматик категорияларини номлашда ушбу ҳолатни кузатиш мумкин.

Сифат туркумига оид даража категорияси илмий адабиётларда, дарслик ва қўлланимларда кенг қўлланилган бўлсада, феълдаги нисбат тушунчаси ҳам даража термини билан атала бошландики, бу ўз навбатида соҳадаги омонимияни вужудга келтирди. Чунончи: «Даража категорияси субъект ва объектга бўлган муносабатини кўрсатади. Бу муносабат махсус феъл формалари орқали ифодаланади. Ҳозирги ўзбек тилида феълнинг беш хил *даража формаси* бор: бош даража, ўзлик даража, мажхул даража, биргалик даража, орттирма даража». Ёки: «Предмет, ҳолат, ҳодисанинг турли-туман ўзига хос конкрет ҳамда абстракт белгилари бўлади. Бундай белгилар нормал бўлиши мумкин ва шу нормалликка нисбатан ортик ёки кам, паст ёки баланд бўлиши мумкин. Бу ҳодиса сифатнинг даража формалари ёрдамида ифодаланади. Ҳозирги ўзбек тилида сифатнинг *даража формалари* куйидагича: оддий даража, орттирма даража, озайтирма даража, қиёсий даража». Феъл даражалари атамаси ҳодисанинг моҳиятини англаштида, шунингдек, семантик нуқтан назардан муваффақиятли чиққан атама ҳисобланмайди. Шу сабабли кенг жамоатчиликка маълум бўлган нисбат терминининг ўзини қўллаш маъқулдир.



Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, маълум соҳада тушунча ва ходисанинг моҳиятини тўғри англаётган ва амалда кенг қўллаётган терминларга бошқа бир муқобил сўз топиш ижобий натижа бермайди. Терминологиядаги омонимияни вужудга келтирувчи омиллар ва уларни бартаъаф этиш йўллари тадқиқ қилиш, соҳалар терминологиясини тартибга солиш ва унификация қилишда муҳим аҳамиятга эга.

## Музейшунослик атамаларини ўрганилиш масаласи

*Лобар Рафиева,  
магистрант*

Маълумки, тилнинг луғат таркиби янги сўзлар ҳисобига доимо бойиб боради, бу билан тил ҳам тараққий этади. Фан ва техника ривожланган сари истеъмолга кирган янги сўзларнинг асосий қисмини терминлар ташкил этмоқда. Таъкидлаш лозимки, фан ва техника тараққиёти янги терминларни вужудга келтирибгина қўймайди, аини замонда, терминлар илм ва технологиялар ривожига ҳам замин яратади. Шунинг учун терминологик жиҳатдан илмий ишланмаган фан ёки ишлаб чиқариш соҳаси кутилганидек ривожлана олмайди. Жамиятдаги ҳар қандай ўзгариш, биринчи навбатда, тилда ўз аксини топади. Жамият тараққиётидаги маълум бир даврларда у ёки бу соҳа терминологиясининг муайян бир тор доира қўламадан чиқиб, умумсалқ нутқда ҳам кенг фойдаланиш ҳолатлари кузатилади.<sup>1</sup> Ўзбекистон мустақиллиги йилларида ижтимоий-иқтисодий терминологияга, шу жумладан, музейшуносликка оид қўллаб терминларнинг ўзбек адабий тилининг луғат қатламига сингиб бориб, расмий ва оммавий нутқда кенг қўламада қўлланилишини кузатиш мумкин.

Музейшуносликнинг кенг қўламада ривожланиши ва унда замонавий иш услубларини қўлланилиши ҳозирги кунда янги атамаларни пайдо бўлишига, эскиларининг маъно ва мазмунларини ўзгаришига олиб келяпти. Шунга кўра, амалга оширилиши кўзда тутилган илмий тадқиқотимизнинг асосий мақсади ҳозирда мавжуд бўлган кўпгина музей атамаларини тўплаш ва тартибга солиш, улар орқали фойдаланаётган луғавий маъно гуруҳларини аниқлаш, соҳа терминларининг ясаллиш усуллари аниқлаш, номақбул термин ясаллишларига муносабат библириш, шунингдек, илмий муомалага эндигина кирган атамаларнинг нутқдаги ўрнини мустаҳкамлашдан иборат. Бугун музейшунослик фан сифатида ривожланиб бораётган пайтда, ундаги мавжуд муаммоларни ҳал этиш давр талаби бўлиб қолди. Бу долзарб муаммолар ичида музей иши “атамалар” ига бўлган эҳтиёж кун сайин ортиб бормоқда. Дастлаб дунёнинг беш тилида музей атамалари луғат китоби, кейинчалик 12 тилни ўз ичига оладиган халқаро луғат тайёрланган.<sup>2</sup> Ўзбек музейшунослиги бошқа фанлар каби ўзининг махсус атамаларини жамлаган луғат китобига эга эмас. Ана шу ҳол

<sup>1</sup> И. Йўлдошев. Ўзбек китобатчилик терминологияси. -Т.: Фан, 2004, 97 б.

<sup>2</sup> Терминологические проблемы museологии. - М.: 1986, стр 7.

соҳанинг ёш ходимлари музейларга ташриф буюрганларга шу соҳани ўрганишида маълум қўйишни тўғдирмоқда. Музей атамаларини ўрганишнинг аҳамияти яна шунда кўринадики, республикада музейшуносликнинг шаклланиши, тарихий тараққиётига ҳос хусусиятлар, терминлар ихтисослашувининг ўзига ҳос томонлари, унинг ташкилий тузилмалари, музейда олиб бориладиган илмий тадқиқотларнинг услубий муаммоларини кенг қўламда ёритилиши ҳам кўп жиҳатдан музей терминологиясининг қанчалик ўрганилишига боғлиқ.

Музей атамалари, биринчи навбатда, фақат музейшуносликда қўлланадиган ва бошқа соҳалардан ўзлашаган сўзларни ўз ичига олади. Этади. Музейшунослик лексикаси ўзининг хилма-хиллиги билан ажралиб туради. Айрим сўзлар умумий маънони ифодалайди ва бу билан музейшуносликда илмий йўналишларни шакллантиради, бошқалари музейларнинг ички ихтисослашув ишларига боғлиқ бўлади, қолганлари маълум бир жой, ҳудуд ёки воқеаларни белгилайди.

Музейшунослик терминларини ўрганишда бир-биридан фарqli куйидаги уч гуруҳга ажратиб ўрганиш мақсадга мувофиқ бўлади:

1. Музейшуносликнинг ташкилий бошқарув лексикаси (музей, музей соҳаси ва бошқалар).
2. Музей ишини белгилайдиган лексика (кўриниш-экспозицион ишлар ва жамлаш).
3. Музей буюмлари лексикаси.

Бундай бунёдларнинг амалий жиҳати шу билан асосланадики, музей терминологиясининг ривожини, биринчи навбатда, музейшунослик фаолияти, музейлар, хазина (фонд), музей ишлари, экспозиция, музей буюмларининг ўзбек тилида қанчалик аниқ ва тўғри ифодаланишига боғлиқ.

Музейшунослик терминларини ўрганишда фақат соф ўзбекча лексик бирликлар билан иш кўриб бўлмайди, чунки бу терминларнинг анча қисмини бошқа тиллардан ўзлаштирилган лексемалар ташкил этади. Шу нарса аниқки, ўзбек тили луғат таркибининг бойлиги ва такомиллашувида ташқи манбалар муҳим роль ўйнайди. Умуман, дунёда ҳеч бир тил бошқа тиллардан мутлоқ ажралган ҳолда ривожлана олмайди. Шу сабабли ҳар қандай тилнинг луғат таркибида шу тил билан ўзаро алоқада бўлган бошқа тилларнинг элементлари мавжуд бўлади. Халқлар ўртасидаги ўзаро муносабатлар негизида тиллараро сўз алмаштириш ёки ўзаро сўз ўзлаштириш ҳодисаси содир бўлади. Чунки халқлар ўртасида содир бўлган ўзаро муносабатлар натижасида ўзлашган моддий ашёлар ва маънавий-маърифий туғунчалар билан бирга, ўз навбатида, уларни ифодилловчи лексемалар ҳам ўзлашади. Бу ўзлашмаларнинг маъносини ўзбек тилида ихчам ифодалаш қийин. Масалан, қуйидаги терминларнинг изоҳига элтиб берайлик: *аппликация* (лотинча "ёпиштириш" деган маънони билдириб, газлама, қоғоз ва бошқа материалларга бошқа газлама, қоғознинг ҳар хил шаклларида кесилган бўлақларни ёпиштириш ёки тикиш йўли билан

безашдир); *диорма*(бош планига фазовий буюм билан, орқа тарафига тасвирий санъат аралашмаси билан қурилган ўзига хос экспозиция асари).

Айрим терминлар, масалан, *ахроматик ранг*(грекча “рангсиз” деган маънони билдириб, улар бир-биридан қабул қиладиган ёки таркатадиган ёруғлик билан фарқ қилади); *ҳазина дублет*(камида уч нусхадан иборат илмий-ёрдამчи буюмлар) кабилар ярим калъкалаш усулида ўзлаштирилган.

Хуллас, музей терминларининг ясалиши, тўғри қўлланишини ўрганиш ва уларни она тилимиз табиатига мувофиқлаштириш муҳим илмий-амалий аҳамиятга эга.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. М. Бекмуродов, М. Рашидова. Музейшунослик. - Тошкент, 2006.
2. Терминологические проблемы музееведения. - М.: 1986.
3. И. Йўлдошев. Ўзбек китобатчилиқ терминологияси, -Т.: Фан, 2004.
4. “Мо...айдан садо” журнали, 1999 й., 1-2 сонлар.
5. Э. Бегматов. Ҳозирги ўзбек адабий тилининг лексик қатламлари. -Т.: 1985

### Товушлар бағридаги бадийят

*Марҳабо Самадова  
магистрант*

Ҳар бир халқни миллат даражасига олиб чиқувчи дастлабки воситалардан бири бу унинг миллий тили ҳисобланади. Халқ мана шу тили орқали жаҳон юзини кўради. Шу билан ҳам тилини миллат кўзгуси, дея эътироф этишади. Дастлаб тилнинг имкониятлари унинг бадий адабиёти орқали намоён бўлади. Бадий адабиёт эса ўз навбатида турли эмоционал – экспрессив, эстетик ҳолатларини ифодаловчи тил бирликларисиз шаклланмайди.

Тилнинг эстетик таъсирчанлиги масаласи тилшунослиқдаги муҳим ва асосий масалалардан бўлиб ўз навбатида бадий адабиёт тилини ҳам сўз эстетикаси, эстетик таъсир этувчи эмоционал-экспрессив воситаларисиз тасаввур қилиб бўлмайди. Бадий асар тилининг эстетик таъсирчанлиги тушунчаси кенг тушунча бўлиб, эстетик таъсирчанлик тилнинг бошқа шаклларида ҳам мавжуд. Чунончи, умумхалқ тилида ҳам эстетик таъсир этувчи ифодали воситалар кўплаб мавжуд бўлганидек, оддий сўзлашув тилига хос бўлган кўпгина луғавий бирликларда ҳам эстетик таъсирчанлик кўп. Бироқ, бундай воситаларнинг кучли таъсири, худди мана шу воситаларнинг барчасини камраб олган бадий адабиётда яққол сезилади ва янада ошади. Шунинг учун ҳам эстетик таъсирчан воситаларнинг кўплаб қўлланиши бадий адабиёт тилининг ўзига хос хусусиятиларини белгилувчи омиллардан биридир.

Бадий адабиёт тили умумхалқ тилида мавжуд бўлган барча воситаларни ўзида акс эттиргани учун ҳам адабий тилнинг ривожланиш босқичига бевосита таъсир этиб боради. Бадий адабиёт тили бадий матнлар асосида кўринади. Сабаби уни бойитиб борувчи воситалар дастлаб бадий матнларда акс этади. Бадий матн образлигини очиб берувчи

ҳолатларни эса тилнинг турли хил бирликлари ифодалайди. Улар товуш, сўз, луғавий бирлик, тасвирий ифода кабилардан иборат бўлиши мумкин. Шулардан тилнинг энг кичик бирлиги бўлган товушлар услуби ҳам ўзига хос аҳамият касб этади. Бу аҳамият шундан иборатки, мана шу биргина товушнинг бадий матнда эмоционал – экспрессив, таъсирчан ҳолатларнинг ифодаси сифатида қўлланиши муаллифнинг ўз китобхонига етказмоқчи бўлган турли мақсадларига бўйсундирилади. Товушлар бадийяти хусусида сўз кетар экан, шу ўринда бадий матн тахлилига бевосита алоқадор бўлган услубшуносликнинг фоностилистика деб номланувчи тармоғига эътибор қаратмоқчимиз. Маълумки, “Фоностилистика” термини тилшуносликда биринчи марта Н.С.Трубецкой томонидан таклиф қилинган эди.<sup>1</sup> Кейинчалик бу соҳа “товуш стилистикаси”, “стилистик фонетика” ёки “фонетик стилистика” деб аталадиган бўлди.<sup>2</sup> О.С.Ахманова луғатида фонетик стилистикада куйидагича изоҳ берилади: “Фоностилистика сўз вариантларидаги экспрессив хусусиятларни ўрганувчи стилистиканинг бўлиמידир”.<sup>3</sup> Фонетик стилистиканинг янада муҳим жиҳатлари ҳақида ўзбек тилшунослигида ҳам бир қатор илмий изланишлар олиб борилган бўлиб, олимларимиз юқоридаги таърифларга қўшимча фикрларни ҳам қайд этиб ўтганлар. “Фонетик стилистика фақат сўз ва сўз бирикмаларининг талаффуз вариантларинигина эмас, балки сўз маъноларини фарқлаш ва гап, жумла, абзац, бутун бир текст доирасидаги фоноэкспрессив хусусиятларни ҳам текширади...”<sup>4</sup> Фикр –мулоҳаза ва изоҳлардан кўринадики, бадий матндаги товушларнинг таъсирчанлик, эмоционал – экспрессив, эстетик вазифалари бутун бир соҳани камраб олади. Улар ўз вазифаларини қай даражада бажариш ёки бажармасликлари, албатта, бадий матнда муаллифнинг ижодий қобилияти асосида яққол намоён бўлади: *Жияни белиди кўшқўллаб кучоқлаб олмиш келин эшитилар- эшитилмас йиглаб борди: - Уввв-уввв-уввв... (Т.Мурод). Отамиз чап қўли онамиз бўзига борди...Онамиз: - Хрр-хрр-хрр...- этди. Отамиз пснжалари тагин- да ботди-ботди... - Хрр- хрр-хрр... Онамиз ияги юқорилади.Тагин юқорилади. (Т.Мурод).*

Берилган мисолларда муаллиф қахрамонининг ҳаракат ва ҳолатини фақат товушлар орқали ифодалаб беради.Матнда товушларни такрорий қўллаш ёрдамида муаллиф, бир сўзнинг ўзидаёқ инсон ички руҳий оламидаги турли ҳолатларни: тушқунлик ёки аксинча ҳаяжон қайфиятни акс эттиради.

*...Қамчи ўрими билан этиги кўнжсини қамчилади, оғир –оғир одимлади.Зинадан пастлади. Шунда ичкаридан: - У – у – уф !- демиси оҳ келди. Аёли! (Т.Мурод) Ерда ётмиш кўйи отамиз кетидан қарайман. – Ота – а – а! Фонуслар лоп- лоп этиб боради – Ота – а – а ! Отамиз Қизил милтиқ тигида кетади. (Т.Мурод).*

<sup>1</sup> Т.Трубецкой Н.С. Основы фонологии.М.,1960. стр.35

<sup>2</sup> Кузнецов.М.Д.,Скребнев Д.М.Стилистика английского языка.М.,1960;стр95 Арнольд И.В. Стилистика современного английского языка.М;1981.стр 208-209.

<sup>3</sup> Ахманова О.С.Словарь лингвистических терминов.М,1969.стр 499

<sup>4</sup> Дониёров Х., Йўлдошев Б.Адабий тил ва бадий стиль. Ўзбекистон, “Фан”,1988й, 71-бет.

Бадий матнда яна шундай ҳолатларни кузатиш мумкинки, биргина товушнинг ўзи бутун матн мазмунини ифодалайди. Яъни таркибида товушлар такроран мавжуд бўлган гап мазмунидан киноя, кесатик, миннагдорлик, хурсандлик, рухий сиқилиш, хафа бўлиш, кучли ҳаяжон каби маъноларни англаб олиш мумкин. Товушлар табиатидаги ушбу ҳолатлар бевосита уларнинг фонографик восита сифатидаги ўрнидан келиб чиқади. Қолаверса, товушларда яна шундай хусусият ҳам мавжудки, улар матннинг бадий салоҳиятига ижобий таъсир этувчи бир қанча фонетик усулларни юзага келтиришда муҳим омил бўлиб хизмат қилади. Бундай усуллар сирасига геминация, аллитерация, ассонанс кабиларни киритиш мумкин. Демак, “бадий нутққа интонацион бутунлик, оҳангдорлик ва эмоционал – экспрессивлик бағишлаш мақсадида қўлланадиган фонетик усуллар”<sup>5</sup> асосида ҳам бевосита товушларнинг фаол ҳаракати ётади. Бундай ҳаракат эса асар тилини янада бойитади, унинг бадий салмоғини оширади.

### Академик лицейларда феъл туркумини ўқитишда замонавий педагогик технологияларни қўллаш

*Зухра Тожиева  
магистрант*

Бизга маълумки, ўқитувчи тинимсиз ўз устида ишловчи ижодкор ва мисли бетакрор санъат асарини яратувчи “буюк санъаткор”дир. Ана шундай “санъаткор”лик даражасига эришиш учун у доим изланишда, ҳаракатда бўлади. Айниқса, бугунги кунда баркамол авлодни тарбиялаш, таълим сифатини оширишга алоҳида эътибор қаратилган. Демак, таълим сифатини ошириш учун биз ташкил қилмоқчи бўлган дарсимиз мисли бир такрорланмас ва ўқувчилар учун мисоли бир ўқилмаган қизиқарли бадий асар сингари бўлиши лозим. Биз ана шундай мақсадни амалга ошириш ниятида айрим замонавий педагогик технологияларни таълим жараёнига тадбиқ этиш тўғрисида мушоҳада юритишни жоиз деб билдик.

Бизга маълумки, академик лицейларда феъл сўз туркумини ўрганиш бўйича 12 соат дпурс ажратилган. Бу мавзуни ўқитиш жараёнида талабаларга феъл мустақил сўз туркуми эканлиги, феълнинг хосланган шакллари, нисбати, майли, феъл замонлари, бўлишли ва бўлишсиз, ўтимли ва ўтимсиз феъллар, феълнинг ясалиш шакллари ҳақида маълумотлар берилади.

Биз ана шу мавзуларни ўтиш жараёнида замонавий педагогик технологиялардан айрим методларни қўллаш ҳақида мушоҳада юритмоқчимиз.

“Феъл нисбатлари” мавзусини яқунлагач, мавзуни мустаҳкамлаш жараёнида “Чархпалак” методини қўллаш орқали талабаларнинг мавзуни қай даражада ўзлаштириб олишганини қисқа вақт ичида аниқлаб оламиз. Биз бу

<sup>5</sup> Йўлдошев М. Бадий матн ва унинг лингвопоэтик таҳлили асослари. Т: “Фан” 2007, 46-бет

жараёни амалга оширишимиз учун куйидагича жадвални талабаларга таркатамиз.

**“Чархпалак”**

қўшимчалар	аниқ нисбат	биргалик нисбати	мажмул нисбати	ўзлик нисбати	нисбат қўшимчалари эмас
-ни -иш -ғиз,-қиз -дир -та -и -ир -илла -ар -из -ил -зор -т					

Бу жадвалга талаба қайси қўшимча қайси нисбатга хос бўлса, ўша қаторга юлдузча (\*) белгисини қўяди. Қисқа вақт ичида талабанинг бу мавзунини қай даражада ўзлаштирганини аниқлаб оламиз.

Бу методни талабалар билан кичик гуруҳларда ёки паст ўзлаштирувчи талабалар билан яқка тартибда амалга оширишимиз мумкин.

Таълим жараёнида феъл туркуми бўйича талабаларда билим ва кўникма хосил қилиш жараёнида “3/3” методини қўллаш ҳам жуда катта натижа беради. Дарс жараёнида бу методни қўллашдан мақсад-талабалар томонидан мавзунини пухта ўзлаштиришга эришиш билан бирга уларни фаолликка ундаш, уларда ҳамкорликда ишлаш ҳамда мантикий тафаккур юритиш кўникмаларини шакллантиришдан иборат. Бу методни қўллаш орқали талабалардан ўрганилаётган мавзу юзасидан тахлилий мулоҳаза юритиш, шунингдек, энг муҳим таянч тушунчаларни ифода қилиш талаб этади. Унга кўра мавзу юзасидан учта тўғри ва унга тенг нисбатда бўлган ва ноўрин қўлланилган тушунчалардан иборат тизимни шакллантиради. Талабалар ушбу тизимдан мавзуга тааллуқли бўлмаган тушунчаларни ажратадилар ва ҳаракатларнинг моҳиятини изоҳлайдилар. Масалан, айнан шу методни “Феъл – сўз туркуми” мавзусини ўқишдан олдин талабаларнинг умумтаълим мактабида феъл туркумини қай даражада ўзлаштириб олишганликларини аниқлашимиз мумкин. Бу жараёни амалга ошириш учун индивидуал ёки гуруҳ шаклидан фойдаланишимиз мумкин. Гуруҳ шаклида бу усулни амалга ошириш учун куйидагича таянч сўзлардан фойдаланишимиз мумкин. Талабаларни икки гуруҳга ажратиб оламиз ва уларга куйидагича кўринишдаги таянч сўзлар ёзилган қирқма қоғозларни таркатамиз:

*эгаллик // шахс-сон*

*нисбат // даража*

*келишик // замон*

*функционал шакллар // кичрайтириш шакли*

кўлик // майл  
тусланиш // турланиш каби.

Талабалар белгиланган вақт ичида феъл туркумига оид бўлган тушунчаларни аниқлайдилар ва дахлдор бўлмаган тушунчаларни тизимдан чиқарадилар. Ўзлари тааллуқли деб топган тушунчаларни қисқача шарҳлаб берадилар. Бу усулни янги мавзуни ўтишдан олдин қўллаш, талабаларни илмий ва амалий изланишга ундайди ва дарс жараёнида жуда катта самара беради.

Демак, дарс жараёнига замонавий педагогик технологияларни тадбиқ қиларканмиз, аввало, ўқувчиларнинг ёш хусусияти ва билим савиясини ҳисобга олган ҳолда тўғри ва ўринли танлашимиз лозим.

### Феъл+феъл типдаги бирликларда модаллик

Зебо Матюсупова  
магистрант

Ўзбек тилшунослигида феъл+феъл типдаги бирликлар бўйича бир неча тадқиқотлар яратилиб, бу тадқиқотларда бу мавзу қўшма феъл, кўмакчи феълли сўз қўшилмаси, аналитик форма, ёрдамчи феъл, перифрастик формалар, ҳаракат тарзи шакли, феълнинг луғавий шакли каби номлар билан юритиб келинади. Бу борада тилшунос олимлар проф. А. Ғуломов, акад. А. Ҳожиёв, У. Турсунов, Ж. Мухторов, О. Шукуров, Б. Баҳриддинова<sup>72</sup> ларнинг хизматларини алоҳида қайд этиш лозим.

Акад. А. Ҳожиёв кўмакчи феълли сўз қўшилмасининг қўшма феълдан фарқини кўрсатиб, шундай дейди: “Етакчи ва кўмакчи феълдан ташкил топган бирикувларда бирикув таркибидаги сўзлардан фарқланувчи бошқа янги бир сўз ҳосил бўлмайди, балки биринчи феъл ўз маъносини сақлайди ва у асосий (етақчи) феъл ҳисобланади. Кейинги феъл эса унга қўшимча маъно беради. Шу сабабли у кўмакчи феъл ҳисобланади”<sup>73</sup>. Олим бу шаклни феълнинг аналитик кўринишдаги нокатегориал шакли деб юритади<sup>74</sup>.

Ҳаракат тарзи шакли атамаси илк бор кўмакчи феъл истилоҳи ўрнида умумтаълим мактабларининг 6-синфи учун “Она тили” синов дарслигида истеъмолга киритилди ва уларга “ҳаракатнинг давомийлиги ёки қисқалиги, мунтазам ёки узлуксизлиги, кутилмаганлиги, феълнинг ҳаракатни бажара олиш ёки бажара олмаслиги каби ўнлаб маъно нозикликларини ифодалайди”<sup>75</sup>, – деб таъриф берилади. Бу шаклдаги бирикувга нисбатан кўмакчи феъл атамаси эмас, ҳаракат тарзи атамаси кўпроқ тўғри келишини таъкидлаб, “...бу шакл фақат кўмакчи феълдангина иборат эмас, равишдош шакли+кўмакчи феъл кўринишдаги мураккаб қурилишга эга синтетик-

<sup>72</sup> А. Ғуломов. Феъл. – Тошкент, 1955.; А. Ҳожиёв. Ўзбек тилида кўмакчи феъллар. – Тошкент, 1966.; О. Шукуров. Ҳаракат тарзи шакллари парадигмаси. НД. Қарши, 2004.; Б. Баҳриддинова. Феъл луғавий шакллари тизими. Тур категорияси. НД. Қарши, 2007.

<sup>73</sup> А. Ҳожиёв. Феъл. – Тошкент: Фан, 1973, 13-б.

<sup>74</sup> А. Ҳожиёв. Ҳозирги ўзбек тилида форма асалиши. – Тошкент: Ўқитувчи, 1979, 63-б.

<sup>75</sup> Ҳ. Нейматов, А. Ғуломов, М. Абдурайимова, Н. Қосимова. Она тили. 6-синф учун дарслик. (синов). – Тошкент: Ўқитувчи, 1998, 52-б.

аналитик шаклдир”, дейди<sup>76</sup>. Баъзи тилшунослар кўмакчи феъли сўз кўшилмасини нисбат, бўлишли-бўлишсизлик шакллари каби феълнинг луғавий шаклларида бири эканлигини таъкидлайди<sup>77</sup>.

Етакчи ва кўмакчи феълдан ташкил топган бирикувларда етакчи феъл равишдошнинг *-(и)б, -а/й* шаклларида бўлиб, асосий маънони ифодалайди. Кўмакчи феъл эса ўз маъносини эмас, кўшимча грамматик маънони ифодалашга хизмат қилади. Кўмакчи феъллар ўз маъноларини равишдош шаклидаги етакчи феъл билан биргаликдагина воқелантиради. Чунки, масалан, ўқий олмоқ шаклида “қодирлик”, “қобилият” маънолари юзага чиққан бўлса, ўқиб олмоқ шаклида “адресат” ёки “субъект манфаатига йўналиш” маънолари воқеланади ва равишдош шаклининг алмашиши билан юзага чиқаётган маънода ҳам кескин ўзгариш содир бўлади. Бунда кўмакчи феълларнинг баъзилари бир маъноли, баъзилари эса кўп маънолидир. *Бошла* кўмакчи феъли бир маънога эга бўлса, *ол, қўй, тур, қол* кўмакчи феъллари бирдан ортиқ маънога эга.

Биз ушбу мақолада *қол* кўмакчи феълнинг маънолари, қўлланиш хусусиятлари ҳақида тўхталамиз.

Бу кўмакчи феъл етакчи феъл билан бирикиши уч хил: 1) етакчи феълга равишдошнинг *-(и)б* шакли орқали: кутиб қолди; 2) *-а/й* шакли орқали: юра қол; 3) ҳеч қандай шакллрсиз: кетди-қолди.

*Қол* кўмакчи феъли қуйидаги маъноларни ифодалайди:

1. Ўтимсиз феъллар билан бирикканда ҳаракатнинг бажарилиши ва ҳолатга айланиши (ҳолатнинг юзага келиши) маъносини ифодалайди: Елкам оша орқага қарадимۇ тап этиб *ўтириб қолдим*. Боядан бери хатни булбулигўдек ўқиётган Потма келин ҳам *тўхтаб қолди*<sup>78</sup>.

2. *Қол* кўмакчи феъли баъзи ўтимсиз феъллар билан бирикканда етакчи феълдаги ҳаракат-ҳолатнинг давомчилиги маъноси ифодаланади: Ойим хайратдан кўзларини катта-катта очиб, бир зум *тиқилиб қолди*. Ёмғир остида бир зум *туриб қолдим*.

3. *Қол* кўмакчи феъли баъзи феъллар билан бирикиб, етакчи феълдаги ҳаракатнинг бажарилишига яқинлашганлик маъноси ифодаланади: Унинг онаси ҳам анча ёшга *бориб қолган эди*. Менимча, мажлис ҳам охирлаб *тугаб қолди*.

4. Етакчи феълдаги ҳаракатнинг қутилмаган, тасодифий ҳаракат эканлиги маъносини билдиради: Ўчоққа олов ёққан эдимки, кўча эшиги тагин *тақиллаб қолди*. Ойим боядан бери ичида қизиб ётган гапни ҳовлиқиб *айтиб қолди*.

5. Етакчи феълдаги ҳаракатни амалга ошириш учун мавжуд бўлган шароит ғанимат, қўлдан бой бериб бўлмайдиган шароит эканлиги маъноси ифодаланади: Бу дунёда одам ўзиниям ўйлаши керак, улуг одамсиз, *ўйнаб-қулиб қолинг*.

<sup>76</sup> О.Шукуров. Ҳаракат тарзи шакллари парадигмаси. НД.-Қарши, 2004. 15-6.

<sup>77</sup> Б.Баҳриддинова. Феъл луғавий шакллари тизими. Тур категорияси. НД.Қарши. 2007. 47-6.

<sup>78</sup> Мисоллар Ў.Ҳошимовнинг “Икки эшик ораси” асаридан олинган.



Қол кўмакчи феъли равишдошнинг –а/й шакллари билан ясалган турига бирикканда турли маъно нозикликларини ифодалайди:

1. Етакчи феълдаги ҳаракатни бажаришга рухсат, розилик, хайрихоҳлик маъноси: Яхши, сен бориб бу ишни *бажара қол*. Кеч қолмасдан *бора қолинглар*.

2. Ишнинг мақсадга мувофиқ, осонлик ва тезлик билан бажарилиши маъноси: У менга ҳеч қандай ўйлаб ўтирмасдан рухсат *бера қолди*.

3. Шарт майли шаклида бўлганда, ҳаракатнинг тез бажарилишига хоҳиш-ихтиёрнинг кучлилиги: Уруш тезроқ *тугай қолса*.

Қол кўмакчи феъли етакчи феълга ҳеч қандай воситасиз унинг шахсон билан шаклига бирикади: Боши ёстикка тегди дегунча *ухлайди-қолади*.

Демак, қол кўмакчи феъли ҳар учала ҳолатда ҳам етакчи феъл билан биришиб, асосий феълдаги ҳаракатнинг бажарилиши билан боғлиқ турли маъно нозикликларини ифодалашга хизмат қилади.

## Киноя ва унинг бадиий матида қўлланилиши

Шоира Мираҳмедова

магистрант

Бадиий асарнинг китобхон қалбидан чуқур жой эгаллаши асар тилида қўлланилган кўчимларга ҳам боғлиқ. Кўчимлар айрим илмий адабиётларда “тропла” деб номланади ва қуйидагича таснифланади:

1. Сўз маъносининг миқдорий кўчишига асосланган троплар:

1) гипербола; 2) мейозис.

2. Сўз маъносининг сифатий кўчишига асосланган троплар:

а) метафора; б) метонимия; с) ирония.

Биз ушбу мақолада киноя ва унинг бадиий матида қўлланилишига тўхталиб ўтамиз.

Киноя “тил бирлигини унинг ҳақиқий маъносига қарама-қарши маънода, кесатик, қочирим, пичинг билан ишлатилиши”га асосланган ва бадиий адабиётда қадимдан таъсирчан ифодалар яратишда қўлланиладиган усуллардан биридир. Европа адабиётшунослигида бу ҳодиса ирония деб аталади. Унинг антифраза ҳамда сарказм деб аталувчи кўринишлари мавжуд.

Ўзбек адабиётида бу ҳодисадан муваффақиятли фойдаланган ёзувчилар сирасига Абдулла Қаҳҳор, Саид Аҳмад, Мурод Муҳаммад Дўст, Ўткир Ҳошимов ва бошқаларни киритишимиз мумкин.

Ҳар бир ижодкор ўзининг бадиий ниятига мос тасвир усули ва воситаларини танлайди. Бадиий матннинг жозибadorлиги, мазмундорлиги, раvon ва пухталиги, энг аввало, ёзувчининг тил материалларидан қай даражада фойдалана олишида, сўзларни тежамкорлик ва ўз ўрнида қўллай билишида намоён бўлади.

Абдулла Қаҳҳорни “сўз сеҳргари” деб бежизга айтишмайди. У ўзининг хикоя ва қиссаларида киноядан бениҳоя катта маҳорат билан фойдаланган. Адибнинг “Синчалак”, “Майиз емаган хотин”, “Адабиёт муаллими”, “Нутқ” каби ҳақвий асарларида киноянинг турли кўринишлари акс эттирилганига

гувоҳ бўламиз: “Милиционер дарров ўрнидан турди ва унинг кетидан лужини ишириб, ҳуштак чалганича қола берди.

–Қаландаров шу куни кечкурун автоинспекцияга кирибди, – деди Носиров кулиб. –Ўша милиционерни тотиб узр сўрабди. Милиционер начальнигига рапорт берар экан. Қаландаров тоза ялинибди: “Жон ука, начальникка рўпара қилиб эркак қадамимни букма, қанча штраф олсанг, “ол”, деб чўнтагини тугибди. Автоинспекциянинг начальниги хотин киши экан....

Саида тикқиллаб кулиб юборди.

– Сояда ўсган раислардан, – деди кулги ёшини артиб...”<sup>79</sup>.

“Синчалак” қиссасида Саида ва Қаландаров ўртасидаги даҳанаки зиддият кинояга асосланган «нимкоса»ли нутқ орқали очиб берилган. Бундан ташқари асарда Арслонбек Қаландаров Саида Алиевани “синчалак”ка, Саида эса Қаландаровни “хўроз”га ўхшатади. Адиб бу ўринларда ҳам киноя санъатидан маҳорат билан фойдалана олган ва китобхонга янада тушунарли бўлиши учун асар қаҳрамонларига ном танлашда ҳам усталик қилган.

“Майиз емаган хотин” ҳикоясида Мулла Норқўзи образи ироник бўёқларда тасвирланади: “Аёл киши эркакка қўл бериб сўрайдими, бас!.. Рўза тутган киши овзани чайқаса, сув томоғига кетмаса ҳамки, рўза очилади – шу овиз чайқашдан баҳра олади-да! Абдулҳакимнинг қизига уста Мавлоннинг ўғли бир ҳовуч майиз берганини ўз кўзим билан кўрганман. Ҳаё борми шуларда? Шариат йўли – ҳўп йўл. Ўн бир яшарида паранжи ётинмаган қиздан қўлни ювиб қўлтиққа ура беринг. Паранжи ҳаёнинг бир пардаси-да”.

Бадийий матнда киноядан китобхоннинг эстетик завқини шакуллантиришда, фикрни бадийий бўёқларда ифодалашда, энг асосий гапни «коса тагида нимкоса» тарзида чистонли қилиб бериш мақсадида фойдаланилади.

## Абдулла Орипов шеърятида боғловчисиз қўшма гаплар

*Ҳосият Қутлимуродова  
магистрант*

Шеърят тили бадийий адабиёт тилининг характерли кўриниши бўлиб, у проза тилига нисбатан лингвистик сиқик, сайқалланган, жарангдор ва оҳангдорликка асосланган, қофия, инверсия, лексик ва тасвирий воситалар асосига қурилган поэтик нутқдир<sup>80</sup>.

Ўзбек тилшунослигида боғловчисиз қўшма гаплар тадқиқига махсус монография ишлар бағишланмаган бўлса-да, мазкур мавзунини мутолқ ишланмаган деб бўлмайди. Ушбу мавзу бўйича айниқса, Ғ.Абдурахмонов ва М.Асқарова каби етакчи тилшунослар томонидан айтилган фикрлар муҳим аҳамиятга эгадир.

<sup>79</sup> Абдулла Қаҳҳор. Қиссалар. Синчалак 5 жилдик. 3-жилд. 46-бет.

<sup>80</sup> Муҳаммадҷонова Г. 80-йиллар охири ва 90-йиллар бошлари ўзбек шеърятининг лингвопоэтик тадқиқи. НД, Андижон, 2005, 7-б.

Ғ.Абдурахмоновнинг имлмий монографик ишларида таркибий қисмлари боғловчи вазифасидаги сўзларнинг ёрдамсиз алоқага киришиб, яхлит бир фикрни ифодаловчи қўшма гапларнинг махсус тури боғловчисиз қўшма гап саналиши таъкидланган ва бундай гапларда оҳангнинг ҳамда айрим лексик воситаларнинг мавқеи ошиши алоҳида уқтирилади<sup>81</sup>. Боғловчисиз қўшма гапларнинг тузилишида айрим сўзларнинг қўлланилиши, умумий иккинчи даражали бўлақларнинг бўлиши, маълум гап бўлақларининг ҳар икки исм таркибида такрорий қўлланилиши каби омиллар восита бўла олишини кўрсатади ва бу билан бундай синтактик қурилмаларнинг микроматн қолипиди тақозо этиши ҳақидаги фикр далили учун замин яратади<sup>82</sup>.

М.Аскарова боғловчисиз қўшма гапларни таркибий қисмларининг ўзаро муносабатига қараб боғланган ёки эргаш гапли қўшма гап дейиш қийинлиги, бундай қўшма гаплар баъзан тузилишига кўра боғланган қўшма гапга, мазмунан эса эргашган қўшма гапга ўхшашини алоҳида таъкидлайди<sup>83</sup>. Муайян семантик қуршов доирасига сиғиши мумкин бўлган гапларгина ўзаро алоқада бўлади ва ана шу семантик хусусият икки мустақил гапнинг синтактик муносабатга кириши учун имкон яратади. Шунинг учун деривация оператори вазифасини белгисиз ифодали, яъни ўзининг аниқ морфологик ифодасига эга бўлмаган унсур – семантик омил бажаради<sup>84</sup>. Тилшунос М.Сапарниёзова боғловчисиз қўшма гапларни: боғловчисиз паратаксис (тенглавиш асосидаги) ва боғловчисиз гипотаксис (тобеланиш асосидаги) конструкциялар каби турларга бўлиб ўрганади<sup>85</sup>.

Шеърят тилида боғловчисиз қўшма гапларнинг ишлатилиши характерли хусусиятлардан бири ҳисобланади. Боғловчисиз қўшма гап қисмлари баъзан икки қисмдан иборат бўлса, баъзан бир неча қисмдан тузилган бўлиб, мураккаб қўшма гап шаклида келади.

Боғловчисиз қўшма гап таркибидаги содда гапларнинг бирининг таркибида олмош иштирок этади, қўшма гапнинг иккинчи қисми эса ана шу олмошнинг мазмунини ёритади:

*Сен шоир умрини дема безавол*

*Унинг ҳам ҳар они ташвишига неша.* (Шоир умри)

Боғловчисиз қўшма гап таркибидаги биринчи содда гапга изоҳ талаб этувчи сўз келади, улар мазмунан изоҳ талаб этади. Иккинчи содда гап эса ана шу бўлақни изоҳлаб келади:

*Фарқимиз биттадир: сенинг тилинг йўқ,*

*Юрарга оёгинг, кетар йўлинг йўқ.* (Қайрағоч)

<sup>81</sup> Қаранг: Ғ.Абдурахмонов Қўшма гап синтаксиси. – Тошкент. 1964, 20-21-б.

<sup>82</sup> Қаранг: Ғ.Абдурахмонов Ўзбек тили грамматикаси. – Тошкент. 1996, 133-б.

<sup>83</sup> М.Аскарова. Ҳозирги замон ўзбек тилида қўшма гаплар. – Тошкент. 1960, 95-б.

<sup>84</sup> Турниёзов Б. Ҳозирги ўзбек тилида тенг компонентли мураккаб синтактик қурилмалар деривацияси. – Самарқанд, 2006, 57-б.

<sup>85</sup> М.Сапарниёзова. Ўзбек халқ тоғишмоқларининг синтактик-семантик хусусиятлари: Филол. Фаллари ноъзоди ... дисс. автореф. – Тошкент, 2005, 17-б.

Боғловчисиз кўшма гап таркибидаги содда гаплар таркибида айрим бўлақлар айнан такрорланиб келиши мумкин. Қуйидаги гапда эга вазифасидаги сўз айнан такрорланган бўлиб, ушбу тўрликда бешта содда гап мазмунан, боғловчиларсиз боғланган:

*Кимдир безар уни, кимдир бузади,*

*Кимдир борини ҳам қилади барбод.*

*Кимдир таъма билан дунё кезади,*

*Кимдир ўксик дилни этади обод. (Савоб)*

Баъзан иккинчи даражали бўлак – ҳол (ҳали) такрорланиши мумкин. Бунда баъзи мисраларда айнан шу сўзнинг ўзи эмас, унинг синоними (ҳамон) такрорланади. Ушбу мисраларда етгита гапдан бештаси таркибида ҳали сўзи, биттасида эса унинг маънодоши ҳамон сўзи такрорланган ва гаплар боғловчи воситаларсиз бириккан:

*Дунёда диёнат ҳали мавжуддир,*

*Ҳали мард йиғитлар яшаб юрибди.*

*Оналар оқ сути ҳамон оқ сутдир.*

*Қуёш ҳам фалакда порлаб турибди.*

*Ҳали қай дилларда яшар тангри ҳам,*

*Ҳали афсоналар ўлиб кетмаган.*

*Ҳали соф туйғулар топмаган барҳам. (Диёнат)*

*Дарахтни ҳаммаша ўрайди шамол*

*Шоирни ташвишлар чулғар ҳаммаша. (Шоир умри)*

Боғловчисиз кўшма гап таркибидаги содда гаплар кесими баъзан бир хил шаклда, бир хил замонда келса, баъзан турли шаклда, турли замон кўринишида бўлади. Қуйида биринчи боғловчисиз кўшма гап кесимлари бир хил замонда, иккинчи гапда эса турли хил замон шаклида келган:

*Лекин бахтлидурсан, соя солурсан,*

*Баҳра олганлардан дуо олурсан. (Қайрағоч)*

*Ким ҳаққа ташнадир, ким меҳрга зор*

*Мен унга умримни этгүмдир фидо. (Қирқ ёш)*

Хулоса шуки, шеърнат тилида боғловчисиз кўшма гап жуда кўплаб учрайди. Уларда боғловчи воситалар иштирок этмаса-да, гапларнинг мазмунидан уларнинг қандай муносабатда эканини аниқлаш мумкин бўлади.

## Ўзбек тилида бош бўлақларнинг тема-ремастик функцияси

*Н. Маҳмудова  
магистрант*

Ўзбек тилида гапнинг актуал тузилиши синтактик тузилишга нисбатан бир мунча фарқ қилади. Актуал бўлиниш гапнинг мазмуний структураси билан боғлиқ бўлса, синтактик бўлиниш гапнинг грамматик структураси билан боғлиқдир. Шу маънода, тилнинг актуал бўлиниши билан

синтактик бўлиниш ўртасида маълум маънода ўзаро боғлиқлик ва фарқли жиҳатлар, мувофиқлик ва номувофиқлик мавжуд бўлади.

Гапнинг актуал тузилиши, асосан, икки қисмдан – тема ва ремадан ташкил топган бўлса, синтактик тузилиши эса бош ва иккинчи даражали бўлақлардан ташкил топган бўлади. Актуал бўлиниш ва синтактик бўлиниш ўртасидаги мувофиқлик, асосан, бош бўлақлар (эга ва кесим) иштирокида юзага чиқади. Бунда эга – темага, кесим – ремага мувофиқ келади.

Гапнинг грамматик структурасида бош бўлақлар етакчи аҳамиятга эга бўлиб, улар гапнинг асоси ҳисобланади. Иккинчи даражали бўлақлар гапнинг мазмунини, ахборот ҳажмини кенгайтиришга хизмат қилади.

Гапнинг коммуникатив структурасида эса жумлалар тема ва ремага ажраллади, холос. Шу боис иккинчи даражали бўлақлар иштирокида тузилган гаплар ҳамма ҳолатда ҳам актуал бўлинишга мувофиқ келавермайди. Содда ёйиқ гаплар, фақатгина эга ва кесим иштирокида тузилган содда гапларда бош бўлақлар тема ва ремага тўлиқ мувофиқ келади. Бунда эга ёки эга гуруҳи тема билан, кесим ёки кесим гуруҳи рема билан айнан бир хиллик, ўхшашлик касб этади, бири иккинчисини ифодалашга хизмат қилади.

Содда ёйиқ гапларда кўп ҳолларда эга тўлиқ тема позициясида кела олади. Агар жумла яхлитлигича янги хабарни ифодалаб, тўлиқ диктал сўроқка жавоб бўлганда эса актуал бўлинишга эга бўлмайди: *Кужеш чиқди – нима бўлди? Қор ёғди – нима бўлди?* каби ҳолатларда мазкур гаплар синтактик жиҳатдан икки қисмдан (*кужеш – нима? – эга, чиқди – нима қилди? – кесим; қор – нима? – эга; ёғди – нима қилди? – кесим*) ташкил топган бўлса ҳам, улар актуал бўлинишга: тема ва ремаларга ажралмайди.

Эга тема позициясида келганда, синтагматик мустақил жиҳатдан синтагматик тобе жумлага айланади. Тингловчи учун маълум бўлган ахборотни ифодалаб келади: *Ўзбек халқи (ким?) – эга – тема / жуда меҳмондўст – кесим – рема*. Мазкур гапта синтактик эга *ўзбек халқи* бирикмаси актуал жиҳатдан тема, синтактик кесим ҳисобланган *жуда меҳмондўст* бирикмаси эса актуал жиҳатдан рема бўлиб келяпти. Бунда коммуникатив мақсад *ўзбек халқи* тўғрисида янги ахборот беришдир.

*Бургутлар (нималар?) – эга – тема / бу ерга анча ўрганиб қолишган – кесим – рема*. Ушбу гапта эса синтактик эга ҳисобланган *бургутлар* актуал нуқтаи назардан тема, синтактик кесим саналган *ўрганиб қолишган* бирикмаси эса ўзи эргаштириб келган *бу ерга анча* сўзлари билан бир гуруҳни ҳосил қилиб, рема бўлиб келган. Аммо мазкур гапнинг коммуникатив мақсади бунда бошқа бўлиши ҳам мумкин. Бундай вазиятда гап бўлиқларининг синтактик сатҳдаги нормал тартиби бузилиб, қайси бўлақ тўғрисида ахборот берилиши лозим бўлса, шу бўлақ олдин, у ҳақда ахборот берувчи қисм эса ундан кейин келтирилади:

*Бу ерга / бургутлар анча ўрганиб қолишган* – коммуникатив мақсад бургутлар ўрганиб қолган макон тўғрисида ахборот беришга қаратилган;

*Бургутлар бу ерга анча / ўрганиб қолишган* – бунда эса *бургутларнинг* ўзлари яшайтган маконга жуда ҳам ўрганиб қолганликлари тўғрисида маълумот берилмоқда.

Бундай вазиятда коммуникатив мақсад талаби асосида гапнинг синтактик сатҳида ўзгариш юз беради. Биринчи жумлада *бу ерга* – тема, қолган қисм – рема, иккинчи жумлада *бургутлар бу ерга анча* – тема, қолган қисм – рема бўлиб келяпти. Демак, коммуникатив мақсад талаби асосида эга – тема билан, кесим ва кесим гуруҳи – рема билан мувофиқ келмаيғи ва синтактик ва актуал бўлиниш ўртасида номувофиқлик юзага келяпти.

Ўзбек тилида гапнинг синтактик структурасида эга асосан гап бошида келади: *Гулнор бугун ўзини жуда бахтиёр ҳис этди* (Ойбек); *Дехонлар даладан кеч қайтишди*.

Туркий тилларда гап бўлаклари тартиби эркинлигини инобатга олсак, эганинг гап ўртасида ҳам, охирида ҳам келиш ҳолатларига гувоҳ бўламиз: *Атрофни кузатиб турган пайтда қоровул жуда сергак эди* (А.Қаҳҳор).

*Бисёр бўлса азар бол ҳам беқадр,*

*Тақрор айтилганда, рангсиздир калом.*

*Бу ёруз оламда Ватан биттадир,*

*Биттадир дунёда Она деган ном!* (Абдулла Орипов)

Бироқ коммуникатив мақсад, актуал тузилиш нуқтаи назаридан гапнинг асосий эътибори қаратилган, мохияти очиб берилаётган қисми – тема ҳамisha ремадан олдин келади. Рема тема тўғрисида янги маълумот бериб ундан кейинда келади.

Синтактик эга гап бошида келган ўриндагина тема бўла олади. Чунки актуал жиҳатдан асосий эътибор қаратилган қисм гапнинг коммуникатив тузилишида биринчи ўринда келади. Бир гап турли коммуникатив мақсадни ифодалашга қаратилган бўлиши мумкинлигини эътиборга олсак, гапнинг синтактик сатҳида ўзгариш юз беради ва эганинг қўлланиш ўрни ўзгаради. Натижада эга тема позициясида кела олмайди: *Саида / Қаландаровнинг феълени яхши билмас экан* (А.Қаҳҳор). Бу жумлада синтактик эга *Саида* гап бошида келиб, актуал жиҳатдан темага айланган ва коммуникатив мақсад *Саида* тўғрисида (ким Қаландаровнинг феълени яхши билмас экан? - Саида) маълумот беришга қаратилган. *Қаландаровнинг / феълени Саида яхши билмас экан* жумласида эса коммуникатив мақсад Қаландаров эҳдида (кимнинг феълени? – айнан Қаландаровнинг феълени Саида яхши билмас экан) ахборот беришга қаратилган бўлиб, бу сўз тема сифатида гап бошида келган ва эга – *Саида* кесим гуруҳига қўшилиб, рема таркибига кирган. Бундай вазиятда эга тема позициясидан чиқиб кетади ва ремага функциясида келади.

Демак, синтактик бўлиниш актуал бўлинишга мувофиқ келган ҳолатдагина эга тўлиқ тема позициясида кела олади. Коммуникатив мақсад талаби асосида гапнинг синтактик сатҳида ўзгариш юз берган вазиятда эга ҳам тема позициясидан чиқиб, кесим гуруҳига қўшилиб, рема таркибига киради.

Ўзбек тилида гапнинг синтактик структурасида кесим марказий ўрин тугади. Эгани ўзига грамматик тобе қилиб, у ҳақда маълумот беришга хизмат қилувчи асосий бош бўлак кесим ҳисобланади: Ўқувчи вазифани пухта бажарди. Бу дунёда яхшилар ҳам кўп.

Гапнинг коммуникатив тузилишида эса рема марказий ўрин эгаллайди ва тема тўғрисида янги ахборот беради. Синтактик бўлиниш билан актуал бўлиниш мувофиқ келганда, кесим ва кесим гуруҳи тўлиқ рема позициясида келади.

Шуни таъкидлаш жоизки, фақат бош бўлақлардан тузилган, яхлитлигича янги хабарни ифодалаб, тўлиқ диктал сўроққа жавоб бўлмаган (Ёмғир ёғди - нима бўлди?; Чақмоқ чакди - нима бўлди?) содда йиғиқ гаплардагина (Мен талабаман. Чол жилмайди.) айнан кесимнинг ўзи рема бўла олади: *Ойим / ўқитувчи* (ойим - эга: тема, ўқитувчи - кесим: рема). *Бола югурди* (бола - эга: тема, югурди - кесим: рема). Содда ёйиқ гапларда эса кўп ҳолларда кесим ўзи эргаштириб келган сўзлар билан биргаликда бир гуруҳни ҳосил қилиб рема функциясини бажаради: *Бу гапдан / йўлчининг кайфияти анча кўтарилди* (Ойбек); *Сиз / мени лол қолдирдингиз*.

Туркий тилларда, хусусан ўзбек тилида гап бўлақларининг тартиби эркин бўлиб, тартибнинг грамматик вазифа бажариши жуда чекланган. Чунки ҳар бир бўлақнинг грамматик шакли унинг грамматик вазифасини кўрсатиб туради. Жумладан, бош бўлақлардан бўлган эга, асосан, гап бошида келса, кесимнинг ҳақиқий ўрни гапнинг охириги қисмидир. Иккинчи даражали бўлақлар эса гап ўртасида келади: *Йўлчи Мирзакаримбойнинг овозини эшитиши биланок, сергакланди* (Ойбек). *Юлдузлар борган сайин Улўбекнинг ҳайратини оширарди* (О.Ёқубов). *Она ўелининг сўзи билан овунди* (П.Қодиров).

Гап бўлақларининг тартиби эркинлиги боис тартибнинг ҳақиқий вазифаси шу жумла таркибидаги бўлақлардан бирининг ёки бўлақлар комплексининг мазмуний аҳамиятини ажратиб кўрсатишга қаратилган бўлади: *Акмал бугун ҳарбий хизматдаги акасидадан мактуб олди - Бугун Акмал ҳарбий хизматдаги акасидадан мактуб олди - Ҳарбий хизматдаги акасидадан Акмал бугун мактуб олди - Акмал ҳарбий хизматдаги акасидадан бугун мактуб олди* сингари. Шунга кўра, синтактик бўлиниш ва актуал бўлиниш ўртасида мувофиқлик ва номувофиқлик кузатилади. Таъкидлаш жоизки, синтактик бўлинишда гап бўлақларининг тартиби ўзгарса ҳам уларнинг грамматик вазифаси ўзгармайди. Бирок актуал бўлинишда сўзларнинг грамматик вазифаси эмас, мазмуний структураси етакчи аҳамият касб этади: тема ва реманинг ўрни ҳар доим бир хил бўлса ҳам (тема: - олдин, рема - кейин) уларни ташкил қилувчи сўзлар ўрни коммуникатив мақсадга кўра ўзгариб боради. Яъни гапнинг асосий мазмуни юклатилган, моҳияти очиб берилаётган қисми - тема гап бошида, у ҳақдаги янги маълумот эса гап охирида келтирилади. Шу маънода, бир гапдан бир неча мазмунни, турли ахборотни ифодалаш учун фойдаланиш мумкин: *Шаҳзода / отасини*

*қаришлаш учун ўрнидан қўзғалди (П.Қодиров) – Отасини / қаришлаш учун шахзода ўрнидан қўзғалди.*

Коммуникатив мақсад талаби асосида гапнинг синтактик сатҳида ўзгариш юз берганда, ўз навбатида кесим ва кесим гуруҳи таркибида ҳам ўзгариш юз беради. Ўзбек тилида гап бўлақларининг тартиби эркинлиги боис бир гап турли коммуникатив мақсадларни ифодалашга қаратилган бўлиши мумкин. Шунга кўра, тема ва ремалар ўрни ўзгармаса ҳам эга ва кесимнинг, иккинчи даражали бўлақларнинг ўрни ўзгаради. Ўзбек тили синтактик сатҳида кесимнинг асосий ўрни гап охири бўлгани боис у кўп ҳолларда рема функциясини бажаради: *Бобур / умрининг кўп қисмини жангу жадалларда ўтказди (П.Қодиров) – Умрининг кўп қисмини / Бобур жангу жадалларда ўтказди – Жангу жадалларда / Бобур умрининг кўп қисмини ўтказди.*

Шу ўринда қайд этиш лозимки, шеърятда вазн талаби, мазмун моҳияти асосида кесим баъзан сўз бошида келади. Бу эса кесимнинг тема функциясида ҳам кела олиш ҳолатини кўрсатади. Асосий коммуникатив мақсад кесимга қаратилган бўлади:

*Бу ёруғ оламда / Ватан биттадир,*

*Биттадир / дунёда Она деган ном! (А.Орипов);*

*Келмади / жонимга ҳеч оромижондин яхшилик (Бобур);*

*Ловулар / ой аро фалак доғлари,*

*Сиргалар / булутлар узра бир тобут (А.Маҳкам);*

Юқоридаги мулоҳазалардан кўринадики, гапнинг актуал тузилиши ва синтактик бўлиниши ўртасида мувофиқлик ва номувофиқлик ҳолатлари кузатилади. Агар актуал бўлиниш синтактик бўлиниш билан мувофиқ келса, синтактик бўлиниш бирликлари ҳам актуал тузилиш бирликлари билан айнан тенг келади. Шу маънода, эга ёки эга гуруҳининг – тема позициясида, кесим ёки кесим гуруҳининг – рема позициясида келиши синтактик ва актуал бўлинишнинг ўзаро мувофиқлигини кўрсатади. Гапнинг коммуникатив мақсади талабига кўра синтактик сатҳида ўзгариш юз берганда (яъни эга ёки эга гуруҳининг рема, кесим ёки кесим гуруҳининг тема функциясини бажариши), актуал ва синтактик бўлиниш сатҳларида номувофиқлик ҳолатлари кузатилади.

### **Бош келишик шаклидаги субъектнинг ифодаланиши**

*Севара Ражаббоева  
магистрант*

Субъект ва унинг ифодаланиши муаммосини ёритишда, мазмуний синтаксисдаги муҳим йўналишлардан бири бўлган денотатив (номинатив) концепцияга суяниш катта аҳамиятга эга. Аввало, синтактик бирликлар маъносини ўрганишда, унинг денотатив (номинатив) маъносини ажратиш тил тузилишининг бошқа сатҳ бирликлари учун ҳам умумийликни, бир хилликни саклайди. Чунки тилнинг лексик сатҳида ҳам лексемаларнинг денотатив (номинатив) маъноси унинг асосий, бирламчи маъноси сифатида ажратилади.



Субъект от ва отлашган сўзлар орқали ифодаланса ҳам, у отнинг турли шакллари орқали гавдаланади ҳамда хилма-хил гап бўлаклари вазифасида келади. Шунинг учун ҳам субъект сўз туркумларидан фақат отга тенг келмаганидек, гап бўлақларидан фақат эгага мувофик бўлмайди.

Субъект турли келишик шакллари орқали ифодаланadi. Шунингдек, бош келишик шаклидаги субъект от, олмош, сон орқали ифодаланadi. Бош келишикдаги от хилма-хил субъектларни ифодалайди.

1. Интеллектуал ва жисмоний ҳаракатни бажарувчи шахс: *Мерган-илоё жойи жаннатда бўлгай, қирққа кирмасданоқ, тоғдан учиб оламдан ўтган.*

Мисолдан кўриниб турибдики, бу гапда субъект жисмоний ҳаракатни бажарувчи шахс маъносини ифодалаган.

Жисмоник *мухбир* унга ёрдамга шошилди. Бу гапда эса *мухбир* сўзи интеллектуал ҳаракатни бажарувчи шахс маъносини ифодалаган;

2. Предикатдан ифодаланган ҳаракатни бажарувчи жонзот: *Улоқни олган "Бойчибор" камида ўттиз газ келадиган жардан сакрайман деб, бўйичи узилган экан.* Мазкур гапда "Бойчибор" сўзи предикатдан ифодаланган ҳаракатни бажарувчи жонзот маъносида ифодаламоқда;

3. Предикатдан ифодаланган ҳолатга учраган предмет: *Туйнукдан қандайдир бир қуш "пар" этиб учди, учганда ёнғоқдеккина бир тош "чарс" этиб узилди-да, сув тўла қумгонга келиб "қўлп" этиб тушиди...* Келтирилган гапда *тош* сўзи предикатдан ифодаланган ҳолатга учраган предмет маъносини ифодалайпти;

4. Киёсланаётган предмет: *Тоғнинг тўрт тарафи ёнғоқ отса юмслаб кетадигандек чексиз — чегарасиз сайхонлик эди.* Бу мисолдан кўриниб турибдики, *ёнғоқ* сўзи маълум бир белги асосида киёсланаётган предмет маъносини ифодалаган;

5. Бошқа субъект билан боғланган предмет: *Бу тоғдаги кузатишлар эса, худди бугун туйнукдан тушган тош каби, уни кўндан бери қийнаб келган фикрларга ажиб бир равшанлик киритди;*

6. Бунёд қилинган предмет: *Маржоний қишлоққа кетгандан кейин ўрдадэй бу уй ташландиқ гўристондай хувиллаб қолди.* Бу гапда субъект предикат ифодалаган ҳаракатнинг натижаси, шу ҳаракат туфайли ҳосил бўлган предмет (уй) ни англатади;

7. Физик жараён ҳосиласи: *Ногаҳон тоғлар қарсиллаб ёрилди-ю, мисли кўрилмаган бир машғал ярқ этиб ёнди.* Бу гапда физик жараён (машғал) ҳодисаси ифодаланган;

8. Ўлчанаётган предмет: *Ошламизда бир қоп ун ойнинг охирига бормисдан тугаб қоларди.* Бу мисолда эса *ун* сўзи субъект вазифасида келиб, ўлчанаётган предмет маъносини ифодалаган;

9. Эгалик қилувчи субъект: *"Оқ олтин" зарғари Қўшоқбой бригадир ўзи учун бириктирилган пахта даласини обдон айланиб чиқди.*

10. Тенглаштирувчи субъект: *Қалам доимо ижодкор учун битмас хазина, доимий сирдош ва ҳамроҳдир.*

Бу хилма-хил маъноларни ифодаловчи субъект бош келишиқдаги одан ифодаланиб, эга вазиқасида келади. Шунинг учун ҳам бу ўринда сингтактик сатх, морфологик сатх ва субъект – предикат сатх бирлиқлари бир-бирига мувофиқ келгандек кўринади. Лекин морфологик сатх бирлиги бўлган бош келишиқдаги от билан субъект- предикат сатхга мансуб бўлган субъектнинг бир-бири билан миқдорий ва мундарижавий тенг эмаслиги яққол сезилади.

Энди бош келишиқдаги олмошларнинг субъектни ифодалаши ҳақида мушоҳода юритсак. Жумладан, кишилиқ олмошининг бош келишиқ шакли куйидагича субъект маъноларини ифодалайди.

1. Ҳаракат бажарувчиси:

*У кўзини шифтга, бир нуқтага тикиб, соатларча ётар, бубим эса усиз ҳам юраги лаҳча чўз, қандай қилиб унинг кўнглини олишини билмай, ич-ичидан ЗИЛ кетарди.* Бу мисолда бош келишиқдаги келишиқ олмоши яъни, у олмоши ҳаракат бажарувчиси маъносини ифодалаган.

2. Қиёсланаётган субъект:

*У ҳозиргина тандирдан узилган ширмой нондек лов-лов ёнарди.* Бу гапта эса у олмоши қиёсланаётган субъект маъносини ифодалаб келяпти.

Бош келишиқдаги белгилаш олмошлари куйидаги маъноларни ифодалайди.

1. Эгалиқ қилувчи субъект:

*Ҳар ким ўзи учун ажратилган пайҳонларни чотиқ қилиш билан оевора эди.*

2. Ҳаракатни биргалиқда бажарувчи субъект:

*Ҳар бир пахтакор ўзи учун бириктирилган ёрдамчилар билан дала шийпонига жамланишиди.*

Мазкур гапларда бош келишиқдаги белгилаш олмошлари ифодаланган субъект маъноларини биринчи гапта *ҳар ким* олмоши эгалиқ қилувчи субъект, иккинчи гапта эса ҳаракатни биргалиқда бажарувчи субъект маъноларини ифодалаган.

Юкоридаги кўрсатилган мисолларда субъект бош келишиқдаги олмошлар билан ифодаланиши жиҳатидан умумийликни ҳосил қилса ҳам, лекин бу субъект ички маънолари, предикат билан муносабати ва сингтактик вазиқасига кўра бир-биридан фарқ қилади.

Худди шундай бош келишиқдаги сон ҳам турлича субъект маъноларини ифодалаб келади.

1. Қиёсланаётган предмет:

*Биринчиси ҳозирги келтирилган таомга нисбатан анча нордон, лекин тўйимли эди.* Ушбу мисолда бош келишиқдаги тартиб сон қиёсланаётган предмет маъносини ифодалаб келган. Бунда бир таом иккинчи бир таомга қиёсланиб келяпти;

2. Бўлинувчи субъект:

*Полвон ўзини уч балодан асрасигина полвон бўлади.* Биринчиси аёллардан ўзини тийиш... Бу гапдан кўриниб турибдики, гап таркибидаги бош келишиқдаги *уч* сони бўлинувчи субъект маъносини ифодалаш учун хизмат қилляпти.

### 3. Тенглаштирувчи субъект:

*Даврада иккита гўзал эшилиб-эшилиб ўйнади: бири олов бўлди, бири киз бўлди.* Бу гапда эса бош келишиқдаги сон орқали иккита гўзални тенглаштириб, тенглаштирувчи субъект маъносини ифодалаб келяпти.

### 4. Бутуннинг қисми бўлган субъект:

*Ҳампиша бугдойдай сероб бўлсин, бола-чақали бўлсин дея, куёв боши узра бир ҳовуч бугдой сенди.*

### 5. Ҳаракатни биргаликда бажарувчи субъект:

*Оқибат, иккови ҳам барабар йиқилди.*

Тўртинчи гапда бош келишиқдаги сон орқали бутуннинг қисми бўлган субъект маъносини, бешинчи гапда эса бош келишиқдаги жамловчи сон орқали ҳаракатни биргалиқда бажарувчи субъект маъноларини ифодаланган.

Булардан кўринадики, бош келишиқдаги отнинг худди шундай шаклда и олмош ва сонларга нисбатан субъектнинг ифодалаш имконияти кенгрок. Бош келишиқдаги от, олмош ва сон юқорида келтирилган маънолардан киёсланаётган предмет билан умумийликни ҳосил қилади. Шунингдек, от билан сон учун тенглаштирувчи субъект, от билан олмош учун эса ҳаракат бажарувчиси, эгалик қилувчи субъект маънолари ҳам бирлаштирувчилик родини ўтайди.

Кўринадики, сон билан от икки маъноси билан умумийликни ҳосил қилса, от билан олмош уч маъноси билан умумийлик хусусиятига эга. Бу эса олмошнинг сонга нисбатан отга мазмуний яқинлигини кўрсатади. Чунки келтирилган олмошлар от ўрнида алмашиб келиши мумкин бўлган олмошлардир.

## «Бўлса, эса» боғловчиларининг маъно турлари

*Камола Бердиёрова  
талаба*

Тилшуносликнинг грамматик бўлимида қўшма гаплар алоҳида ўрин тутади. Қўшма гап синтактик бирликнинг энг юқори кўриниши. Қисқа таъриф берадиган бўлсак қўшма гап икки ёки ундан ортик содда гапнинг ўзаро грамагик ва мазмуний ташкил топган ва оҳанг тугаллигига эга бўлган бутунликдир. Қўшма гап таркибидаги содда гаплар мустикал содда гаплардан фарқ қилади. Улар ўзаро бир – бирига турли йўллар билан боғланади. Умуман, бу қисмларнинг муносабати шундай йўллар билан ифодаланади: оҳанг орқали, ёрдамчи сўз ёки шу вазифада қўлланилган мустикал сўз орқали, тартиб орқали. Бу муносабатлар қўшма гап турларини ҳам белгилаб беради; боғланган қўшма гап ва эргашган қўшма гап. Қўшма гапларнинг маъносини тўлиқ англаб етиши учун аввало улар таркибидаги содда гапларнинг боғловчи воситалар маъноси ҳам тўғри тушуниш лозим.

Боғланган қўшма гапларда боғловчилар содда гапларни ўзаро бириктириш ҳамда улар орасидаги турли мазмун муносабатларини билдириш учун хизмат қилади ва турли маъноларини ифодалайди; ва, ҳам, ҳамда бириктирув боғловчилари кўпинча бир вақтда ё кетма-кет бўлаётган

воқеаларини; *лекин, аммо, бироқ* боғловчилари зидлик мазмунини; *гоҳ, дам, баъзан* каби боғловчилар галма-гал юзага келадиган воқеа-ходисаларини ифодалайди. Шунингдек боғланган қўшма гаплар таркибидаги содда гаплар боғловчи сўзлар орқали ҳам бирикиши мумкин. Боғловчи сўзлар қўшма гап қисмларини боғлаш билан бирга, улар ўртасидаги турли-хил муносабатларни ҳам ифодалайди.

*Бўлса, эса* боғловчи сўзлари асли феъл сўз туркумига мансуб бўлиб ҳаракат маъносини ифодалайди. Улар боғловчи вазифасида келганда ўз луғавий маъносини йўқотиб, боғланган қўшма гап қисмларини боғлайди, ҳамда улар ўртасида турли-хил муносабатлар мавжудлигини ифодалайди. Натижада уларнинг боғловчи вазифасидаги маънолари келиб чиқади:

Қиёслаш: *Бўлса, эса* боғловчи сўзлари орқали боғланган қўшма гаплар таркибидаги содда гаплардан англашилган мазмун бир-бирига қиёсланади. Қиёслаш орқали воқеа, ходиса ёки нарса ва унинг хусусиятлари ўртасидаги фарқлар очилади. *Бўлса, эса* сўзлари, одатда, маъноси қиёсланаётган бўлақдан сўнг келади.<sup>86</sup> *Қосимбек қилмишидан хижолат, Саида эса ундан... бирон оғиз сўз кутар эди (А. Қаҳҳор). Бўлса, эса* сўзлари қиёслаш маънолари билан зидлов боғловчилари ҳамда *-у(-ю), -да* юкламаларига синоним бўлиши мумкин. Бироқ бу синонимлик тўлиқ эмас.

Зидлов боғловчилари қиёслаш муносабатини ифодалаганда қиёслаш билан баробар, иккинчи қисмда биринчи қисмнинг умумий мазмуни ёки айрим бўлақларнинг маъноси билан боғлиқ бўлган қўшмича маълумот ҳам берилади: *Мен қуруқ сўзнинг душманман, аммо етти ўлчаб бир кесши керак.*

*-у(-ю), -ку* юкламалари ёрдами билан тузилган қўшма гапларда қисмларнинг мазмуни бир-бирига қиёсланади ёки зид қўйилади: *Сиз менинг фикрларимни қўллаб қувватладингиз нима бўлди-ю, қўллаб қувватламадингиз нима бўлди.*

*Бўлса, эса* сўзлари ёрдами билан тузилган қўшма гапларда қиёсланаётган бўлақларга кучли логик урғу тушади. Бунда қўшма гапнинг биринчи қисми кўтарилган интонация билан иккинчи қисми эса пасайган интонация билан талаффуз этилади.<sup>87</sup>

Зидлик: *Бўлса, эса* боғловчи сўзлари қўшма гап қисмлари орасида зидлик муносабати мавжудлигини ҳам ифодалайди. Бироқ бундай қўшма гапларда зидлик муносабати тўлиқ бўлмайди, қисман қиёслаш муносабати ҳам мавжуд бўлади: *Режадаги зарур ишларни амалга оширишга вақт етказмаймаман, сен бўлса фақат дам олайлик дейсан.* Бу гапда юкламаси орқалигина зидлик маъноси тўлиқроқ акс этган.

Тенглик: *Бўлса, эса* сўзлари орқали боғланган гапларнинг айрим турларида воқеа, ходиса, нарсалар бир-бирига қарши қўйилмайди, иккинчисидан англашилган мазмун биринчисидан келиб чиқмайди, балки

<sup>86</sup> Н. Махмудов, А. Нурмонов, А. Ш. Себирова Она-тили Умумтаълим мактабларининг 9-синфи учун дарслик. Т.: "Тасвир". 2006. 30-бет.

<sup>87</sup> Ўзбек-тили грамматикаси. II том. Синтаксис. "Фан" нашриёти. Т. 1976. 338-339 бет.

улар ўртасида бир-бирига яқин воқеа, ҳодиса ёки белги хусусиятлар ифодаланади: *Аравангиз синиқ, отингиз бўлса қари (Ойбек)*. Бу қўшма гапда зиддик ёки бўлмаса қиёслаш муносабати йўқ, балки бунда белги-хусусиятлар (от билан арава) мазмунан бир-бирига мувофиқ, ўхшаш, тенг эканлиги кўрсатилган.

Юқоридаги маъно турларидан келиб чиқиб, *бўлса, эса* боғловчи сўзларига қуйидагича таъриф бериш мумкин: "*Бўлса, эса* сўзлари боғланган қўшма гап қисмларини боғлаш билан бирга, улар ўртасида қиёслаш ва зиддик муносабатлари мавжудлигини ифодалайди".<sup>88</sup>

### Ҳосила маъноларнинг бош маъно билан муносабатига кўра полисемия турлари

Нодира Жўраева  
талаба

Ҳосила маъноларнинг бош маъно билан муносабатига кўра тилшуносликда полисемиянинг 3 та тури ажратилади: радиаль, занжирсимон, радиал-занжирсимон.

Радиаль полисемияда барча ҳосила маънолар бош маъно билан бевосита боғлиқ бўлади. Унинг схемаси айлана радиусига ўхшашлиги учун радиаль полисемия деб юритилади. М.Миртожиев эса бу ҳилдаги боғланишни еллифичсимон боғланиш деб юритади.


Ўзбек тилидаги *қулоқ* лексемаси кўп маъноли бўлиб, унинг ҳосила маънолари бош маънодан бевосита келиб чиққан. *Қулоқ* лексемасининг бош маъноси «эшитиш органи ва унинг ташқи қисми»ни ифодалайди ва бу маънони *қулоқ1* деб белгилаб оламиз. *Қулоқ* лексемасининг 4 та ҳосила маъноларини ажратилади: *қулоқ2* – баъзи нарсаларнинг ушлаш, илиб қўйиш ёки маҳкамлаш учун хизмат қиладиган қисми: *қозоннинг қулоғи; қулоқ3* – бош кийимларнинг қулоқларни ва иякни ёпиб, иситиб тутиш учун тушириб қўйиладиган узун қисми: *телпакнинг қулоғи; қулоқ4* – баъзи механизм ва мусиқа асбобларининг бураб ишга тушириш ёки созлаш учун хизмат қиладиган қисми: *радионинг қулоғи; қулоқ5* – ўсимликнинг барг ёки ниҳол ёзадиган ери; дастлабки ниҳолча, баргча: *ғўза қулоқ кўрсатди*.

*Қулоқ* лексемасининг ушбу барча ҳосила маънолари «эшитиш органи ва унинг ташқи қисми»ни ифодаловчи бош маъно – *қулоқ1* семемасидан метафора усули асосида бевосита ҳосил бўлган.

Занжирсимон полисемияда ҳосила маънолар бирин-кетинлик билан боғланиш ҳосил қилади ва боғланишнинг схемаси занжирга ўхшайди. Бунда бош маъно ўзидан кейинги ҳосила маъно билан бевосита, қолган ҳосила маънолар билан билвосита боғланади. Полисемиянинг мазкур турида тўнғич бош маъно, нисбий маъно кабиларни ажратиш мумкин бўлади. Бундай боғланишга *баҳор* лексемасидаги маъноларнинг тараққиётини мисол қилиб

<sup>88</sup> Н.М.Исмудов, А.Нурмонов, А.Ш. Собиров Ўша асар, 30-бет.

кўрсатиш мумкин. *Баҳор* лексемасининг «қишдан кейин, ёздан олдин келадиган табиатнинг гуллаши билан боғлиқ йил фасли (баҳор келди)» бош маъносидан метафора асосида «инсон умрининг болалик ва ўрта ёш орасидаги яшнаган даври; ёшлик (умр баҳори)» ҳосила маъноси келиб чиққан. Мазкур ҳосила маъно ҳам яна бошқа ҳосила маъно «умрнинг бир йили, ёш (*ўн саккиз баҳорим*)» маъноси шаклланишига асос бўлган. Бунда биринчи ҳосила маъно иккинчи ҳосила маъно учун нисбий бош маъно ҳисобланади:



Радиаль-занжирсимон полисемияда эса битта полисемем лексема маънолари ўзаро ҳам радиаль, ҳам занжирсимон боғланади. Яъна бир лексема маънолари ўртасида юқоридаги ҳар иккала боғланиш усули ҳам аралаш ҳолда амалда бўлади. Ўзбек тилида *тил* лексемаси полисемем бўлиб, унинг маънолари радиаль-занжирсимон боғланган. Бунда *тил1* – «оғиз бўшлиғида жойлашган таъм-маза билиш, нутқ товушларини ҳосил қилиш учун хизмат қиладиган аъзо: *тидини куйдирмоқ*»; *тил2* – инсоннинг сўзлаш, гапириш қобилияти; сўзлашув: *тидини тиймоқ*; *тил3* – фикр ифодалаш ва алоқа қилиш қуроли бўлиб хизмат қиладиган бирликлар системаси: *она тили*; *тил4* – нутқнинг ўзига хос бир тури; услуб, стиль: *сўзлашув тили*; *тил5* – харбий асир: «*тил*»ни қўлга туширмоқ; *тилб* – асбоб, механизм ва шу кабиларнинг осилиб, қимирлаб турадиган қисми: *соатнинг тили*.

Полисемия мураккаб семантик ҳодисалардан бири бўлиб, ушбу категорияни ҳар жиҳатдан тадқиқ қилиш ҳодиса моҳиятини янада ойдинлаштиради.

## Ўзбек тилида ундов гаплар

*Шоира Шагнаҳмедова  
талаба*

Гаплар эмоционалликка муносабати жиҳатидан 2 турга бўлинади: 1. Эмоционал гаплар. 2. Эмоционал бўлмаган гаплар<sup>89</sup>.

Эмоционал гаплар ундов гаплар ҳам дейилади. Фикрни кучли ҳис-ҳаяжон билан ифодаладиган, кучли оҳанг билан айтиладиган гаплар ундов гаплардир. Ундов гаплар воқеа-ҳодиса, ҳаракатга эмоционал муносабатни (қувонч, кайғу, севинч, шодлик, ғазаб, ҳайрат, таянана) билдиради. Ундов гаплар сўзловчининг рухий ҳолатини, инсонларга, воқеа-ҳодисаларга, предметга муносабатини билдириб, улар сўзловчининг нутқида муҳим аҳамият касб этади.

*Эҳ! Нақадар чиройли ўлка!*

<sup>89</sup> А. Гуломов, М. Асқарова. Ҳозирги ўзбек адабий тили. – Тошкент, 1987, 88-б.

Эмоционал гаплар фақатгина хис-хаяжонни ифодалаб қолмай, фикримизга яқун яшаш вазифасини ҳам ўтайди. Айниқса, бу ҳолат ёзма нутқимизда кўзга ташланади.

Ўткир Ҳошимовнинг “Дафтар ҳошиясидаги битиклар” китобида ундов гаплар фақат ёзувчининг дунёда содир бўлаётган воқеа-ҳодисалардан ҳайратланишини, гоҳ қайғуга ботиши, гоҳ хурсанд бўлишни, умуман олганда, ҳаётга бўлган эмоционал муносабатини ифодалаш билан чегараланмай, ўз фикр-мулоҳазаларига яқун яшаш вазифасини ҳам ўтаган. Демак, асарда хулоса чиқариш объекти – ундов гаплардир. Ундов гапларнинг асарда қўлланилиши унинг таъсири доирасини янада кенгайтиради.

*“Нар лочин емиш топиб келаркан. Мода лочин ўлжасини полопонларга бўлишиб бераркан. бирор фалокат бўлиб, мода лочин ўлиб қолса, нар лочин ҳар қанча емиш топиб келмасин, барибир полопонлар очидан нобуд бўларкан. Негаки, нар лочин ўлжани болаларига бурдалаб беришни эпталмас экан...” Табиат нақадар бешафқат, табиат нақадар доно! (35-бет)<sup>90</sup>*

Агар юқоридаги ундов гап ўрнида “Бу бир табиат ҳодисаси” деб хулоса чиқарилганда асарнинг таъсир доираси торайиб, китобхон бу ҳолатни чуқур англай олмас эди. Ундов гап таркибида “нақадар” сўзининг ишлатилиши, кучли оҳанг билан айтилиши, гап охирида ундов белгисининг қўлланилиши ҳайрат маъносини англатса ҳам, бу материаллар асардаги табиат ҳодисасида тўғри хулоса чиқаришга хизмат қилаётти. Яна шунини таъкидлаб ўтиш жоизки, дарак, Сўрок, Буйруқ гаплар кучли эмоционалликка эга бўлиш билан эмоционал гапга айланади. Бу ҳолатни юзага келтириш учун ундов сўзлардан, оҳангдан, ундов белгисидан, юкламалардан ва шу каби воситалардан фойдаланамиз. 1. Дарак гап: *Аслида инсон учун энг олий жазо – ёлғизлик.*

Ундов гап: *Аслида инсон учун ёлғизлик энг олий жазодир!* (48-бет).

Юқоридаги дарак гапни ундов гапга айланттирувчи воситалар куйидагилар:

- а) “ёлғизлик” сўзи билан энг олий жазо сўз бирикмасининг алмашиши;
- б) мантқиқий ургу, яъни дарак гапда ургу “энг олий жазо” сўз бирикмасига тушса, ундов гапда “ёлғизлик” сўзига тушади. Ёзувчининг олий мақсади “ёлғизликнинг энг олий жазо эканлигини” китобхонга етказиш;
- с) ундов гап таркибида -*дир* кесимлик белгисининг келиши;
- д) кучли оҳанг билан айтилиши ва ёзувда ундов белгисининг қўлланилиши.

2. Буйруқ гап: *Ҳамма айбни шайтонга тўнқайверманг.*

Ундов гап: *Ҳамма айбни шайтон шўрликка тўнқайверманг!* (36-бет)

Буйруқ гапни ундов гапга айланттирувчи воситалар:

<sup>90</sup> Мақоладаги мисоллар Ў.Ҳошимовнинг «Дафтар ҳошиясидаги битиклар» асбидан олинган.

а) ундов гап таркибида шайтонга нисбатан шўрлик сўзининг ишлатилиши. Яъни шайтонга бечора сифатида қараши, ачиниши ва шу орқали шайтондан ҳам ёмонроқ одамларга маслаҳат бериши;

б) мантқий урғу. Буйрук гапда шайтонга сўзига, ундов гапда шўрликка сўзига урғу тушади;

с) талаффузда оҳанг, бу ёзувда ундов белгисини кўйиш билан ифодаланади.

3. Сўроқ гап: *Марҳумлар уларни кўрмайдими?*

Ундов гап: *Марҳумлар уларни кўрмайдими?! (32-бет).*

Сўроқ гапимизда –ку юкломаси сўраш маъносини англатса, ундов гапимизда у ҳайратланиш маъносини англатади.

Риторик сўроқ гаплар ҳам фикрнинг таъсирчанлигини таъминлайди. *“Нега бизнинг айбимиз учун гўдақлар етим қолиб, азият чекиши керак?!”* 35-бет

Эмоционаликни ифодалаш учун инверсия ҳам хизмат қилади. *“Уйга кир, Фаррух!”* (30-бет) (Аслида гап шундай бўлиши керак эди: *Фаррух, уйга кир*)

Ундов гапларда таъсирчанликни кучайтириш учун эмфатик урғу олган сўзни такрорлаш ҳам аҳамиятга молик.

*Оҳ! Менинг меҳрибоним ОНАМ. Онажсонгина!*

Ундов гапларга хос хусусиятлардан бири шуки, улар доимо бир составли бўлади. *Тилимиз нақадар ранго-ранг. Тилимиз нақадар бой!*

Демак, ундов гаплар тилимизнинг таъсирчанлигини, гўзаллигини кўрсатиб берувчи муҳим воситалардир.

## Ўтқир Ҳошимов асарларида синтактик фигураларнинг қўлланилиши

Дилноза Эшонқулова  
талаба

Поэтик фигураларни тадқиқ қилиш муаммолари кўхна истиқлик, санъатининг илк ривожланиш йилларидаёқ бошланган эди. Қадимият маданиятининг атоқли тадқиқотчиси А.Ф.Лосефнинг ёзишича, Арасту гўзаллик ёки ажиблик ҳақидаги фикрларида аклий идрок ва хиссий идрок уйғунлигига эътибор беради. Унинг фикрича ҳар қандай сезги, истак майл, ёки ўй ҳаёл, бирор нарса ҳодисага интилар экан, ўша нарсадан қандайдир роҳат-фароғат олади. Ўша ҳилқатни тиллаш, майл ёки ҳамдардлик билдириш билан, у ҳақда фикр билдириш мувофиқ, уйғун келиши керак. Бошқача айтганда ҳаёлдаги ҳилқат билан ўша нарса ҳақидаги ҳаёл (асар) мутлақо уйғунлашгандагина баркамоллик юзага келади. Баъзи кишилар маҳорат, баъзилар малака сабабли, яна баъзилар туғма истеъдодлари туфайли бўёқлар ва шакллар ёрдамида кўп нарсаларнинг тасвирини, ўхшашлигини тасвирлайдилар. Асарлар тасвирлаш усуллари жиҳатидан ҳам бир биридан фарқланади. Зотан бир хил нарсани бир хил восита билан тасвирлаган ҳолда ё автор воқеаларга аралашмай ҳикоя қилиши, ёки ўзини худди ўша ҳодисада иштирок этгандай тутиши керак. Инсон бошқа жонли мавжудодлардан



Ўхшатиш қобилиятига эга эканлиги билан фаркланади. Ҳатто, дастлабки билимларини у ўхшатишдан олади ва бу жараён самаралари барчага ҳузур бағишлайди. Поэтик санъатнинг келиб чиқишига очиқ ойдин икки сабаб бўлаб, биринчиси тақлид, иккинчиси ўхшатишдир. Бугунга келиб бундай тақлидотлар сони бениҳоя ортган. Тилшуносликда бу ҳодиса учун стилистик фигуралар поэтик синтаксис, баъзан эса риторик фигуралар терминидан фойдаланилади. Услубий фигуралар ҳақида гапирилганда тингловчига таъсир кўрсатувчи нутқнинг мана шу таъсирини оширувчи махсус синтактик фигуралар назарда тутилади. Услубий фигуралар ва троплар бир бирини тўлдирди. Бири иккинчисига аниқлик киритади. Эллипсис, такрор, сукут, антитеза, оксюморон, инверсия, эмоционал гап, градация, параллелизм, ўхшатиш, хиазм кабилар услубий фигураларнинг асосий кўринишларидандир. Поэтик фигуралар куйидаги хусусиятига кўра фаркланади ва тасниф қилинади:

1. Синтактик конструкциядаги семантик ва грамматик алоқанинг ғайриоддийлиги билан фарқланувчи фигуралар. Буларга: эллипсис, сукут, кесиш, улаб кетиш, оксюморон, антитеза кабилар кириди.
2. Синтактик конструкциядаги компонентларнинг ғайриоддий жойлашуви билан фарқланувчи фигуралар: инверсия, параллелизм, такрор.
3. Синтактик конструкциянинг интонацион хусусияти билан фарқланувчи фигуралар: эмоционал гап, риторик сўроқ, санаш, градация.

Атоқли ёзувчи Ўткир Ҳошимов ана шундай синтактик фигуралардан асарларида унумли фойдаланган.

1. Эллипсис – ёзма ва оғзаки нутқда тезлик, шошилиш хусусиятини белгиловчи воситалардан бири ҳисобланади. Нутқий матндан осонгина билиб олинадиган сўзнинг ёзувчи томонидан атайлаб тушириб қолдирилишидир.

*«Олимжонга ялдим.*

*– Қаттиқроқ тақиллат. Момақалдиқоқда зинтмаяптилар.» Гапда зинтмай сўзи тушириб қолдирилган. Буйруқ характеридаги қичқириқни ифодалаган. Тақиллат, зинтмаяпти феъли зинт сўзига мурожатни билдиради.*

*Жим қолди. Онам кўзига ёш олди.*

*– Доим шунақа қиласиз, биров сизнинг болангизни ўқитаман, одам қиламан, деса...»*

Баъзан сўзловчи айтмоқчи бўлган фикрини охиргача етказмайди, яширади. Тингловчини ўйлашга мажбур қилади. Ёзувчи бу фигурадан усталлик билан фойдаланган. Аёл фикрини охирига етказмай қолдирди. Гўёки гапнинг давоми унинг эрига маълум.

2. Такрор.

*Алимардон мастона шовқиндан кўзи тиниб кетаётганини пайқаб сунгича қиррасидан ушлаб қолди.*

- Айтинг! – деди ҳиршлаб. – Ҳозирги ашулани айтинг!

Ёзувчи бу гапта тўлиқ такрордан фойдаланган “айтинг” деб бирор ҳикоя ёки гапни эмас, айнан ҳозирги ашулани айтилиши кераклигини ётказиб берган.

Ёки:

- Папка қани? – деди Шайдул ака чийшлаб.
- Қанақа папка?
- Бояги папка аҳмоқ! Чарм папка.

Ушбу гапта такрорнинг ўрни шундаки, “Бояги папка”нинг сифатини, белгисини аниқлаб бераёпти, папканинг айнан чармдан эканлиги изоҳланаяпти.

4. Эмоционал гап.

- Дадамни нега урдинг!

Ўзимни ўнглаб олгунимча насиба юз кўзимни титдалаб ташлади.

- Насиба! – Ойим каловланиб синглимга ётишди. - Уят бўлади! Вой шўрим!

Эмоционал гаплар таркибида ижобий ёки салбий сўзлар, хис-туйғу ифодаловчи сўзлар бўлади. Ёзувчи бу гапта аёлнинг воқеа пайтидаги ҳолатини очиб берган.

Ёки:

Ҳовли ташқарисидаги айвондан тўн кийган Йўлдошхон ака сакраб тушиб қорга қўмилиб ётган кишига ётишди.

- Амаки! – деди жеркиб – уят борми сизда?!
- Хароми! «дадаси» юз кўзига ётишган қорни кафти билан сидириб ташлаганча Йўлдошхон аканинг кўлидан чиқишига уриниб юлқинди.

Ёзувчи синтактик фигураларнинг ҳар бирдан унумли фойдаланган. Бу мисоллар Ўткир Ҳошимов асарларида фойдаланган синтактик фигураларнинг бир қисми ҳолос.

## Бадний матнда коррекция

Жасур Бақиев  
талаба

«Сўзловчи ўзи айтган гапта нутқ жараёнида тегишли ўзгартиришлар киритишига, таҳрир қилишига коррекция дейилади»<sup>91</sup>. Яъни мазкур атамадан англашиладиган маъно шуки, сўзловчи ўзининг нутқини сайқаллаб, қайта ишлаб мукамал ҳолатга келтиришидир. Мутахассислар бу усулнинг, асосан, оғзаки нутққа хослигини таъкидлашади. Ва бу табиий ҳол. Чунки оғзаки нутқда маълум бир фикрни айтиш жараёнида йўл-йўлакай тузатиб, тўлдириб, мукаммаллаштириб бориш тарзи кўп кузатилади. Бу тарз табиий бир равишда бадний асарга ҳам олиб кирилади. Оғзаки нутқ тарзи бадний асарда аниқ бир мақсадга бўйсундирилган

<sup>91</sup> Йўлдошев М., Ядгаров К. Бадний матннинг лисоний таҳлили фанидан амалий машғулотларни ташкил этиш. Т.: 2007., 64-бет.

бўлади. Коррекцияли нутқ ҳам ана шундай мақсадининг бир бўлаги сифатида намоён бўлади. Кўзланган мақсаднинг мазмун-моҳияти ҳақида, яхшиси, тилшунослар фикрига кулоқ тутамиз: «Бундай таҳрир маънони кучайтиришга нутқ таъсирчанлигини таъминлашга қаратилган тақдирдагина кўзланган мақсадга эришилади»<sup>92</sup>. Мазкур ҳодисани минг йиллик мумтоз шеърятимизда ҳам учратишимиз мумкин. Фақат, бошқа ном остида, шеърятнинг турфа тарзига мос бошқа шаклу-шамойилда. Шеършунослик илмига бағишланган манбааларда бу ҳодиса ружуъ деб юритилади. «Ружуъ (*арабча қайтиш*) тасвир объектининг дастлабки образли ифодаси (гўё бу ифодага кўнгил тўлмагандек)дан қайтиб ундан маънолироқ, таъсирчанроқ, кучлироқ, образли ифодага ўтиш усули»<sup>93</sup>. Адабиёт илмининг пириларида Атоуллоҳ Хусайний ружуъ (*истидрок*)га шундай таъриф беради: «Ул андоқдуркум, бир нимани зикр қилурсен ва нуқта билан андин яна қайтарсен... Истидрок... улдурким, сўзлагувчи биринчи қаломдин ҳажв деб соғинилган ниманинг тадорукин кўриб қайтқан вақтда ўзидин ўтганини англайди»<sup>94</sup>. Бундан кўриниб турибдики, ружуъ санъати истидрок деб ҳам аталган экан. «Истидрок эса англамоқ демакдир»<sup>95</sup>. Кўҳна шеърят гаңжинамизда ружуъ, айниқса, ташбехли мисраларда оддий мисраларга қараганда бир неча баробар кўпроқ учраши кузатилади. Байтнинг биринчи мисраси ёхуд олдинги байтда ташбех келтирилган бўлса, шоир ундан воз кечади ва келтирилган ташбех белгисини кескин кучайтирувчи ифодалар билан бойитади ёки унинг қайсидир хусусиятини бир қадар ойдинлаштиради, тўлдирди:

*Одамга ўхшамас, гўё паридур*

*Пари йўл, осмон-у ҳаворидур (А.Навоий)*

Шоир биринчи сатрда суюкли санамни оддий одамзодга ўхшамайди, у мисоли мафтункор малак, париваш ҳилқат, дея таърифу тавсиф қилади. Ва бундан-да қоникмаган қайнок қалб ошиқ ўз фикрини гўё айб иш қилиб қўйган болакай мисоли, жидду-жаҳд билан қайтиб олади. Ва дарҳол хуриликко васфини чандон баланд оҳангларда мадҳ этади. Яъни, модомики, бу гўзал ҳилқат одамзод эмас – пари, демак, унинг макони ҳам ер эмас – осмондир. Ёрнинг ўзи эса парилар юртининг, беҳад бепаён осмоннинг ҳаворисидир. Шоирнинг «қайтиш»дан мурод ана шундай гўзаллик соҳибига мосу муносиб таърифни топиш эди.

Сайфи Сароийнинг ушбу байтида ҳам ёр хусни коррекция усули имкониятлари асосида бетакрор таърифга мушарраф бўлган:

*Тотилмас ҳусн мулкинда сенга тенг бир қамар манзар,*

*На манзар, манзари шоҳид, на шоҳид, шоҳиди дилбар (С.Сароий)*

Кўринадики, шоир ўз фикридан икки қарра қайтишга мажбур бўлган. Ҳўш, бу билан шоирнинг муддаоси недир? Нега айтилажак сўзни аввал «кўнгилда пишқормай» (Навоий ифодаси) йўл-йўлакай тузатишни лозим

<sup>92</sup> М.Йўлдошев, Қ.Ядгаров. Ўша асар, 64-бет

<sup>93</sup> Т.Бобоев. Шеър илми таълими. Т. Ҳақиқатчи. 1996 йил. 249-бет.

<sup>94</sup> Бу ҳақда қаранг: Т.Бобоев. Ўша асар. Атоуллоҳ Хусайний "Бадос – ул саное". Т.1981 171-бет

тояпти? Бир байтнинг ўзида уч хил ташбеҳнинг қўлланилишига нима дейсиз? Агар ёрни тўғридан тўғри шоҳиди дилбар деб қўя қолса бўлмасмиди? Ҳатто шундай қилинса, маъшуқа таърифини бир байт эмас, балки бир мисрага сиғдириш мумкин бўларди. Ҳам кейинги сатрга бошқа янги бир фикрни ёзиш имкони бўларди:

*Топилмас ҳусн мулкинда, сенга тенг бир шоҳиди дилбар*

Буни қарангки, қофиясини сақлаган ҳолда кўчаркан. Нега шундай қилинмаган? Бизнингча, шоир ўзининг тасаввур ўфки кенгликларига ўқувчисини олиб чиқмоқ учун, аввал, уни тарбиялаш, кўниктириш, тафаккур тарзини кенгайтириш эҳтиёжини сезади. Бунинг учун энг муносиб йўл сифатида кўнгил ройишларига рози ружуъ санъатидан фойдаланади. Агар ружуъдан фойдаланмаганда, тавсиф бу қадар таранг, бу янглиғ таъсирчан чиқмаган бўларди.

Навобий “Фарход ва Ширин” достонида Фарход қўлга киритган Жамшид жомини тасвирлашда ружуънинг бошқача бир кўринишидан фойдаланганлигини кўраемиз:

*Сафа жомаро андоқжим ҳуришид*

*Дема хуришид, балки жоми жамшид*

Бунда жом, аввал, кўёшга - хуришидга менгзатилади, кейин эса унинг хуришид эмас, балки жоми жамшид эканлиги ургуланади.

Насрда ҳам бу усул мавжуд. Бугунги кун филологиясида мазкур ҳодиса коррекция ёки таҳрир номи остида ўрганилади. Бадий асардаги диалоглардан бунга истаганча мисол топишимиз мумкин:

*Озбманми, қорайбманми?*

- *Йўқ, жуда жойида... Майиз бўлибсан... Ҳуш, Ёдгорбойдан хат келиб турибдими? (А.Қаҳҳор “Асрор бобо”)*

Бу мисолдан англашиладики, сўзловчи, дастлаб, суҳбатдошининг кўнгли учун хушомад мақомида «жуда жойида» дейди. Бундан озганинг ҳам, қорайганинг ҳам йўқ, деган хулоса чиқарса бўлади. Кейин эса, воқеликка аниқ баҳо берапти. «Майиз бўлибсан» дейиш орқали қорайишнинг ҳам энг юқори даражисини образли ифодалайди. Сўзловчи биринчи айтган гапини таҳрир қилди, унга шундай тузатиш киритдики, натижада ифодадаги экспрессия бир неча баробарга ортди. А.Қаҳҳор ўз асарларида коррекциядан ниҳоятда унумли ва усталик билан фойдаланган. Мана бунга бир неча мисол:

- *Бунақа нарса менга таъсир қилмайди, - деди: - Акрамжон, буларга тобут воқеасини айтиб беринг... йўқ, йўқ ўзим айтиб берман!*

*(А.Қаҳҳор. Минг бир жон)*

Бу парчада ёзувчи, коррекция усули воситасида сўзловчи нутқи қаратилган шахсни ноқулай вазиятдан чиқаришга уринаётганлигини таъкидлайди.

*Шу пайт офтоб яна булут остига кирди-ю, палатани шом қоронгулиги босди. Каттакон деразанинг чап томонидаги қаравотдан заиф, йўқ заиф эмас, майин товуш эшитилди.*

*(А.Қаҳҳор. Минг бир жон)*

Бу мисолдан кўриниб турибдики, сўзловчи руҳиятида кечаётган ўзгаришлар унинг нутқида ҳам бўй кўрсатмоқда. Палатани қоронғулик босганлиги учун, товуш унга заифдек туюлди, бу сўз ночорлик аломати, оғир дарддан озурда инсоннинг иложсиз ҳолатини кўз ўнгига келтирди чоғи дарҳол бу сўзни тахрир қилишга ошиқди. Энди товуш заиф эмас, майин эди. Шу билан бирга сўзловчининг товуш соҳибига бўлган самимий муносабатини ҳам билдириш йўлини топди.

Маҳоратли ёзувчиларнинг нодир насрий асарлари мисолида коррекцион нутқ тузиш йўллари тадқиқ этиш орқали тилшунослигимизда кенг қўлоч ёзаётган лингвопозитиканинг ривожланишига ҳисса қўшиш мумкин деган фикрдамиз.

### «Хайрат-ул аброр»да таълим-тарбияга оид сўзлар

Дилнора Эгамова  
талаба

Буюк бобомиз Алишер Навоий ўз асарларида таълим-тарбияга катта аҳамият берганлар. Деярли ҳар бир асарларида инсон тарбияси, унинг камолотини биринчи ўринга қўйганлар.

Бизга маълумки, кундалик ҳаётимизда *илм, ақл, билим, маърифат, тарбия, таълим, муаллим, парварши, одоб* каби ўнлаб, юзлаб тарбияга оид сўзлар ишлатилади. Бу сўзлар Навоий тилида, унинг замонасида қандай шаклга эга бўлган? Маъноси қандай бўлган? Шу саволларга жавоб топиш мақсадида ушбу дostonдаги кўпгина туркий, форсий, арабий шу соҳанинг сўзлари устида изланиш олиб бордим. Улардан бир нечтасини куйида келтириб ўтмоқчиман.

Ҳозирда «ақл» сўзи кенг истеъмолда. Агар биз Навоийнинг «Хайрат-ул аброр» асари лексикасига эътибор қаратсак, унда арабча «ақл» сўзига синоним тарзда форсча-тожикча «*хирад*» сўзининг қўлланганини кўраемиз:

*Чун исабон хужраи тори димоғ,*

*Ақлдан ул хужрада ёқиб чирог.*

*Боғи хирад наслини хошок этиб,*

*Баҳри бало мавжсини кўлок этиб*<sup>95</sup>.

Шунинг сингари, арабча «*илм*» сўзи ҳам ҳозирда кенг истеъмолда. Лекин ўтмишда «*илм*» сўзи билан бирга унинг туркий синоними бўлган «*билик*» шакли ҳам Навоийда кўп учрайди:

*Кўнгли билик гавҳаридин ганж хез,*

*Илми саховат кафидин ганж рез*<sup>96</sup>.

Шу ўринда таъкидлаш лозимки, бугун фаол қўлланишда бўлган «*илм*» сўзи Навоий асарларида туркий «*билик*» сўзига нисбатан анча нофаол саналган. Буни биз «Хайрат-ул аброр» асарини таҳлил қилганимизда шохиди бўлдик. Асарда Навоий асосан «*билик*» сўзига мурожаат қилган.

<sup>95</sup> Алишер Навоий. Хайрат-ул-аброр. –Т.: Ғ.Ғулом номидаги Матбаа ижодий уйи, 2006. – 15-16-бетлар.

<sup>96</sup> Кўрсатилган асар, 52-бет

Маълумки, ўтмишда «*билик*» сўзи «*бил*» феълига от ясовчи —*ик* кўшимчасини кўшиш оркали ясалган. Шу ўринда таъкидлаш лозимки, хозирда фаол ишлатилаётган «*билим*» сўзи Навойда деярли қўлланмайди. Бизнингча, Навой даврида *билим*, *илм*, *ақл* маъноларини ифсдаловчи туркий «*билик*» сўзи кейинчалик ўз ўрнини «*билмоқ*» феъли негизда ясалган сўз сифатида «*билим*» сўзининг диахрон шаклидир. Шу боис, “Ўзбек тилининг изоҳли луғати”нинг янги нашрида «*билик*» сўзига *билим*, *илм*, *ақл* маъноларини ифсдаловчи эски сўз сифатида изоҳ берилган<sup>97</sup>. Шунингдек, «*Хайрат ул-аброр*»да Навой туркий «*билик*» билан эга, соҳиб, тегишли маъноларини англаувчи арабча «*ақл*» сўзининг бирикувидан ҳосил бўлган «*билик ақли*» сўзидан ҳам фойдаланган:

*Разлга-рифъат, билик ақлига ранж,*

*Тов узра харову ер остида ганж*<sup>98</sup>

Биз яхши биламиз-ки, форсий «*парварши*» сўзи Навой замонасида «*тарбия бериш*» маъносини англаган:

*Улча эрур тифлга шойиста иш,*

*Билки, кичикликда эрур парварши*<sup>99</sup>

Шунингдек, «*Хайрат-ул аброр*»да «*тарбият*» сўзи ҳам қўлланган бўлиб, у «*парваршиламоқ*» ҳамда кенг маънода «*одоб бермоқ*» каби маъноларни англаган. Бу сўз асли арабийдир:

*Кетарга чун тарбият этти сабаб,*

*Эл бошига чиқсунча топти шараф*<sup>100</sup>

Кундалик ҳаётимизда «*таълим*» сўзи кенг истеъфода этилмоқда. Бу сўз ҳам арабча сўз бўлиб, «*ўқитиш*», «*илм бериш*» маъносини билдиради:

*Қилмоқ эрур бари муллим талаб,*

*Қилгани таълим анга илму адаб*<sup>101</sup>

Ҳаётимизда аҳамиятли бўлган «*одоб*» сўзи ҳам Навой мисолида «*адаб*» шаклида ишлатилган. «*Адаб*» сўзи асли арабий бўлиб, яхши тарбия, маъкул ҳаракат ҳамда болани интизомда саклаш учун жазо бериш каби бир қанча маъноларга эга:

*Гарчи адаб шарти базоят керак,*

*Ҳар киши Таврида риоят керак*<sup>102</sup>

Инсонга таълим-тарбия беришда, барча соҳада, умуман, инсон ҳаётида китобнинг аҳамияти катта. «*Китоб*» ҳам асли арабий сўз бўлиб, ёзув, хат, битмоқ каби маъноларни англади. Навой «*Хайрат-ул аброр*»да «*китоб*» сўзидан ўринли фойдаланган:

*Улки тарихи битмакдур китоб,*

*Назм ила наср ўйлаки дурру хушоб*<sup>103</sup>

<sup>97</sup> Ўзбек тилининг изоҳли луғати. 1-жилд.—Т.: ЎзМЭ, 2006.—Б.260.

<sup>98</sup> Аллалар Навой. Хайрат ул-аброр.—Т.: Ғ.Ғулом номидаги Матбаа ижодий уйи, 2006.—Б. 152.

<sup>99</sup> Кўрсатилган асар, 114-бет.

<sup>100</sup> Кўрсатилган асар, 114-бет.

<sup>101</sup> Уша ерда.

<sup>102</sup> Уша ерда.

<sup>103</sup> Кўрсатилган асар, 163-бет.

«*Маърифат*» сўзи арабчада билиш, таниш, англаш каби маъноларни беради. Навоий ҳазратлари бу сўздан ўз асарларида кенг фойдаланган. Нафақат назмда, балки асарнинг насрий ўринларида ҳам фаол қўллайди: «*Коинот бозоридаги дурларнинг хафс саҳобидин зуҳур дарёсига тушганининг маърифати.*»<sup>104</sup>

Навоий ҳазратлари ижодиётини ўрганиш, асарларини таҳлил қилиш, ўрганилган маълумотларни кенг жамоатчилик ҳукмига тақдим этиш биз ёшларнинг ҳам вазифамиздир.

## Ибораларнинг семантик-синтактик хусусиятлари

Абдуманнопова Намуна,  
талаба

Фразема тил қурилишининг луғат босқичига мансуб иккинчи лисоний бирлик бўлиб, биттадан ортиқ лексеманинг ўзаро семантик-синтактик бирлашуви билан таркиб топган бўлади<sup>105</sup>. Фразема, яъни иборалар тайёр қолипга эга бўлганлиги учун ҳам улар луғат бойлигига мансуб, яъни нутқ жараёнида унга эҳтиёж сезилганда гап сингари уни тузиб ўтиришга ҳожат йўқ, аксинча сўзлар каби тайёр ҳолда фойдаланилади. Иборалар лисоний бирлик хусусияти билан сўзга хос бўлган луғавий маънога эгадир:

1. *Кўй оғзидан чўп олмаган-юввош.*
2. *Бошдан ошиб кетмоқ-кўпаймоқ.*
3. *Кўли очиқ-сахий.*
4. *Бир ёқдан бош чиқармоқ-бирдамлик, аҳиллик.*

Иборалар тузилишига кўра сўз бирикмаси ва гап шаклида бўлади. Масалан:

### 1. Сўз бирикмаси ҳолатидаги иборалар:

а) *кўнглига қарамоқ*-бу ибора бошқарув йўли, яъни от сўз туркумига тегишли сўзнинг жўналиш келишигини қабул қилиб, феълга тобеланганлиги натижасида юзага келган;

б) *оғир оёқ* - бу ибора битишув усулида сифатнинг отга боғланиши асосида пайдо бўлган.

2. Гап ҳолатидаги иборалар: *боши говламоқ, кўзи тўрт бўлмоқ, фигони фалакка чиқмоқ, юраги қинидан чиқмоқ.*

Ушбу ибораларни айни чоғда гап бўлаклари жиҳатидан таҳлил қилсак, *бош, кўз, фигон, юрак* сўзлари эга вазифасини бажаряпти. Чунки бу сўзлар эгага хос сифатларни ўзида мужассамлаштирган, яъни сон (ноль кўрсаткичга), эғалик (III шахс бирлик), келишик(бош келишик ноль кўрсаткиччи) категориялари билан алоқа ўрнати олган. *Говламоқ, тўрт бўлмоқ, чиқмоқ* сўзлари юкоридаги сўзлар билан предикатив муносабатда бўлиб, яхлит ҳолда ибора ҳисобланади. Бундан ташқари, ушбу гап ҳолатидаги иборалар таркибида *фалакка, қинидан* каби сўзлар иккинчи даражали бўлак сифатида шаклланган.

<sup>104</sup> Кўрсатилган асар, 17-бет.

<sup>105</sup> Ш.Раҳматуллаев. Ҳозирги адабий ўзбек тили. - Тошкент, 2006

Иборалар гапда қандай шаклда бўлишидан қатъий назар яхлит ҳолда бир синтактик вазифани бажариб келади. Фразеологик бирикмалар гап бўлагига ажратилмай, бутун ҳолда бир гап бўлагига вазифасида келади<sup>106</sup>. Ибораларнинг бундай хусусияти гап бўлақларининг бирикмали ҳолда ифодаланишига тенгдир:

1. Эга: Дўстнинг минги ҳам кам, дўшманнынг бири ҳам кўп. (мақол) - эркин бирикма. Аравани қуруқ олиб қочиш - нодоннинг иши. - ибора.

2. Кесим: Юракни тугёнларга солган бу кунларимни ҳеч ниммага алишмас эдим мен. Эътибор қилиш тугул, пинагини ҳам бузмади. (Х. Дўстмуҳаммад). Сухбатдошим менга хотиржам кўз ташлаб олди. (Ш. Холмирзаев). Кўрқадиган одам эртами-кечми барибир қўлга тушади, абжсаги чиқади. (Т. Малик).

3. Тўлдирувчи: Қадим замонда кимёгарларнинг тупроқдан олтин ясашлари ҳақида кўп афсоналар тўқилган (С.Назар). Етимларнинг ола қарашига юраги дош берармикан? (Т. Малик). Айрим ёмонларга эса умрбод дўзах азобида қолишмаслиги учун янада кўпроқ зуноҳлар ботқоғига ботишларига имкон бериш мақсадида арконнинг узун ташланганини ҳам у билмайди. (Т. Малик)

4. Аникловчи: Бойнинг ичкари-ташқари дангиллама иморатларини кўрсангиз, шоҳларнинг қомонаси дейсиз. Даққиюнусдан қолган географияда ҳам, қачондир янгилик бўлиши керакму? (Т. Малик) Тирноққа зор хотин, болаларнинг ҳидини созинган. (Т.Н.) Шунинг учун ҳам эрининг бегона аёлни бу қадар оғзидан суви келиб мақташига эътибор бермади. (Х. Дўстмуҳаммад)

5. Ҳол: Ҳовузнинг нариги ёнида бозчанинг тўрида ишқом қилиб кўтарилган тоқлар кўринди. (С.Назар). Барибир профессорга ишқоят қилишни дўлига тугиб турганида бир эркак, бир аёл кириб, унинг лаш-пушини саранжомлаб, кўчиришига ҳозирлаб улгурди. (Х. Дўстмуҳаммад) Шифокор бунга эътибор қилмай мажлисга кутаётган эди, у шошилиб, лекин боягидан анчагина шайти пасайиб гап қотди. (Х. Дўстмуҳаммад). Ўқувчиларга «бўтам» деб ширин мусомала қилувчи муаллим юмшоқ кўнглили бўлгани учун ҳам болалар дарсда ўзларини керагидан ортиқ даражада эркин тутадилар. (Т. Малик)

Демак, иборалар сўз бирикмаси ва гап ҳолатида шаклланган бўлиб, улар лексемалар каби тайёр луғавий бирлик ҳисобланади ва гапда яхлит ҳолда битта гап бўлагига вазифасида келади.

## Фраземаларда зооним сўзларнинг ишлатилиши

Содиқова Умида,  
талаба

Тилнинг луғат таркибидаги бирликлардан бири иборадир. Иборалар – фраземалар икки ёки ундан ортиқ сўзлардан таркиб топади ва сўз сингари луғавий маъно билдиради.

<sup>106</sup> М. Аскарлова, Х. Абдурахмонов. Ўзбек тили грамматикасининг практикуми. 1981 йил



Қисмлари қатъий бир қолига кириб, кўп замонлар барқарор бўлган, кўча маъно аниқлаб берилган, гапда бутунлигича бир бўлак вазифасида келадиган, образли, жозибали сўзлар боғланмаси фраземалардир<sup>107</sup>.

Ибора тузилишига кўра сўз бирикмасига ўхшаб кетади. Аммо сўз бирикмаси нутқий бирлик бўлса, ибора эса нутқакча тайёр ҳолда, яъни луғавий бирлик ҳисобланади. Шунинг учун ибораларни турғун сўз бирикмаси деб аталади. Масалан: *катта гапирмоқ, тепа сочи тикка бўлмоқ*.

Баъзида сўз бирикмаси билан иборанинг тузилиши тенг келиб қолади. Бунда улар омонимлик ҳолатида бўлади. Масалан:

1. Дарров унга хабар бермоқчи бўлдим. *Лекин яна ўйлаб, арқонни узун ташлаб қўйи дедим.* (Ойбек)

2. Сигир ўралиб қолмасин учун *арқонни узун ташлаб қўйи дедим.* (Нутқдан).

Бу юкоридаги ҳар икки гапда *арқонни узун ташламоқ* бирикмаси келган. Биринчи гапда ибора қатнашган бўлиб, *бемалол ташлаб қўймоқ* маъносини ифодалайди, иккинчи гапда эса сўз бирикмаси вазифасида келган. Сўзнинг шаклий томонини товушлар ҳосил қилса, иборанинг шаклий томонини сўзлар ташкил этади. Масалан: *Хурсанд- боши осмонга етди, беқийё- ер билан осмонча*.

Фраземаларнинг қисмлари таркибини чуқур таҳлил этмасдан туриб, бу тил биллигининг пайдо бўлиш хусусиятларини ўрганиб бўлмайди. Фраземаларнинг ифодавий ва мазмун жиҳатдан шаклланишида фразема таркибидаги сўз (компонент)ларнинг ўрни ва ролини тадқиқ этиш илмий ва амалий аҳамият қасб этади<sup>108</sup>. Ўзбек тилшунослигида бу борада муайян тадқиқотлар<sup>109</sup> олиб борилган.

Фраземалар шаклланиш доирасини тилшунос А.Маматов тўрт гуруҳга ажратиб кўрсатади:<sup>110</sup>

1. Шахс фаолияти ва психикаси билан боғлиқлиги жиҳатидан. Масалан: *огиз очилди, юраги қинидан чиқаязди*.

2. Қасб-корга боғлиқлиги. Масалан: *бўзчининг моксидек, супраси қуруқ*.

3. Ҳайвонлар образи асосида. Масалан: *думи хуржунда, ҳолига маймунлар йиғилсин*.

4. Дин ва диндорларга боғлиқлиги асосида. Масалан: *худо кўтарсин, пайгамбар ҳассаси билан туртган* ва ҳоказо.

Биз қуйида ҳайвонлар образи асосида шаклланган фраземаларни таҳлил қилиб кўраемиз.

Уй ҳайвонлари образи асосида юзага келган иборалар нутқни таъсирли, жозибали қилиб, бошқа сўз иштирокидаги ибораларга нисбатан

<sup>107</sup> Э.Қиличев "Ҳозирги ўзбек адабий тили" 2001, 84-6.

<sup>108</sup> Ш.А.Маматова "Зооним компонентли фраземалар таҳлили" "Ўзбек тили ва адабиёти" 2007, 7-сон

<sup>109</sup> Ш.Раҳмагуллаев, "Лексема ва фразема маъноси компонент таҳлилининг баъзи натижалари" "Ўзбек тили ва адабиёти" 1986, 3-сон, 16-21-б.

<sup>110</sup> А.Маматов. "Ўзбек тили фразеологизмларнинг шаклланиш масалалари" ДДА. -Тошкент, 2000

тезроқ кишининг юрагига кириб боради. Бир зооним қатнашган ҳиёма-хил иборалар нутқда турфа маъноларни беради. Масалан: *Қовунга қаранг. Ҳар бири туянинг қалласидэй*. (Ойбек). «*Туянинг думи ерга текканда тегади*», - деди.(М.Исмоилий).

Биринчи гапда келтирилган ибора *йирик, катта* маъноларини ифодаласа, иккинчи гаптаги ибора *ҳали-вери бўлмайдиган иш* маъносини беради.

а) *Соғин сизгир* бўлгани учун хурсанд қилиш керак эди.(Ойбек)

б) «*Ҳўкизнинг қулсига танбур чертдимми, нодон хотин!*»- қизишиб кетди Ёрмат. (Ойбек).

Ушбу гапларда бир турдаги, аммо икки жинсли зооним турли маъноларда қўлланган. Биринчисида *тугамайдиган, текчн* деган маъноларда, иккинчисида эса *беътибор, гапни уқмайдиган, эшитсада, амал қилмайдиган* каби маъноларда келади.

а) *Ит ётиш, мирза туриш!* На стол, на стул, на кўрпа, на китоб! (А.Мухтор)

б) Улар кишлокдагиларнинг бошига *ит кунини солибди*. (Х.Турсункулов).

с) Биласанми, сен бу ўзбошимчалигинг билан отангни *ит азобига* солишингни? (К.Яшин)

д) Бирор хунар-пунар ўргансин, «*Йўкса итнинг кейинги оёғи* бўлиб қолади.» (Э.Раимов)

е) Чой ичаётгубман-у, хавотирдан *ичимни ит таталаятти*. (Х.Незир).

Ушбу мисолларнинг барчасида *ит* зооними турли маъноларда қўлланган. Биринчисида *бефайз ҳаёт*, янада аниқроқ айтганда, ҳеч нарсаиз, ҳеч нарса қилмасдан яшаётганларга нисбатан ишлатилади. Иккинчи гапта эса *кишилар бошига тушган ташвишли кун ёмон ҳолат* тушунилади. Учинчисида *қаттиқ азоб, ташвиш, гам* маъноси англанса, кейингисиди бу *ҳаётда фойдаси тегмайдиган инсон* эканлиги тушунилади. Кимнингдир *яширин ҳолда руҳан безовталаниши, ташвишланиши* маъносини эса бешинчи гаптаги ибора ифодалайди.

а) *Кўй оғзидан чўп олмаган* Гаффоржон деган йигит бор эди.(А.Қаҳҳор).

б) *Ўзларини ака, эчкиларини така* деб, зўрға опкелтирдим. (А.Мухтор).

с) Давангирдай қакқайгани-бутун районга *отнинг қашқасидай* таниқли Тўламаат мўйлов.(С.Анорбоев).

Мисоллардаги ибораларда ниҳоятда беозор, мўмин, хушомадгўйлик қилиш, ўта даражада таниқли деган маънолар ифодалади.

Ёввойи ҳайвонлар образи ҳам фразеологизмда жуда кўп учрайди: *Сизни дуруст одам деб юрардим. Қуён юрак экансиз* (С.Аҳмад)

Ўта кўрқоқ, журъатсиз кишиларга нисбатан юқоридаги ибора ишлатилади. Биз уй ҳайвонларни мисолида кўрсатиб ўтган хислат ёввойи ҳайвонлар образида ҳам мавжуд. «*Ер тағида илон қимирласа биларди*» (С.Назар)

*Илоннинг ёғини ялаган* — бу Зуннунов, жуда нозик жойини топибди. (С.Рахимов) *Гапларига илон пўст ташлайди* (И.Раҳим)

Юкорида айтиб ўтилганидек, ушбу гапларда келган *шон* зооними турфа маъноларни ифодалайди. Аввалгисида сезгир, эътиборли киши маъносини, кейингисида айёр, муғомбир маъноларини, учинчисида эса ёмон таъсир этадиган мулоҳаза маъносини беради. Барчамизга маълумки, иборалар ҳам ўзаро синоним бўла олади. Жумладан, зооним компонентли фраземалар ҳам ўзаро синонимик қатор ҳосил қилади. Масалан: юкоридаги келтирилган *“Итнинг кунн бошига тушмоқ”* ибораси куйидаги гапдаги ибора билан синонимдир. *“Ана ундан сўнг хумсанинг ҳолига маймуллар йиғласин”* (А.Қодирий). Ҳар иккала иборада ҳам инсоннинг аянчли ҳолати келтирилган. Яна *“Ораларидан ола мушук ўтди”* ибораси билан *“Ит-мушук бўлди”* ибораси ўзаро синонимдир. Яна айрим фраземаларда шундай хусусият борки, уларда иккита зооним сўз учрайди. а) Ҳа, сендақаларга тушуниб қолдим, *пашшадан фил ясайсанлар.* (С.Рахимов) б) *“Олган мукофотига от билан туя берармиди?”* -дебди. (А.Қаххор)

Зооним сўзларнинг кўша қўлланиши таъсирлиликни кучайтиради. Зооним компонентли фраземалар орқали ифодаланган гап инсонга қаттиқ таъсир этса-да, гарчи оғир ботса-да, аммо юракка тез ва чуқур кириб боради. Уларнинг таъсир доираси катта, Ундай иборалар қайсидир инсонда бор бўлган ёмон фазилатни йўқотиши мумкин. Бундай фраземалардан шоиру ёзувчилар ўз асарларида унумли фойдаланадилар. Зооним сўзларининг ибора таркибидаги ўрни ва роли аҳамиятли характерга эга.

## Мундарижа

Азимов И. Изланишдан толманг, ёшлар!.....	3
<i>Адабиёт сарҳадларида</i>	
Ахмедова В. Драмада бадийлик.....	6
Тургунов Ш. Ўзбек болалар фольклорига жанрлараро муносабат.....	8
Аликулова Ҳ. Ёр-ёрлар поэтикасига доир айрим мулоҳазалар.....	10
Раҳмонова С. Янги аср ўзбек сонетлари.....	12
Аметова О. Ибораларнинг бадий-услубий вазифалари.....	15
Ходжаева С. Арабийнавис шоирлар ижодида киборлар ҳажви.....	19
Акрамов Ш. «Кўктўнликлар» қиссасида миллий озодлик курашчилари таназули сабабининг бадий таҳлили.....	21
Мингулова Н. «Олтин ёруқ» адабий ёдгорлигидан таълим жараёнида фойдаланиш.....	25
Халимбетова А. Чўпон ҳаёти ва ижодини ўрганиш.....	27
Бобокулова О. Навоий янги давр нигоҳида.....	29
Матқурбонова Д. «Улуғ салтанат» романида ҳаёт ҳақиқати ва бадий тўқима.....	32
Розиков Б. «Ҳайрат-ул аброр» дostonида сўз таърифи.....	33
Жайнақова Л. Бобур рубойларида одоб-ахлоқнинг ифодаланиши.....	35
Ўктамов Н. Детектив асарларда рухият.....	37
Тўлаганов А. Тарихий жараёнларнинг статистик таҳлили.....	39
<i>Тилга эътибор</i>	
Йўлдошев М. Бадий сўз ҳисси.....	43
Ҳақимова М. Семантик бирикувчанлик нуқтан назаридан лексик маъно турлари.....	45
Ахмедова Н. Ўзбек тилида мурожаат бирликлари.....	47
Абдуллаева Д. Предмет ва белги билдурвчи сўзларда семантик зиддиятлар.....	50
Баратова С., Мусаева Л. Немис ва ўзбек мақолларида менталитетнинг ифодаланиши.....	51
Жамолиддинова Д. Парантезаларда хусусий-яширин тағмаёнарнинг ифодаланиши.....	54
Каримова З. Ҳавола бўлакли эргаш гапли қўшма гаплар.....	56
Дедахонова М. «Қиссаси Рабғузий» асарида ундالمаларнинг тузилишидаги ўзига хосликлар.....	59
Абдурахмонова Н. Қаюм Рамазон ва ўзбек тили фонетикаси.....	62
Эшмирзаева Г. От мавзусини ўтишда замонавий педагогик технологияларни қўллашнинг афзалликлари.....	64
Абдужабборова Ҳ. Алишер Навоий ижодида ҳуқуққа оид сўзлар.....	66
Маҳмудова Н. Ўзбек тилида синтактик ва актуал тузилиш сатҳлари.....	67
Алимова А. Ономастик конверсия усли билан ясалган исмлар ҳақида.....	70
Бобокулов Ф. Ўзбек терминлогиясида омонимия.....	72
Рафиева Л. Музейшунослик атамаларини ўрганиш масаласи.....	74

Самадова М. Товушлар бағридаги бадийат.....	76
Тожиева З. Академик лицейларда феъл туркумини ўқитишда замонавий педагогик технологияларни қўллаш.....	78
Матюсупова З. Феъл+феъл типдаги бирликларда модаллик.....	80
Мирахмедова Ш. Киноя ва унинг бадий матнда қўлланилиши.....	82
Қутлимуродова Х. Абдулла Орипов шеърятда боғловчисиз қўшма гаплар.....	83
Маҳмудова Н. Ўзбек тилида бош бўлақларнинг тема-рематик функцияси.....	85
Ражаббоева С. Бош келишик шаклидаги субъектнинг ифодаланиши.....	89
Бердиёрова К. «Бўлса», «эса» боғловчиларининг маъно турлари.....	92
Жўраева Н. Ҳосила маъноларининг бош маъно билан муносабатига кўра полисемия турлари.....	94
Шағнаҳмедова Ш. Ўзбек тилида ундов гаплар.....	95
Эшонқулова Д. Ўткир Ҳошимов асарларида синтактик фигураларнинг ифодаланиши.....	97
Бақиев Ж. Бадий матнда коррекция.....	99
Эгамова Д. «Ҳайрат-ул аброр»да таълим-тарбияга оид сўзлар.....	102
Абдуманнопова Н. Ибораларнинг семантик-синтактик хусусиятлари.....	104
Содиқова У. Фраземаларда зооним сўзларнинг ишлатилиши.....	105

Босишга рухсат этилди 04.04.08. Бичими 60x84 <sup>1</sup>/<sub>16</sub>.  
«PANDA Times Uz» гарнитураси. Офсет усулида босилди.

Шартли босма табағи 7,0

Нашр табағи 6,0. Адади 500. Буюртма №38.